

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХОՂАЛИГИ

ISSN 2181-502X

№2. 2018



*Қимқи бўлса омилқор,
Қишда яратар баҳор*



ЭЗГУ МАҚСАДЛАР, УЛКАН РЕЖАЛАР

аграр соҳа истиқболини белгилайди

2017 йилни юксак натижалар, улкан бунёдкорликлар билан якунлаган халқимиз ютуқларга маҳлиё бўлиб қолмасдан, жорий йилни эзгу мақсадлар, кенг кўламли режалар асосида ниҳоятда кўтаринки руҳда бошлади. Биргина аграр соҳа мисолида оладиган бўлсак, Юртбошимиз 2017 йил 9 декабрь куни пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» халқроқ анжуманлар саройида Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги таҳлилий-танқидий нутқидан соҳада эришилган ютуқлар билан бирга, фойдаланилмай келаётган имкониятлар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳақида тўхталиб, келгусида барча тармоқлар бўйича долзарб вазифаларни белгилаб берди. Эндиликда, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари Президентимизнинг мазкур нутқидан келиб чиқиб, ўз фаолиятларини танқидий таҳлил қилган ҳолда янгича тарзда йўлга қўймоқда.

Юртбошимиз 2017 йил 22 декабрь куни тарихда биринчи марта Олий Мажлисга Мурожаатнома тақдим этди. Халқимиз, қолаверса, жаҳон ҳамжамиятининг юксак эътирофига сазовор бўлган мазкур Мурожаатномада ҳам аграр соҳа олдида турган кенг кўламли вазифаларга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, ҳозирги кунда юртимизда 51 фоиздан зиёд аҳоли қишлоқ жойларда яшайди. Бироқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотларидаги улуши 17 фоиздан ошмайди. Аграр соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми эса 10 фоизга ҳам етмайди. Ҳолбуки, ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 50 фоиздан ортқичи ташкил этади. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш лозим, дея таъкидлади Президентимиз.

Чорвачиликни ривожлантириш мисолида оладиган бўлсак, қорамол ва парранда сонини кўпайтириш, бу борада сифат ва маҳсулдорликка эришиш учун етарли шароит яратиш зарур. Яқин истиқболда ҳар бир туманда ихтисослаштирилган бўрдоқчилик комплекслари, паррандачилик фабрикалари, шунингдек, иссиқхона хўжаликлари ташкил этилиш тақозо этилади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиздан хорижга ҳар йили 1,5–2 миллиард долларлик мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинмоқда. Юртбошимиз бу соҳада йилига 10–15 миллиард доллар маҳсулот экспорт қилиш имконияти мавжудлигини қайд этиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини самарали реализация қилиш жуда муҳим масала эканлигига эътиборни қаратди.

Шу мақсадда фермер хўжалиқларида етиштирилган маҳсулотлар

ҳажми ва миқдори ҳақидаги маълумотларнинг ягона базаси яратилади.

Жорий ва келгусидаги режалар, амалга ошириладиган ишлар кўламини белгилаш борасида Президентимизнинг шу йил 22 январдаги Фармонида биноан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастури қабул қилинди.

Давлат дастури 5 бўлимдан иборат бўлиб, унга асосан 37 та қонун ишлаб чиқиш, 142 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ҳамда турли соҳаларни қамраб олган 52 та амалий чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Давлат дастурининг учинчи йўналиши иқтисодий ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга бағишланган.

Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш соҳасида илғор ғоялар, «смарт» технологиялар ва ноу-хауларга асосланган инновацион тараққиётнинг янги моделига босқичма-босқич ўтиш кўзда тутилмоқда.

Венчур фондлар, венчур молиялаштиришни ташкил этиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий асослар, шунингдек, иқтисодий инновациялар ва янги технологиялар жорий этишни рағбатлантирувчи механизмлар ишлаб чиқилади.

2023 йилнинг 1 январига қадар венчур фондлар, юқори технологик стартап-лойиҳалар, илмий-тадқиқот муассасалари, инновация марказлари ва лойиҳа-конструкторлик бюроларига ўзларининг янги технологияларини тадбиркорларга сотиш

(фойдаланиш учун тақдим этиш)дан тушган даромадлари бўйича солиқ имтиёзлари тақдим этилади. Бир сўз билан айтганда, илм ва амал уйғунлиги жадаллашади.

Таъкидлаш жоизки, Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишга 11,2 триллион сўм ва 1,3 миллиард АҚШ доллари йўналтирилади.

Давлат дастури мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини амалда юксалтириш ва фуқароларнинг ҳаёт сифатини яхшилашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, эзгу мақсад ва улкан вазифаларни амалга оширишда ҳал қилувчи босқич бўладиган 2018 йил биз учун осон бўлмайди. Лекин, халқимиз таъбири билан айтганда, сув келса симириб, тош келса кемириб бўлса ҳам, танлаган йўлимиздан қайтмаслигимиз шарт. Барчамиз бир ҳақиқатни чуқур тушуниб, англаб олишимиз керак: бугун гап халқимиз, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги, жондан азиз болаларимизнинг бахти ва камоли ҳақида бормоқда. Шундай улуғ мақсадлар йўлида барчамиз белимизни маҳкам боғлаб ишлашимиз, бор ақл-заковатимиз, билим ва тажрибамизни, жонажон Ватанимизга фарзандлик меҳримиз ва садоқатимизни сафарбар этишимиз керак.

Президентимизнинг мазкур даъвати халқимизни руҳлантириб, олдимизда турган улкан вазифаларни астойдил бажаришга ундайди. Бу жабҳада ҳар биримиз масъулиятни дилдан ҳис қилган ҳолда ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилсак, эзгу мақсадлар, улкан режалар рўёбига ўз ҳиссамизни қўшган бўламыз.

Тоҳир ДОЛИЕВ

СОҲАДА РИВОЖЛАНИШГА ЭРИШИШ

сув ресурсларини оқилона бошқариш ва улардан самарали фойдаланишга боғлиқ

Кейинги йилларда республикамизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга давлатимиз раҳбарияти томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилаётган изчил тадбирлар ер ва сув ресурслари маҳсулдорлигини ошириш имкониятини яратмоқда.

Сувдан фойдаланишда тежамкор технологияларни жорий этишга қаратилган тадбирлар давлат томонидан қўллаб-қувватланиб, бунинг ташаббускори бўлган хўжалик ва ташкилотларга қўшимча имтиёз ва преференциялар яратиб берилмоқда. Натижада ҳозиргача қарийб 240 минг гектардан зиёд майдонда мана шундай технологиялар, жумладан, 28 минг гектар ерда томчилатиб суғориш жорий қилинди.

2017 йилда ҳам мамлакатимизда сув ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланишни ташкил этиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, юртимиз бўйича суғориш мавсуми мобайнида жами 40,8 млрд/м³, шундан Амударё ҳавзаси бўйича 25,1 млрд/м³, Сирдарё ҳавзаси бўйича 15,7 млрд/м³ сув ресурслари қишлоқ хўжалиги сув истеъмолчилари учун етказиб берилди.

Республикамизда аҳоли сонининг кўпайиши, сувга ва шунга мос равишда озиқ-овқатга бўлган талаб ортиб бораётган бир пайтда, сув ресурсларининг камайиши, иқлим ўзгаришлари туфайли юзага келадиган муаммолар сув хавфсизлигини таъминлаш борасида зиммамизга катта вазифаларни юкламоқда.

Бу борада ҳукуратимиз томонидан суғориладиган майдонлардан кафолатли ҳосил олиш ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш учун мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва суғоришда тежамкор технологияларни кенг жорий қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда гидротехник иншоотларнинг ишончли ишлашини таъминлаш борасида тизимли равишда ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган йил давомида 9,03 минг гектар майдонда томчилатиб, 43,8 минг гектар майдонда кўчма эгилувчан қувурлар орқали ва 18,8 минг гектар майдонда полиэтилен плёнка билан қопланган эглатлар орқали суғориш усуллари жорий қилинди.

Истеъмолчиларни сув ресурслари билан барқарор таъминлаш мақсадида

мавжуд гидротехник иншоотлар, сув етказиб бериш ва суғориш тармоқларининг ишончли ишлашига эришиш учун қарийб беш минг километр узунликдаги суғориш тармоқлари тозаланиб, улардаги 5600 дан ортиқ гидротехник иншоот ҳамда 4755 сув ўлчовчи гидропост таъмирланди.

Мелиоратив объектларни тизимли таъмирлаш ва тиклаш йўналишидаги жами 272 та устувор лойиҳаларда таъмирлаш-тиклаш ишлари тизимли равишда амалга оширилди. 2017 йилги



Инвестиция дастурига асосан вазирликка 443,0 млрд сўм капитал маблағ ажратилиб, жами 170 та устувор лойиҳаларда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди. Бунинг натижасида 411,2 километр умумий узунликдаги каналлар, 76,8 километр узунликда лоток тармоқлари, 77 дона гидротехник иншоотлар, насос станцияларнинг 8,7 километр узунликдаги босимли қувурлари, 18,3 м³/сек. сув чиқариш қувватига эга бўлган насос станциялари, 0,97 километр узунликда қирғоқ ҳимоя ишлари ва 73,9 километр узунликда ташқи электр узатиш тармоқлари қурилди ва реконструкция қилинди.

Жумладан, “Наманган тармоқ” канали ва ундан сув олувчи 68,0 км узунликдаги суғориш тармоқлари реконструкция қилинди, Шаҳрисабз туманидаги сув чиқариш қуввати 7,74 м³/сек. бўлган “Пахтакор” насос станцияси реконструкция қилинди.

Сув хўжалиги эксплуатация ташкилотларида энергия истеъмоли ҳажмларини қисқартириш, энерготежамкор технологияларини жорий қилиш мақ-

садида 127 дона насос ҳамда 308 дона электродвигателлар, 206 дона конденсатор қурилмалари, 136 дона ҳар хил қувватли қуёш батареялари, шу билан бирга, 5080 дона энерготежамкор светодиод лампалари ўрнатилди.

Бугунги кунда вазирлик тизимида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда истеъмолчиларни сув билан кафолатли таъминлаш бўйича умумий қиймати 1468,26 млн АҚШ доллари бўлган 9 та лойиҳа, жумладан, “Хоразм вилояти Тошсоқа тизимидаги магистрал суғориш каналларини қайта тиклаш”, “Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш (Ҳазорбоғ-Оққопчиғай каналлари тизимини қайта тиклаш)”, “Аму-Бухоро ирригация тизимларини қайта тиклаш”, “Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш”, “Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. 2-босқич”, “Қарши насос станциялар каскадини тубдан қайта тиклаш. 3-босқич”, “Қашқадарё вилоятида “Дўстлик-1-2-3” насос станциясини қуриш”, “Ирригация тизимларини, каналларни тозалаш учун экскаватор ва бульдозерлар билан таъминлаш” ва “Земснарядларни ва уларга эҳтиёт қисмларни келтириш” лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Мазкур лойиҳалар доирасида 2017 йилда 41,03 млн доллар ўзлаштирилди. Мазкур маблағлар эвазига 90 дона экскаватор, 15 дона бульдозер, 17 дона земснаряд, 26 дона юк ва 8 дона ўт ўчириш машинаси, 40 дона трактор, 104 дона тиркамалар харид қилинди, 127 километр узунликдаги канал ва 198 дона гидротехник иншоот қайта таъмирланди.

Ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ўтган йили 286 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати, 500 минг гектардан зиёд майдоннинг сув таъминоти яхшиланишига эришилди.

Юқорида қайд қилинган ютуқлар билан бир қаторда, 2017 йил давомида Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги ички суғориш тармоқларини тозалаш ва улардаги гидротехник иншоотларни таъмирлаш масалаларига етарлича эътибор берилмади.

Бундан ташқари, бугунги кунда сув ресурслари танқислиги кучайиб бораётган шароитда жуда долзарб бўлиб турган сувни тежайдиган технология-

ларни жорий қилиш ишлари айрим ҳудудларда талаб даражасида олиб борилмаётгани. Жумладан, кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш ва эгатга плёнка тўшаб суғориш усуллари жорий қилиш бўйича олиб борилаётган ишларда сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Сув хўжалигининг энг куйи, шу билан бирга энг муҳим бўғини ҳисобланган Сув истеъмолчилари уюшмалари фаолияти талаб даражасида йўлга қўйилмаган. Оқибатда сув истеъмолчилари ўртасида сувни адолатли тақсимлаш истеъмолчиларга сувни ўз вақтида ва керакли миқдорда етказиб беришда узилишларга сабаб бўлмоқда.

2017 йилда эришилган ютуқлар сарҳисоб қилиниб ва камчиликлар сабаблари ўрганилиб, жорий йилда мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, гидротехник иншоотларнинг ишончли ишлашини таъминлаш, энг асосийси сув истеъмолчиларини сув билан керакли миқдорда барқарор таъминлаш мақсадида устивор вазифалар ҳамда тадбирларни тизимли равишда амалга ошириш режалари белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги “2018–2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича Давлат дастури тўғрисида”ги қарорига асосан жорий йилда кенг қўламли ирригация-мелиорация тадбирлари, сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ишлари амалга оширилиши белгиланган.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида суғориш иншоотлари эскириб, тармоқлар ярқисиз ҳолга келиб қолганлиги оқибатида 830 минг гектар ерни суғоришда қийинчиликлар юзага келатганлиги, бундан ташқари, 1 млн 300 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, 18 минг километр коллектор ва дренаж тармоқларини босқичма-босқич тозалаш лозимлиги, шунингдек, 103 та йирик, 720 та ўрта ва кичик сув иншоотлари янгилаш ва таъмирлашга муҳтож эканлигини алоҳида таъкидлади.

Шундан келиб чиқиб, жорий йилда жами 63,4 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар, шундан 15,0 минг гектар майдонда томчилатиб, 36,4 минг гектар майдонда кўчма эгилувчан қувурлар билан ва 12,0 минг гектар майдонда полиэтилен плёнка билан қопланган эгатлар орқали суғориш усуллари жорий қилиш прогност кўрсаткичлари белгилаб олинди.

Сув хўжалиги эксплуатация ташки-

лотларида энергия истеъмоли ҳажмларини қисқартириш, энерготехжамкор технологияларини жорий қилиш мақсадида 181 дона насос ҳамда 350 дона электродвигателлар, 178 дона конденсатор қурилмалари, 153 дона ҳар хил қувватли қуёш батареялари, шу билан бирга 8597 дона энерготехжамкор светодиод лампалари ўрнатилади.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича жами 553,4 млрд сўм маблағ, жумладан, реконструкция қилиш ва қуриш ишларига 241,0 млрд сўм, таъмирлаш ва тиклаш ишларига 255,4 млрд. сўм ажратилиши кўзда тутилган. Ушбу маблағлар ҳисобига 16,605 минг километр очиқ коллекторлар ва 1,60 минг километр ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқлари,



729 дона вертикал дренаж қудуқ, 5 дона мелиоратив насос станция, 721 дона кузатув қудуғи, 75 дона гидротехник иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш, 500 гектардан зиёд майдонларда ихота даракзорлар барпо этиш, “Ўзмелиомашлизинг” давлат унитар корхонаси томонидан 61 дона замонавий мелиоратив техникалар, машина ва механизмлар харид қилиш белгиланган.

Ирригация тизимлари, улардаги гидротехник иншоотларнинг техник ҳолатини яхшилаш мақсадида 2018 йил давомида 4997 километр узунликдаги хўжаликлараро суғориш тармоқларини тозалаш, 5327 дона гидротехник иншоотларни ҳамда 3628 дона гидropостларни таъмирлаш режалаштирилган.

Шунингдек, жорий йилда жами 537,9 млрд. сўмлик капитал маблағлар ҳисобига 456,1 километр узунликдаги каналлар, 221,3 километр узунликдаги лоток тармоқлари, 56 дона гидротехник иншоотлар, 54,2 м³/сек. сув сарфига эга бўлган насос станциялари, 22,5 километр узунликдаги босимли қувурлар, 28,5 километр узунликдаги электр узатиш тармоқлари, 2 дона суғориш қудуқлари, 632,7 млн/м³ ҳажмдаги сув омборлари қуриш ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Жумладан, Қашқадарё вилоятида Гулдара сув омбори қурилиб ишга туширилиши, Андижон вилоятида Майлисой, Жиззах вилоятида Боғимозорсой, Самарқанд вилоятида Булунгур, Сурхондарё вилоятида Хонгаронсой ва Обизаранг, Тошкент вилоятида Тоштепа, Паркентсой ва Қизилсой сув омборлари қурилиши бошланиши, шунингдек, Тошкент вилоятидаги Оҳангарон, Наманган вилоятидаги Қорасув ҳамда Қашқадарё вилоятидаги Деҳқонобод сел сув омборларининг сув сифими оширилиши белгиланган.

Юқоридаги тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 269,6 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ҳамда 1200 минг гектардан ортиқ ерларнинг сув таъминоти яхшиланишига эришилади.

“Ўзгидромет” марказининг маълумотига кўра, ёгингарчилик миқдори оз бўлганлиги, аксарият сув омборларимизда сув ҳажми кўп йиллик меъёрга нисбатан кам йиғилганлиги сабабли 2018 йил ёзги суғориш мавсумида сув таъминотида қийинчиликлар кузатилиши мумкин.

Жорий мавсумда қутилаётган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш, суғориладиган ерларни сув билан кафолатли таъминлаш ҳамда мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан комплекс чора-тадбирлар белгилаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Маскур тадбирларни илмий асосда ташкил этиш мақсадида соҳа олимлари, малакали мутахассислардан таклифлар оlinиб, умумлаштирилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, суғориш мавсумида барча бўғинларда сувдан самарали ва тежамли фойдаланиш, тежамкор технологияларни кенг қўллаш, далани суғоришга тўлиқ тайёрлагандан кейин сув очиш, агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, экинларни сув таъминотини инобатга олган ҳолда жойлаштириш, суғориш ишларига сувчиларни етарлича жалб қилиб, тунги ва навбатлаб суғоришни йўлга қўйиш талаб этилади.

Мухтасар қилиб айтганда, сув хўжалиги тизимда олиб борилаётган кенг қўламли ишлар қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига мустақам пойдеворки, бу пировардида мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалиши, аҳоли турмуш фаровонлиги янада яхшиланишига хизмат қилади.

Шавкат ХАМРАЕВ,

*Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг
Сув хўжалиги масалалари бўйича
ўринбосари.*

ҚИШ ЎЗ ОТИ БИЛАН ҚИШ...

Жорий қиш фаслининг нисбатан қуруқ, ёғинсиз, илиқ ўтиши яқин йиллар давомида кузатилмаган эди. Бундай об-ҳаво шароити майсаларнинг ривожланишига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун фермерлар ва соҳа мутахассислари галла парваришига ҳар қачонгидан ҳам эътиборли бўлиб, жиддий ёндашишлари лозим.

Бунда агротехника тадбирларини республикамиз минтақаларининг тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда ўтказиш, ниҳолларнинг илдиз тизими яхши ривожланишига эътибор қаратиш, тупроқдаги озиқани етарлича ўзлаштириши учун чилла суви бериш зарур.

Чилла суви бериш олдидан суғориш тармоқларини тозалаш муҳим аҳамиятга эга. Сабаби ариқ-зовурларда турли бегона ўтларнинг ўтган йилги қолдиқ ва уруғлари бўлиб, улар сув орқали пайкалларга тарқалиши мумкин. Кунлар илиб, ҳаво ҳарорати кўтарилиши (15–18°C) биланоқ бегона ўтлар тезда униб чиқиб, озиқа, сув, ёруғликни галлага нисбатан кўпроқ ўзлаштириб, ҳосилдорлик ва дон сифати пасайишига олиб келади.

Бу йилги шароитда галлани азотли ўғитлар билан биринчи озиқлантириш ишларини Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида январнинг охири-февраль ойининг бошларида, Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларида февраль ойининг ўрталарида, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида февралнинг охири-март ойининг бошларида ўтказиш тавсия этилади.

Мавжуд ўғит сепиш мосламалари (НРУ-0.5), ўғит ташиш учун мўлжалланган транспорт воситаларини тўлиқ таъмирдан чиқариш, ўғитлаш мавсумини қисқа муддатларда якунлаш имконини беради. Шунингдек, фермер хўжаликларида 1 ва 2-озиқлантириш учун етарли миқдордаги минерал ўғитлар захирасини яратиш мақсадга мувофиқ.

Жорий қишнинг нисбатан илиқ келганлиги шароитида зараркунанда, ҳашарот ҳамда бегона ўтларнинг ўтган йилларга нисбатан бирмунча кўп бўлиши башорат қилинмоқда. Шу боис мутахассислар томонидан ҳар гектар галла майдонида бегона ўтлар тури аниқланиб, талаб этиладиган ва

Давлат кимё комиссияси томонидан рухсат этилган гербицид, фунгицид ва инсектицидлар захирасини яратиш лозим. Шунингдек, галла майдонлари ва атрофлари хас-хашаклар, ғўзапоялардан тўла тозаланиши лозим.

Муҳим тадбирлардан яна бири — бу ниҳолларнинг қишловдан қандай чиққанлигини аниқлаш ҳамда галлани 1-озиқлантириш ишларини мақбул муддатда сифатли ўтказиш ҳисобланади. Бунинг учун ҳар 200 гектар майдонга биттадан кузатувчи бириктирилиши лозим.

Эрта баҳорги озиқлантиришда азотли ўғитларни йиллик меъёрининг таъсир этувчи мода ҳисобида 25 фоизини бериш тавсия қилинади.



ди (физик ҳолда 150–160 кг/га).

Эрта баҳорги азотли озиқлантиришни энг биринчи навбатда кечки муддатларда экилиб, қишловдан қийинчилик билан чиққан, сўнгра уруғлик етиштириш учун экилган ва ниҳоят қолган майдонларда ўтказиш тавсия қилинади. Қишловга тупланмасдан кирган ҳамда қишловдан қийинчилик билан чиққан майдонлардаги ўсимликларни қўшимча тартибда гектарига физик ҳолда 100 кг. дан озиқлантириш яхши самара беради.

Эрта баҳорда тупроқ таркибидаги озиқа моддалари миқдори камайиб кетишидан ташқари, ўсимлик қишдан нозик ҳолда чиқади ва озиқ моддаларга эҳтиёжи ортади. Шу боис эрта баҳорги озиқлантириш кўчат қалинлигини барқарорлаштириб, ўсимликда тупланиш жараёнини жадал-

лаштиради, яъни 1 м² майдонда 550–600 тагача маҳсулдор поя ҳосил қилишга эришиш мумкин. Эрта баҳорги озиқлантиришни ўз муддатида ўтказиш ҳисобида бир гектар ердан 5–7 центнергача қўшимча ҳосил олишга эришилади.

Эрта баҳорги озиқлантиришда азотли ўғитлар меъёрини аниқлашда ўсимликларда ўсиш жараёни бошланиши муҳим ўрин тутаяди. Агарда ўсимликларда ўсиш жараёни кеч бошланса, бу даврга келиб ҳаво ҳарорати тез кўтарилади, ривожланиш фазаларининг ўтиш вақти ва озиқа моддаларнинг ўзлаштирилиши пасаяди. Шу даврда ўсимликда тупланиш ва генератив органлар ривожланишини кучайтириш мақсадида азот меъёрини йиллик меъёрига нисбатан 25 фоиз эмас 30 фоизга оширилиши тавсия қилинади. Эрта баҳорги озиқлантиришда азот меъёри бундан оширилганда ўғитнинг ортиқча қисми сув ёки ёғингарчилик билан ювилиб кетади.

Озиқлантиришдан сўнг ҳар бир минтақада тупроқ намлиги ва иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда гектарига 700–800 м³ ҳисобида суғорилади. Суғориш жараёнида қўшимча озиқлантириш мақсадида жамғарилган маҳаллий ўғитларнинг 60–70 фоизи шарбат усулида оқизилиши яхши самара беради.

Майсалар ривожини суст бўлган майдонларга эрта баҳорда минерал ва маҳаллий ўғитлар берилиши ўсимликларнинг ривожланиш жараёнини жадаллаштиради. Бунда асосан кеч экилган ёки ривожини паст бўлган галлалар эътиборга олинмиши керак. Суғориш билан бирга маҳаллий ўғит — гўнгни чириган ёки ярим чириган ҳолда оқизиш тавсия этилади.

Дала кузатувчиларини кенг жалб этган ҳолда, касаллик, ҳашарот ва бегона ўтлардан кучли зарарланган майдонларни аниқлашга алоҳида эътибор бериш зарур.

Ушбу белгиланган агротехника тадбирларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши ҳосилдорликни оширишда муҳим ўрин тутаяди.

Р.СИДДИҚОВ,

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти директори, қ.х.ф.д.

ЛАЛМИКОР МАЙДОНЛАРНИНГ БАҲОРГИ ЭКИНЛАРИ

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунгача лалмикор майдонларда ёғингарчилик миқдори кўп йиллик меъёрдан анча кам бўлиб, 76 мм. ни, тупроқнинг намланиш чуқурлиги эса ғалладан бўшган майдонларда 25–30 см, тоза шудгорга қолдирилган майдонларда эса 40–45 см. ни ташкил этмоқда. Бундай шароитда лалми ерларда ғалла ва эрта баҳорда экиладиган дуккакли ем-хашак ва мойли экинлар уруғини экишни бемалол давом эттириш мумкин.

Лалмикор майдонларда куз ва кеч кузда экилган ғалла экинларининг ҳозирги ҳолатини, 1 м² даги туп сонини, ҳар хил зарарли омиллардан, яъни униб чиқиш учун тупроқда нам етишмаслиги оқибатида эрта экилган далаларда уруғлар унувчанлигининг пасайиши ёки униб чиққандан кейин намлик етишмаслиги туфайли зарарланиш даражасини ўрганиш ва мониторинг натижаларига қараб эрта баҳорда бажариладиган ишларнинг кундалиқ муддатларини белгилаш зарур.

Лалмикор майдонларда намгарчилик кам бўлган йилларда ғалланинг 1 м² даги туп сони муҳим аҳамият касб этади. Кўп йиллик тажриба натижаларига кўра, ўсимликнинг мақбул кўчат сони 1 м² да текислик майдонларда 100–110 дона, қир-адирлик майдонларда 120–130 дона, тоғолди майдонларда 140–150 дона ва тоғли майдонларда эса 160–180 донани ташкил этиши меъёрий кўрсаткич ҳисобланади. Майсалар туп сонининг бундан кам ёки ортиқча бўлиши ҳосилнинг камайишига олиб келади. Лалмикор майдонларнинг ёғингарчилик билан таъминланмаган текислик минтақаларида майсаларнинг 1 м² даги сони 40–50 дона, ярим таъминланган қир-адирлик минтақаларида 60–70 дона, тоғолди ва тоғли майдонларда эса 80–90 дона бўлганда кўшимча экиш талаб этилади. Бунда баҳорги буғдойнинг “Сурхак–5688”, “Оқ буғдой”, “Бахмал–97”, арпанинг “Унумли арпа”, “Нутанс–799”, “Саврук” каби навларини 40–50 кг/га ҳисобида асосий экиш йўналишига кўндаланг қилиб экиш тавсия этилади. Агар лалмикор майдонларда ўсимликнинг 1 м² даги туп сони текислик минтақаларда 30–40, қир-адирлик минтақаларда 40–50, тоғолди ва тоғли минтақалар эса 50–60 донани ташкил этса, қайтадан экиш тавсия этилади.

Эрта баҳорда зудлик билан бажарилиши лозим бўлган муҳим юмушлардан бири майсаларни озиклантириш ҳисобланади. Бу йилги об-ҳаво шароитида текислик майдонларда кузги ғаллани озиклантириш тавсия этилмайди. Фақат қир-адирлик минтақаларда

азотли ўғитлар билан озиклантиришни таъсир этувчи модда ҳисобида 20–30, тоғолди ва тоғли минтақаларда 30–45 кг/га. ни ташкил этиши мақсадга мувофиқдир.

Жорий йилда бегона ўт, касаллик ва зараркундаларнинг кенг тарқалиши эҳтимоли мавжуд. Шу сабабли, бегона ўтларга қарши курашишда, тупроқдаги намликни сақлашда кузги ғалла майсаларини бороналаш яхши самара беради. Бунда бороналар ёрдамида кўндалангига ишлов берилади. Бу тadbирни озиклантириш билан бирга кетма-кет ўтказиш зарур. Бороналашни фақат ўсимликнинг тўлиқ тушлаш даврида, туп сони меъёрдан ортиқ бўлган майдонлардагина ўтказиш мумкин.

Лалмикор майдонларда баҳорда экилган бошоқли дон экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришнинг асосий шартларидан бири тупроқда намликни кўпроқ тўплаш, сақлаш ва ундан самарали фойдаланишни таъминлайдиган агротехнологияларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Лалмикор ерларда баҳорги бошоқли дон экинлари экиладиган майдонлар кузда ёки қишнинг очик ва илиқ кунларида тупроққа 20–22 см чуқурликда ағдариб ҳайдалади. Ёғингарчилик билан таъминланмаган текислик минтақаларда бошоқли дон экинлари уруғини экишнинг мақбул муддати февралнинг охири-март ойининг дастлабки ўн кунлиги ҳисобланади. Бу минтақада экиш олдиан шудгорни икки йўналишда тишли оғир бороналар билан тупроқ юзасига ишлов берилади. Ёғингарчилик билан кам таъминланган бу минтақада бошоқли дон экинлари етиштиришда органик ва минерал ўғитларни қўллаш тавсия этилмайди.

Тажриба ва кузатишлардан маълум бўлишича, текислик минтақаларида ёғингарчилик миқдори 280–300 мм. ни, тупроқнинг намланиш чуқурлиги эса 1 м. ни ташкил этган баъзи йилларда баҳорги ғалла экинларини 20–30 кг/га (соф таъсир этувчи модда ҳисобида) азотли ўғитлар билан озиклантириш мумкин. Бу минтақада ба-

ҳорги буғдой ва арпа уруғини экиш меъёри гектарига 2,5–3,0 млн донани ёки 100–110 кг/га. ни ташкил этади. Бу минтақада буғдой ва арпанинг баҳорги ёки дуварак (икки фаслли) навлари экилиши мақсадга мувофиқдир.

Ёғингарчилик билан ярим таъминланган (340–360 мм) қир-адирлик минтақаларида ҳам бошоқли дон экинларини эрта баҳорда экиш учун текислик минтақадаги каби куз ва қишнинг очик кунларида тупроқ 20–22 см чуқурликда ағдариб ҳайдалади. Экиш олдиан дискали ёки тишли оғир бороналар (ЛДГ-10, БЗТХ-1,0) ёрдамида ишлов берилади. Бу минтақада соф ҳолда 30–40 кг/га ҳисобида фосфорли ва калийли ўғитларни экиш олдиан ёки экиш билан бирга, шунча миқдордаги азотли ўғитлар билан ўсимликнинг тушлаш босқичида озиклантириш ҳосилдорликни ўртача 3–5 ц/га. га оширини таъминлайди.

Тоғолди ва тоғли лалмикор минтақаларда барча агротехника тadbирлари ўз вақтида сифатли қилиб бажарилганда ғалла экинларидан ўртача 12–15 ц/га, серёгин келган йилларда эса 15–18 ц/га ҳосил етиштириш имкониятини беради.

Бу минтақаларда баҳорги буғдойнинг “Бахмал–97”, “Грекум–40” навларини экишнинг қулай муддати март ойининг 2–3-ўн кунлиги ҳисобланади. Бу муддатларда экишнинг мақбул меъёри гектарига 3–3,5 млн. дона (120–130 кг/га) ни ташкил этади. Сўнгги йилларда баҳор ойларининг серёгин келиши, ҳаво намлигининг юқори бўлиши кузда ва баҳорда экилган буғдойнинг занг ва бошқа касалликлар билан кучли даражада зарарланиши нафақат суғориладиган, балки лалмикор майдонларда ҳам кузатилмоқда. Шунинг учун лалмикор майдонларда ҳам занг касалликларига чидамли навларни экиш, зарур ҳолатларда занг касалликларига қарши фунгицидлар билан ишлов бериш самарали натижани беради. Ғалла экинларининг қаттиқ ва чанг қоракуя касалликлари билан зарарланишининг олдини олиш учун экиш олдиан уруғларни тавсия этилган фунгицидлар билан сифатли дорилаш зарур.

**Р.СИДДИҚОВ, М.ЖЎРАЕВ,
Х.ҚАРШИБОВ, Н.ЮСУПОВ,
Б.ҲАЙДАРОВ,**

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Ғаллаорол илмий тажриба станцияси илмий ходимлари.

НҲХАТ – ЛАЛМИ ЕРЛАРДА СОФ ДАРОМАД МАНБАИ

Кўп йиллар давомида олиб борилган илмий изланишлар натижасида сурункали ғалла экилган (охирги 10 йил мобайнида) майдонда тупроқдаги чиринди миқдори қарийб 40–50 фоизга камайиб кетганлиги аниқланди. Аксинча, дуккакли экинлар (беда, нўхат, хашаки нўхат) билан навбатлаб экилиб келинаётган ғалла майдонларининг ҳайдалма қатламида чиринди миқдори 1,1–1,2 фоизда сақланиши ва қайта тикланиш тенденцияси кузатилганлиги қайд этилмоқда.

Нўхат илдиэлари тупроқнинг пастки қатламларига ҳам кириб бориб ривожланиши ҳисобига бошоқли дон экинларига нисбатан қурғоқчиликка чидамли бўлиб, намликни кам талаб қилувчи ўсимлик ҳисобланади.

Лалмикор ерлар учун нўхатнинг экишга тавсия этилган “Лаззат” ва “Ўзбекистон–32” навлари эртапишар, юқори ҳосилли бўлиб, 1000 дона дон вазни етиштириш муддати, агротехникасига қараб “Лаззат” навида 180–185 г, “Ўзбекистон–32” навида 250–280 г. ни ташкил этади. Бу навларга нисбатан ўсув даври 3–5 кун кейин бўлган “Юлдуз”, “Жаҳонгир” ва “Ирода–96” навларининг 1000 дона дон вазни тегишлича 320, 340 ва 330 г. дан ошиқ бўлиб, техникалар билан ўриб олишга яхши мослашган. Бу навлар нўхатда учрайдиган асосий зарар келтирадиган аскохитоз ва фузариоз касалликларига чидамлилиги билан ажралиб туради.

Кейинги йилларда фермер хўжаликлари томонидан турли четдан келтирилган нўхат уруғларининг экилиши натижасида уруғлар униб чиқмай чириб кетиши, турли касалликлар билан кучли зарарланиши оқибатида ўсимликлар нобуд бўлиши ҳолатлари кўплаб кузатилмоқда. Шунингдек, бу етиштирилган нўхат ўсимликлари поялари техникалар билан ўриб олишга мослашмаганлиги сабабли ортиқча сарф-харажатлар қилинишига олиб келмоқда. Шунинг учун барча нўхат етиштирувчи фермер, деҳқон ва шахсий томорқа ерлари эгалари фақатгина республикамизда экишга рухсат этилган навларни танлаш энг мақбул йўл ҳисобланади.

Агротехникаси. Нўхат лалмикор майдонларда бошоқли дон ва бошқа экинлар учун яхши ўтмишдош ҳисобланади. Бу экин учун кўп йиллик бегона ўтлар кам учрайдиган майдонларни танлаш талаб этила-

ди. Бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларни 20–22 см чуқурликда кеч кузда ёки эрта баҳорда (февраль-март) ағдариб ҳайдалади. Ёрни экишга тайёрлашда ёрни текислаш ҳамда бегона ўтларни йўқотиш учун 1 марта орқасига бороналар тақилган культиваторлар ёки дискали лушиль-никлар билан ишлов берилади.

Экиш. Нўхатни экиш муддати барча майдонларда тупроқнинг механик таркибига ва об-ҳаво шароитига боғлиқ ҳолда тупроқнинг етилиши билан олиб борилади.

Кейинги йилларда ёгингарчиликнинг кўп бўлиши оқибатида нўхатнинг илдиэ чириши, фузариоз ва аскохитоз касалликлари билан ўсув даврида зарарланиши натижасида дон ҳосилининг кескин камайиб кетишига олиб келмоқда. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун экишдан 7–10 кун олдин бир тон-



на уруғ учун “Витавакс-200” ФФ препарати 2,5 кг, “Раксил” препарати 0,7 кг, “Дармон-4” препарати 3,0 кг, “Барака” препаратини 0,4 кг меъёрида қўллаш тавсия этилади.

Лалмикор майдонларда текислик қир-адирлик минтақаларда март ойининг 1-ўн кунлигида экиш мақсадга мувофиқ. Тоғолди ва тоғли минтақаларида жойлашган лалмикор майдонларда апрель ойининг биринчи 2–3-ўн кунлигида экиш мақсадга мувофиқдир.

Экишдан кейин ҳосил бўладиган қатқалоқдан ва униб чиққан бегона ўтлардан халос бўлиш учун даланинг кўндаланги бўйича ўрта тишли бороналар билан ишлов берилиши талаб этилганда экиш меъёри 10–15 фоизга оширилади.

Республиканинг текислик қир-адирлик минтақасида жойлашган лалмикор майдонларда нўхат гектарига 65–75 кг, тоғолди ва тоғли минтақаларда 75–80 кг (270–300 минг унувчан уруғ ҳисобида) уруғ сарфланади.

Лалмикор майдонларда нўхат

навларини тупроқнинг механик таркибига қараб 4–5 см чуқурликда экиш ниҳолларнинг бир текис униб чиқишига имкон беради.

Нўхат лалмикор майдонларда қатор оралари 45–60 см ҳисобида ғалла экиш сеялкалари ёрдамида олиб борилади.

Ўғитлаш. Экиш олдида ёки экиш билан биргаликда соф ҳолда 30–40 кг фосфорли ўғитлар берилди.

Парваришлаш. Нўхатнинг ўсиш ва ривожланиш давларида асосий эътиборни бегона ўтлардан тозалаш ва табиий намликни сақлаш учун агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун ниҳоллар униб чиқмаган майдонларда бегона ўтларни йўқотиш учун зиг-заг бороналар билан тупроққа ишлов берилди.

Апрель ва май ойларида пайдо бўладиган кўп йиллик бошқа бегона ўтларни йўқотиш учун қатор оралари культиватор ёки қўл кучи ёрдамида ишлов берилди. Нўхатда учрайдиган аскохитоз касаллиги об-ҳаво серёгин келган йиллари ҳаво нисбий намлиги ривожланишига қулай келган даврда кучли зарар келтириши мумкин. Бу шароитда нўхатнинг қатор оралигига кўпроқ ишлов бериш ҳамда гектарига “Фонликур”, “Байлетон”, “Бампер”, “Дуплет ТТ” препаратларини 1,0 л, “Титул” препаратини 0,5 л ҳисобида қўллаш эвазига ўсимликларнинг кучли зарарланишининг олди олинади.

Ҳосилни йиғиб олиш. Нўхат донлари асосан 85–90% пишиб етилгандан сўнг ғалла ўриш комбайнлари барабанларини дақиқасига 400–500 айланишига ростлаб ўрилади. Шунингдек, қўл кучи ёрдамида пояси билан ўриб олинади ҳамда дала шароитида ёки махсус майдонларга келтирилиб, янчилади.

Дуккакли экинларнинг инсонларнинг оқсилга бўлган талабини қондиришда ва тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклашдаги беқиёс аҳамиятини инобатга олган ҳолда фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда аҳоли томорқаларида етиштириш ҳисобида оилаларнинг даромадларини ошириш имконияти яратилади.

К.ИСАКОВ, А.УМУРЗАКОВ, Ж.НАХАЛБОВЕВ,

Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси.

ШАРОИТГА МОС, МАҚБУЛ ҒЎЗА НАВЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ

мўл ва сифатли ҳосилга қўйилган пухта заминдир

Айни пайтда фермерларимиз ва соҳа мутахассислари олдига истиқболда ғўза майдонларини янада қисқартириш, интенсив технология ва илғор тажрибаларни кенг қўллаган ҳолда пахта ҳосилдорлиги ва тола чиқимини ошириш орқали соҳада самарадорликка эришиш вазифаси қўйилган.

Бунда аввало минтақалар тупроқ-иқлим шароитига мос, толаси жаҳон бозорида харидоргир, юқори сифат кўрсаткичларга эга бўлган ғўза навларини жойлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Селекционерларимиз янги ғўза навларини яратишда ҳосилдорлик имкониятлари билан бир қаторда толасининг жаҳон андозалари ҳамда тола бозори талабларига жавоб беришига алоҳида эътибор беришмоқда. Селекция ишларини ривожлантиришда эса ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларини инобатга олиб, тола сифатини янада яхшилаш устида ишлашмоқда.

Маълумки, ғўза нави майдон бирлиги ҳисобига баробар харажат қилиб юқорироқ ҳосил етиштиришни таъминлайдиган пахтачиликни интенсивлаштиришнинг асосий воситасидир. Навлар одатда айрим тупроқ-иқлим шароитларига мослашиб мўл ҳосил беради.

Бугунги кунда юртимизда олимлар ва мутасадди ходимлар томонидан селекция ишларининг амалдаги дастури бўйича комплекс изланишлар олиб борилиши йўлга қўйилган. Бунда асосий эътибор дастлабки селекция жараёни услубларини такомиллаштиришга қаратилган.

Олимлар, мутахассислар ва фермер хўжаликлари нав танлашда нафақат толанинг сифатига, балки унинг тезпишарлиги ва ҳосилдорлигига, ўсимликни ўстиришнинг муайян шароитларга мослаша олишига ҳам эътиборни қаратмоқдалар.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ, жорий йилда мамлакатимиз ҳудудларида ғўзанинг 15 та тезпишар, 5 та ўртапишар, 8 та истиқболли навлари уруғини экиш режалаштирилган. Бу ўз навбатида чигит экилиши режалаштирилган умумий майдонининг 55,0 фоизига тезпишар, 30,0 фоизига ўртапишар, 6,5 фоизига истиқболли ва 8,5 фоизига янги навлар жойлаштирилади демакдир. Навлар муҳит ўзгаришига мослашувчан, жумладан,

тупроқ нам етишмовчилигига, шўрга чидамли ва агрофоннинг яхшиланишига улуш қўша билиши лозим.

Толасининг сифати билан ажралиб турадиган ва ҳосилдорлиги юқори бўлган “Султон” ғўза нави муҳит ўзгаришларига мослашувчанлиги бошқа навларга нисбатан юқори бўлганлиги учун жорий йилда, ушбу нав Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида 20–50 фоиз майдонларга экиш мўлжалланаётир.



Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари пахтакорлари 60–70 фоиз ғўза майдонига “Андижон–35”, “Андижон–36”, “Андижон–37”, “Наманган–77”, С-6524 каби серҳосил навларни экишни режалаштирганлар.

Бухоро, Қашқадарё ва Навоий вилоятларда эса кўп йиллардан буён синовдан ўтган, юқори ҳосилли, толаси харидоргир “Бухоро–6”, “Бухоро–8”, “Бухоро–102” ҳамда “Наманган–77” навлари экиб келинмоқда. Жорий йилда обҳавонинг шароитига қараб, ушбу ҳудудларда пахта етиштириладиган майдонларнинг 10–15 фоизига тезпишар навлар ҳам экилмоқда.

Пахта бозорида толаси сифати билан ажралиб турган, IV тип тола берувчи С-6524 ғўза навига талаб кўпайиб бораётганлиги инobatга олиниб, жорий йилда ушбу нав Жиззах, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Фарғона вилоятларининг пахта етиштириладиган 15–35 фоиз майдонларига экилиши мўлжалланмоқда. Шунингдек, Жиззах, Сирдарё, Навоий вилоятлари пахтакор-

лари шўрга чидамли, тезпишар “Ан-Боёвут–2” навини пахта майдонларининг 15–40 фоизига экадиларки, бу ушбу ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитида ҳам мўл ҳосил етиштириш имконини беради.

Хоразм вилоятида эса кўп йиллардан буён экиб келинаётган “Хоразм–127” ва “Меҳнат” навлари қаторида истиқболли навлардан ҳисобланган “Хоразм–150” билан бир қаторда “Султон”, “Омад” ва С-8294 каби навларни экишни мўлжаллашмоқда.

Булар билан бир қаторда ҳудудларда “Порлоқ–1” ва “Порлоқ–4” навлари ҳам кенг майдонларга экилади.

Умуман олганда, юқори ҳосилли, эртапишар, касаллик ва зараркунандаларга бардошли навларни яратишда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароити ҳисобга олинаётгани, уларни жойлаштиришда ушбу хусусият устувор вазифа этиб қўйилаётгани пахтачиликни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Айни кунларда амалга оширилаётган ишларда ғўзанинг навдорлиги ва унувчанлиги юқори бўлишига жиддий эътибор қаратилмоқдаки, бу ҳам ҳосилдорликнинг ошишига, ҳам пахтакорларнинг меҳнати енгиллашишига хизмат қилади.

Уруғлик чигитни саралаш энг муҳим технологик тадбирлардан бири ҳисобланади. Кузатишлардан, тажрибалардан маълумки, чигит сараланиб, ўз вақтида экилса, ҳосилдорлик гектарига 2,5–3,0 центнерга ошади.

Уруғлик чигитни экиш меъёрига қаратилган эътибор натижасида эса тежамкорлик ва иқтисодий самарага эришилади. Дейлик, яхши сараланган, туксизлантилган чигит аниқ уяларга экилганда, тукли чигит экишга нисбатан меъёр 2–3 мартага камаяди. Қолаверса, бир агротехник тадбир – ягана қилишни қисқартиради.

Сирасини айтганда, ғўзанинг ҳудуд шароитига мос навларини тўғри танлаб жойлаштириш, тупроқнинг оби-тобида экиш мўл ва сифатли ҳосилга қўйилган пухта заминдир.

Р. НАЗАРОВ,

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, профессор,

Ф. ТЕШАЕВ,

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

ЕРНИ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШ

Мамлакатимизда жорий йил январь оyi кўп йиллик ўртача об-ҳаво ҳароратига нисбатан илиқ келиб, ёгингарчилик нисбатан кам кузатилганлиги туфайли экин майдонларида намлик етарли даражада бўлишини таъминлаш мақсадида февраль ойида ўтказилган агротехник тадбирлар бўйича қуйидаги тавсияларга амал қилиш мақсадга мувофиқ.

Республикаимиз минтақаларининг турли тупроқ-иқлим шароитларида қишлоқ хўжалиги экинларини сунъий равишда суғормасдан туриб кўзланган ҳосилни олиб бўлмайди. Чунки, мамлакатимизда табиий ёгингарчилик миқдори жуда кам (текис чўл-сахро минтақаларида 90–120 мм атрофида холос, фақатгина тоғ ва тоғолди минтақаларида унинг йиллик миқдори 360 мм. гача етади) бўлиб, у ҳам мавсумий характерга эга бўлганлиги учун тупроқда тўпланган табиий намлик қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини ундириб олиш имконини бермайди.

Бундан ташқари республикаимизда сув манбалари жуда чегараланганлигини ҳам инобатга олсак, тупроқда нам тўплаш, сақлаш ва уруғни (айниқса чигитни) ернинг табиий намига ундириб олиш, гўза парваришидаги барча агротехника тадбирларни сув ресурсларидан тежамкорлик билан оқилона фойдаланишга қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Бунда асосий муаммо тупроқнинг 8–10 см юза қатламидаги намни сақлаб қолиш учун ўтказиладиган бороналаш-ни мақбул муддатда ўтказишдан иборат. Агар бу тадбир барвақт ўтказилса тупроқнинг зичлашишига олиб келади, аксинча, кечикиб ўтказилганда эса тупроқ юзасида нам етишмаслигидан тўлиқ ниҳол олишнинг имкони бўлмайди, кўчат сийрак бўлиб қолади.

Шўр ювиш ишлари 2–3 марта ўтказиладиган ҳудудларда бу тадбирни тез кунларда якунлаш лозим. Ер етилиши билан маъданли ўғитлардан фосфор ва калий картограммага асосан солиниб, борона тиркалган ҳолда чизел қилинади.

Чигитни тупроқнинг табиий намида тўлиқ ундириб олиш учун тупроқ оби-тобида етилиши билан икки қаторли қилиб тиркалган оғир бороналардан фойдаланилади. Экиш олдидан ҳам бир марта борона қилиб, мола босилади. Агар экишгача далада бегона ўтлар кўп бўлса, ер чизелланади, борона қилиниб, бегона ўтлардан тозаланади ва мола босилиб чигит экилади.

Тупроқда етарли даражада нам тўплаш ва сақлаш кузда ерларни шудгорлаш, текислаш, тупроқ шўрини

ювиш ва бошқа тадбирлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Мазкур комплекс тадбирларни илмий асосланган тавсияларга биноан ўз муддатида ва сифатли амалга ошириш кўзланган ҳосилни етиштириш гаровидир.

Кўп йиллик тажрибаларга қараганда, шамол эрозияси кучли ҳудудлар, яъни Қўқон гуруҳи туманларининг энгил тупроқларида ер асосан эрта баҳорда шудгор қилинади. Сўнгра майдонларда намликни йўқотмаслик ва сақлаб қолиш мақсадида пешма-пеш борона қилинади.

Шўр ювиш ишлари бир маротаба ўтказиладиган ҳудудларда экиш олди-



дан суғоришни ташкил этиш керак. Бунда суғориш меъёри тупроқ механик таркибидан келиб чиққан ҳолда 800–1000 м³/га. ни ташкил этади. Бундан кўзланган мақсад чигитни табиий намлик эвазига ундириб олишдир.

Экиш олдидан тупроққа ишлов беришда тупроқнинг ҳолатига қараб қуйидаги тадбирлар амалга оширилади: шўрланмаган, бегона ўтлардан тоза майдонлар бир вақтнинг ўзида боронланади ва текислагич агрегатлар ёки мола ёрдамида текисланади.

Бегона ўтлар кучли босган майдонларда чизель-культиваторларга тиркалган бороналар воситасида кўп йиллик бегона ўтлар илдизлари тозалаб чиқарилади. Юзада қолган илдизлар эса қўлда териблиб, ёқиб юборилади. Айрим майдонлардаги нотекисликларни барта-раф этиш учун энгил мола ўтказилади.

Кузда шудгор остига минерал ўғитлар солинмаган бўлса, шунингдек, шўр ювилган майдонларда экиш олдидан фосфорли ўғитлар йиллик меъёрининг 60–70 фоизи (физик ҳолда

200 кг/га Аммофос ёки 385 кг/га Супрефос ёки 600 кг/га Нитрофос) ҳамда калийли ўғитлар йиллик меъёрининг 50 фоизи (калий хлориди 80 кг/га) солинади. Белгиланган ўғитлар ўз муддати ва меъёрида қўлланилмаса, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлик йил сайин пасая боради. Қолаверса, ҳосилнинг қарийб ярми ўғит ҳисобига шаклланишини унутмаслик жоиз.

Тупроқ оби-тобига келишига қараб далалар асосан эрта баҳорда боронланади. Бунда икки қатор борона тиркалган занжирли тракторлардан фойдаланилади. Эрта баҳорги бороналаш муддати тупроқнинг механик таркиби, об-ҳаво шароити ва тупроқнинг етилишига қараб белгиланади. Ёгингарчилик кам бўладиган ҳудудларда бороналаш февралнинг иккинчи ярми-мартнинг бошларида, бошқа ҳудудларда мартнинг иккинчи ярмида ўтказилади. Эрта баҳорги бороналаш ўтказилмаса тупроқдаги намлик тез куриб, чигитни табиий намлик эвазига ундириб олиш имконияти пасаяди.

Бороналаш тупроқ юза қисмининг майда донатор бўлиши, намнинг узок сақланиши ҳамда зарарли тузларнинг юқори қатламларга кўтарилишининг олдини олиши баробарида бегона ўтларга қарши курашда яхши самара беради. Эрта баҳорги бороналаш бир марта, фақат айрим ҳоллардагина ер бети қаттиқ қатқалоқ бўлиб қолганда иккинчи маротаба ўтказилади.

Яхоб суви берилгач, айнақса, тупроқнинг шўри ювиладиган Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятлари экин майдонларида ҳайдов қатлами зичлашган бўлса, эрта баҳорги бороналаш самара бермаслиги мумкин. Бундай тупроқлар борона тиркалган ҳолда чизелланади ёки дискаланади. Эрта баҳорги ишлов беришда тишли ва диски бороналардан тўғри фойдаланиш тупроқнинг ҳайдов қатламини зичлаштирмасдан экишга сифатли тайёрлашни таъминлайди.

Кузда шудгор қилиниб, шўри ювилган майдонларда ҳайдов қатлами зичлашмаган бўлса, 8–10 см чуқурликда 2 қаторли зиг-заг борона билан боронланади. Бороналаш пайтида ажриқ, гўмай, қамиш ва бошқа кўп йиллик бегона ўтлар илдизи тозаланиб, даладан ййгиб-териблиб олиниб, ёқиб юборилади.

Шунингдек, юқори сифатли уруғлик чигити гўза тупларининг бақувват бўлишига, ўсимлик ривожининг тезлашишига ҳамда мўл ва эртаги ҳосил етиштиришга замин яратилади.

ПСУЕАИТИ олимлари.

ЧИГИТ ЭКИШ СЕЯЛКАЛАРИНИ МАВСУМГА СОЗЛАШ

Республикамиздаги фермер хўжаликлари далаларида туқли чигитларни экишда СЧХ-4А, СХУ-4, СМХ-4 русумли сеялкалардан фойдаланилмоқда. Аммо, бу сеялкалар туксизлантирилган чигит ва бошқа сочилувчан уруғларни аниқ миқдорда эка олмаганлиги сабабли, уларни экишда хориздан келтирилган “Кьюн” (Франция), “Кейс-1200” (АҚШ), “Сонмезер” (Туркия) ва бошқа пневматик сеялкалар ёрдамида амалга оширилмоқда.

Бу пневматик сеялкалар туксиз чигитни ва бошқа сочилувчан уруғли қишлоқ хўжалик экинлари (маккажўхори, сорго, соя, ерёнғоқ, мош ва ҳ.к.) уруғларини 90 см қатор оралари билан аниқ усулда экишга мўлжалланган. Керак бўлганда сеялка бошқа ўлчамдаги қатор ораларига ҳам созланиши мумкин.

Маълумки, таъмирдан чиқарилган ва ишга тайёрланган сеялкалар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- сеялкалар уларнинг конструкцияларига кирган ва меъерий ҳужжатларда кўрсатилган барча детал ва узеллар билан тўла жиҳозланган бўлиши зарур. Ҳамма деталлар узелларга, узеллар эса рама-ларга пухта қилиб маҳкамланиши шарт;

- деталларнинг ишқаланувчи юзалари мойланган, тегишли идишлар мойлаш жадвалларига биноан мой билан тўлдирилган бўлиши лозим;

- шестерналар ва тишли юлдузчалар валларга мустаҳкам маҳкамланган бўлиши керак. Уларнинг лапанглаши ва вал ўқи бўйлаб силжишига йўл қўйилмайди;

- подшипниклар, валлар рамага шундай ўрнатилиши керакки, бунда валлар таянчларда қадалишларсиз эркин айлансин;

- сошникларнинг рамада ва ўзаро тўғри жойлашганлиги махсус шаблон ёрдамида текширилади. Сеялка сошникларининг силжиши 10 мм. дан ошмаслиги керак;

- туқли чигитларни экадиган аппаратлар уларнинг валларини эркин, қадалишларсиз айланадиган қилиб ўрнатилади;

- маркерлар иш ҳолатига енгил ва эркин туриши, қулф механизми билан транспорт ҳолатида пухта фиксацияланиши зарур;

- сеялка транспорт ҳолатига ўтказилганда аппаратларнинг телескопик валлари трубкаларидан чи-

қиб кетмаслиги керак;

- битта контурда жойлашган занжирли узатмалар юлдузчалари ва тарангловчи роликларнинг гардишлари битта текисликда ётиши лозим. Марказлар орасидаги масофа 500 мм. гача бўлганда гардишларнинг бир-биридан силжиши 1 мм. дан ошмаслиги зарур;

- сеялка филдираклари ўқлари атрофида эркин айланиши даркор. Филдираклар ўқлари бўйлаб люфтлар пайдо бўлишига йўл қўйилмайди. СХУ-4 сеялка филдираги шина-сидаги ҳаво босими 0,25 МПа (2,5 кгс/м²) атрофида бўлиши керак;

- экиш аппаратларидаги экувчи диск билан лаппакли дисклар бир-



бирига нисбатан шундай жойлашиши керакки, аппарат корпусидаги уруғ тушувчи дарчада тенг масофада — ячейкалар ораллигида бўлиши керак;

- лаппакли ва экувчи дисклар эркин айланиб, лаппакли диск ҳам вилканинг тирқишида ўз оғирлиги ҳисобига ҳаракатга келиши керак;

- сошник полозоклари сошник тагидан 30 мм. масофада жойлаштирилиб, сошникнинг текис жойидан 10 мм. гача фарқ бериши мумкин;

- параллелограм звенолар эркин айланиши керак (Сошникнинг оғирлиги таъсирида). Сеялка йиғилгандан кейин сошникларни шиб-балаш (рихтовка) мумкин;

- шаббалоовчи катоклар эркин айланиши керак. Параллелограмли механизациялар ўз шарнирида ўз оғирлиги ҳисобига эркин айланиши зарур. Шиббалоовчи катокларни сеялкада йиғилган ҳолда рихтовка қилиш ман этилмайди;

- экиш миқдорини созловчи заслонка аппарат тагидаги тирқишда винт ва пружина таъсирида эркин силжиши керак. Тирқишни очилиш миқдорини кузатиш учун аппарат тагига бир чизиқ, заслонкага 6 дона чизиқ қўйиш мақсадга мувофиқ.

Чигит экишга киришишдан олдин сеяланинг бутлиги, қисм ва деталлари яхшилаб маҳкамланганлиги текширилади, экиш жараёни ва сифатига бевосита таъсир кўрсатадиган қисмларга алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, туқли чигит экиладиган бўлса, экиш аппаратларидаги галтақлар тишларининг учлари айланиш йўналишига қараб ўрнатиш ва ейилиб кетмаган, экиш тирқишлари кенглигини созлайдиган тўсиқчалар гайкалар бўшатиладиганда эркин суриладиган, ўғит-ўтказгичлар аппарат билан сошникларга тўғри улашиб, пухта маҳкамланган бўлиши керак. Сошникларнинг сирпангичлари горизонтал ҳолатда барқарор туриши лозим.

Сошникнинг тагига маҳкамланган зичлагичларни соз ҳолатда бўлишига алоҳида эътибор қаратиш даркор. Чунки зичлагичлар доимо тупроққа ишқаланиб ҳаракатланади. Агарда уларнинг сирти ейилиб кетган бўлса, сошник очиб кетган ариқчанинг туби етарли даражада зичланмайди.

Натижада бундай ариқчага тупроқнинг пастки қатламларидан намлик етарлича тортилмайди ва уруғларнинг униб чиқиши қийинлашади. Демак, ейилиб кетган зичлагичларни янги сирадаги сеялкалардан соз ҳолатдаги сошникларни олиб ўрнатиш талаб этилади.

Агар уруғ белгиланган меъёрдан ортиқча сарflanса, экиш аппаратларидаги тирқишни торайтириш, кам бўлса — кенгайтириш зарур.

Чигит уялаб экилганда уялар орасидаги масофани ўзгартириш учун уяловчи аппаратдаги парракли дискнинг парраклари сони кўпроқ ёки камроқ бўлган бошқа дискка алмаштириш ёки аппарат-

ларни ҳаракатга келтирувчи валдаги 12, 16, 18 ва 25 тишли юлдузчалар блокдан фойдаланиб, уяловчи аппаратнинг айланишлар сонини ўзгартириш талаб қилинади.

Чигитни тупроққа кўмиш чуқурлиги сошникнинг сирпанғичини кўтариб-тушириш йўли билан тупроқ шароитига қараб 3–8 см атрофида соланади. Ер оби-тобида бўлса чигитни 4–5 см чуқурликка кўмиб кетадиган қилиб сошлаш мақсадга мувофиқ. Сеялка сошники ҳамда тупроқни зичловчи-шибаловчи гилдиракларнинг тупроққа кўрсатадиган босими секциялардаги тарангловчи пружиналар ёрдамида соланади. Бу босим 25–30 кг. ни ташкил этиши керак. Пружинанинг иш ҳолатидаги узунлиги қисқартирилса босим ортади, узайтирилса — камаяди.

Туксизлантирилган чигит экиш учун ғалтакли экиш аппаратлари

ўрнига сошник устига ўрнатиладиган горизонтал диски СЧХ-31 экиш аппаратлари қўлланилади. Сеялкани сошлаш ишлари юқорида кўрсатиб ўтилганидек амалга оширилади. Экиш меъёрини сошлаш учун аппаратга тегишли сондаги ячейкали экиш диски ўрнатилади.

Модулли СМХ-4 сеялкасида туксиз чигитларни аниқ экишга ўтиш учун экиш аппарати тубидаги аралаштиргич ўрнига уяли диск ўрнатилади. Экиш меъёри тегишли сондаги уяларга эга диск ўрнатиш йўли билан ўзгартирилади. Модулли сеяланинг пневматик варианты — СМХ-4-01 сеялкаси туксизлантирилган чигитни доналаб аниқ меъёрларда экишга мўлжалланган.

Экиш агрегатлари далага олиб чиқилгандан кейин ҳар бир пайкалда сеяланинг биринчи юриши байроқчалар ёрдамида белгилаб оли-

нади. Кейинги юришлар эса маркерлар қолдирган излар бўйлаб амалга оширилади. Уруғлик чигитнинг тўлиқ тушиши ва кўмилиш чуқурлиги сеялкачи ёки фермер томонидан кузатиб борилади.

Юқоридаги талабларнинг бажарилиши ҳар бир далада агроном ва фермер томонидан назорат қилиб борилади. Талаблар бажарилмай, меъёрдан четга чиқишлар кузатилса, сеялкани қайтадан сошлаш талаб этилади.

Шундай қилиб, фермер хўжаликлари ва муқобил машина-трактор паркларида юқоридаги тавсияларга амал қилинса, чигит экиш агрегатларини ишга тўғри тайёрлаш ва улардан дала шароитида унумли фойдаланишга эришилади.

А.ҚОРАХОНОВ, А.ИБРАГИМОВ,
ҚХМЭИТИ,
А.ТОЛЫБАЕВ,
ЎЗҚТТСДМ.

ДАРАХТЛАР БАРВАҚТ КУРТАКЛАМАСЛИГИ УЧУН НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Республикада жорий йил қиш нисбатан илиқ ва қуруқ келмоқда. Богтоқзорларда тупроқда намлик етарли даражада бўлмаслиги дарахтларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Айниқса, жанубий вилоятлардаги боғларда данакли мевазорларда дарахтларнинг куртаклари эрта ҳаракатга келишининг олдини олиш учун богтоқзорларга февраль ойи мобайнида бирикки марта яхоб суви бериш зарур.



Бунда ҳар бир гектар боғга 1500–2000 м³, тоқзорларда 1200–1500 м³ миқдорида сув сарфланиб, 4–5 давомда суғориш керак. Яхоб суви билан берилган боғ ва тоқзорларда дарахт ва тоқларнинг асосий илдизлари жойлашган қисмлари 2 м чуқурликкача тўлиқ намланади ҳамда дарахтларда куртакларнинг қўзғалиши бироз кечикади.

Ҳосилли боғлардан ҳар йили муттасил мўл ҳосил олишга қаратилган агротехник тадбирлардан бири — бу дарахтларга тўғри шакл бериш, буташ, сийраклаштириш ишларидир. Ушбу тадбирлар ҳаво ҳарорати +5 °С дан юқори бўлганда бажарилади.

Олма, нок, беҳи, ўрик, гилос, олхўри, йирик мевали олча дарахтларига шакл беришда асосан сийраклашган ярусли, шафтоли ҳамда ўрта ўсувчи пайвандтагга уланган гилос навларига косасимон шакл берилади. Олдин шакл бериш, буташ, сийраклаштириш ишлари уруғ мевали боғларидан (олма, нок, беҳи) бошланиб, улардан сўнг данак мевали боғларда давом эттирилади.

Олмазорларда ҳосилга кира бошлаган дарахтларни 6–15 ёшгача шох-шаббаси сийраклаштирилади. Бир-бирига ҳалақит берадиган, шох-шаббани қоронғилаштирадиган барча новдалар олиб ташланади.

Дарахт тўлиқ мевага кирган даврда навларга қараб, 8–15 ёшгача дарахтларда ўтказиладиган буташлар уларнинг бўйи ва ҳосилдорлигини сақлаб қолишга қаратилади. Бу вақтда дарахтлар ёш давридагига нисбатан

камроқ буталади, фақат шох-шаббани қоронғилаштирувчи шохлар ва бачки новдалар май ойида олиб ташланади, алоҳида ўсган ва янги ташкил топган узун шохлар қисқартирилиб, мева шохларига айлантирилади.

Нок дарахтлари ҳам олма дарахти сингари буталади. Кам шаклландиган, аммо бир йиллик новдалари кучли ўсган ва ҳалқасимон шохлари кўп бўлган новдаларда, уларнинг қисқа-узунлигига қараб, ярмига ёки бир қисмига қисқартирилади. Кучли шохландиган новдаларда ва мева берадиган дарахтларда асосан шох-шабба буталиб сийраклаштирилади.

Беҳи ҳам олма дарахти каби сийраклаштирилган ярусли система бўйича шакллантирилади. Асосий шохларни шакллантиришда уларнинг бир-бирига ўзаро боғлиқлигига қатъий риоя қилиш, ўсиб чиқиш бурчанинг кенгроқ бўлишига эришиш зарур. Асосий шохларнинг рақиблари, шох-шабба ичига кириб қолган, ўткир бурчак остида ўсган ва асосий шохни шакллантириш учун керак бўлмаган шохлар олиб ташланади.

Уруғ мевали боғларида шакл бериш, сийраклаштириш ва буташ ишлари тугаллангандан сўнг данак мевалиларга ўтилади. Бунда аввал ўрик, олхўри, гилос, олча ва шафтоли дарахтлари буталади.

Ўрик дарахтлари дастлабки йилларда кучли ўсиши боис олти-етти ёшгача бўйига ўсган шохларида ҳосил куртаклари бўлади. Бу даврда уларда ён шохчалари суст ўсади. Бундай шохларни уларда ён шохчалари яхши-

роқ ўсиб чиқиши учун учдан бир қисми ёки ярмига қисқартирилади. Кейинги буташлар навбатдаги тартибда ўсган ортиқча шохларни олиб ташлаш ва шохларни бироз қисқартиришдан иборат бўлади.

Олхўрининг кўпчилик навларида мева туғиш органилари қисқа бўлиб, улар икки ва кўп йиллик шохларда жойлашган бўлади. Баъзи бир навларда бир йиллик шохчаларда ҳосил бўлиши кузатилади. Ёш олхўри дарахтининг шох-шаббаси шакл беришда шохларнинг пастки қисми ялонғочланиб қолмаслиги учун шохлар сийраклаштирилади ва қисқартирилади.

Шох-шаббаси тик ўсган, кучли шохладиган навларда биринчи тартибда асосий шохлар қисқартирилиб, иккинчи тартибдаги ён шохлар баландлигида кесилади. Бу шох-шаббанинг ёйилиб ўсишига имкон беради. Шох-шаббаси ёйиқ дарахтлар агар шохлари суст ўсса, сийраклаштирилади. Шохлар фақат уларнинг ўсишини тартибга солиб туриш учун қисқартирилади.

Дарахтлар мева бера бошлагандан кейин шохлар фақат шох-шаббага ёруғлик яхшироқ бўлиши учун бутаб турилади. Барча ҳолларда биринчи навбатда касалланмаган, қуриб қолган ва бир-бирига тегиб шикастланадиган шохлар олиб ташланади.

Гилос дарахти кучли ўсиши ва кам шохланиши билан фарқ қилади. Кучли ўсган шохларнинг пастки қисмида куртаклар кам ривожланади. Куртаклар уйғониши ва асосий шохларда ёш шохчаларнинг ўсиб чиқишини кучайтириш мақсадида асосий шохлар қисқартирилади. Бундай буташ ўсувчи дарахтлар ёш чоғида ва ҳосилга кира бошлаганда шох-шаббага шакл бериш учун қўлланилади.

Ёш дарахтлардаги узунлиги 40–45 см. ли новдаларини чилпиш ҳам яхши натижа беради ёки узун новдаларни эгиб, ярус ҳосил қилинса, ундан куртаклар чиқа бошлайди. Шохларни қисқартириш ва чилпиш шох-шаббани ихчам қилади, шохларда ўсув новдаларини кўпайиши ва даста шохларнинг ўсишига ёрдам беради.

Олча дарахти бошқа турдаги дарахтларга нисбатан кам буталади. Фақат зарур бўлганда қалинлашиб кетган шох-шаббалар, синган, қуриган ва қарий бошлаган шохлари олиб ташланади.

Олча қариб, ўсиши сусайган (10 см) ёки ҳосили камайиб кетган даврда дарахт ҳолатига қараб, уч-беш йиллик шохига кесиб, ёшартирилади. Тик ўсадиган навлар кўпроқ шохлари ёйилиб, косасимон ўсганлари камроқ кесилади.

Шафтоли дарахти экилган йили уч-бешта она шохдан шох-шабба ҳосил қилиб, косасимон шакл берилади. Шафтолининг кучли, баланд ўсадиган навларининг шох-шаббаси тўрт-олти она шохдан иборат ўзгарган лидерли система бўйича ҳам шакл бериш мумкин.

Биринчи шох 35–40 см баландликда, қолганлари бир-бирдан 15–20 см масофада бўлиши керак. Тўртинчи йили етакчи новда (лидер) кесиб ташланади. Шафтоли дастлабки йиллари тез ўсади, кўп шох чиқаради ва тез мева бера бошлайди. Шунинг учун дастлабки бир-икки йил давомида бир йиллик новдалар қисқартирилиб турилади ва шох-шабба сийраклаштирилади. Асосий шохларнинг учидан ўсиб чиққан узунлиги 50–60 см ва ундан узун новдалар учдан бир қисмига ёки ярмига, калтароқлари эса чорак қисмига қисқартирилади. Ҳосилга киргандан сўнг шох-шаббаси сийраклаштириб турилади.

Февраль ойининг охири март ойининг бошида боғларда мевали дарахтлар танаси оқланади. Бунда 10 л сувга 2 кг оҳак ва 1,5 кг тупроқ аралаштириб, дарахтларнинг танаси ва она шохларини оқлаш зарур.

Дарахтлар буталаб, шакл берилгандан сўнг ҳаво ҳарорати +5 °C дан юқори бўлганда, дарахтлар куртак чиқармасдан олдин уруғ мевали дарахтлар парша (кўтир), монилиоиз куйиш касаллигига қарши 3 фоизли Бордо суюқлиги ёки 5 фоизли ООҚ билан жиққа ҳўллаб ювилади. 10–12 кундан кейин пуркаш ишлари

такрорланади.

Данакли мева боғларида (ўрик, шафтоли, олхўри, гилос) монилиоиз, клястероспориоз, гоммоз ва барг бужмалоқлигига қарши 5 фоизли ООҚ ёки 3 фоиз Бордо ёки 1 фоизли мис купороси ёки 2–3 фоизли темир купороси билан эрта баҳорда куртаклар бўртиши арафасида ишлов берилади.

Янги боғ ва тоқзорлар ташкил қилиш учун танлаб олинган ерларни экишга тайёрлаш ва режалаш ишлари олиб борилади.

Хатоси бор боғларнинг ораларини кўчатлар билан тўлдириш, тоқзорларда таъмирлаш, темир-бетон устунларни тўғрилаб кўйиш, симларни тортиш ишлари олиб борилади.

Боғ ва тоқзорларда суғориш иншоотларини тозалаш, минерал ўғитлар ва кимёвий препаратларни жамғариш, боғлар ва тоқзорларда ишлатиладиган техника ва механизмларни таъмирлаш ишларини яқунлаш керак.

Ушбу тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши боғ-тоқзорлардан мўл ҳосил олишга пухта замин бўлади.

Р.АБДУЛЛАЕВ,
қ.х.ф.н.,

Х.АБДУЛЛАЕВА,
катта илмий ходим,

Академик М.Мирзаев номи БУВаВИТИ.



ЁНҒОҚЗОРЛАР БАРПО ЭТИШ

ёхуд Пекан ёнғоғи ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги “Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қароридан лалми ерлардан фойдаланишни рағбатлантириш ва самарадорлигини янада ошириш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган ёнғоқ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳисобига замонавий ёнғоқ плантацияларини барпо қилиш ҳамда ёнғоқ етиштириш бўйича илмий асосланган усуллар ва интенсив технологияларни кенг жорий этиш борасидаги вазифалар белгилаб берилган.

Мамлакатимизнинг тоғли ҳудудлари иқлим шароити ёнғоқ, бодом, pista каби дарахт кўчатларининг ўсиши ва юқори ҳосил бериши учун нисбатан қулай жойлар ҳисобланади. Жумладан, Андижон, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Тошкент каби вилоятларда бу каби дарахтлардан мўл ҳосил олиш мумкин.

Юртимиз шароитида ёнғоқзорлар барпо этишда ватани Шимолий Америка ҳисобланган Пекан ёнғоғини экиш муҳим аҳамиятга эга. Бўйи 20–35, диаметри 2,5–3 метргача етадиган, 300–400 йил яшайдиган бу ёнғоқ –25–30 °С совуққа ҳам чидамлидир. Пекан ёнғоғини интенсив боғларни қаттиқ совуқ, кучли шамол ва бошқа табиий иқлим ўзгаришларидан ҳимоя воситаси сифатида экиб фойдаланиш ҳам катта иқтисодий самара беради.

Меваси истеъмол ҳамда қандолатчиликда кенг фойдаланилади. Таъми ширин, хушхўр, ёнғоқнинг мағзи ажратилганда 70–75 фоизини ташкил этади. Ёғ чиқими 75–80 фоизга этади. Бундан ташқари ёнғоғи таркибида организм учун фойдали А, D, E, C, В₁–В₆, РР дармондорилари, темир, мис, марганец, ёд, калций, цинк, углеводлар, каратинлар, минерал тузлар, ҳид берувчи моддалар мавжуд.

Пекан ёнғоғи дарахти мустаҳкам бўлиб, илдизи 10–25 метр чуқурликкача кириб боради. Ёғочи ўз хоссалари жиҳатидан эман ёғочидан қолишмайди ҳамда мебель ва қури-

лиш саноатида юқори баҳоланади.

Пекан ёввойи ҳолда асосан Шимолий Америкада ўсади. Европага XVIII асрда келтирилган. Қора денгиз бўйлари, Кавказ, Украина, Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда ўтган асрнинг 20-йилларида экила бошлаган.

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Сурхондарё илмий-тажриба станциясининг Денов туманидаги Дендрарий боғида Америка пекан ёнғоғининг 9 та тури экиб парваришланмоқда. Ҳозирда бу ерда Пекан ёнғоғининг серҳосил, си-

навларига қараб октябрь-ноябрь ойларига тўғри келади.

Бир туп дарахтдан 50–100, катта ёшдагиларидан 250–300 кг. гача ҳосил олиш мумкин.

Мевасининг ранги яшил қорамтир бўлиб, цилиндр шаклда. Қобиғи мустаҳкам, зич жойлашган. Меваси оддий қуруқ жойда 3–4 йил сақланганда ҳам истеъмол учун яроқлилигини йўқотмайди.

Кўчат тайёрлаш учун асосан мевасидан, яъни ёнғоғидан фойдаланилади, тезроқ ҳосилга киритиш учун пайванд усулидан фойдаланиш мумкин.

1 гектар майдонга 156–125 дона кўчат сарфланади. 8х8, 10х8 тошлоқ, тоғли ҳудудларга 8х8 метр схемада экилади, ҳосилдорлик ўртача 10–15 т/га. ни ташкил этади.

Пекан ёнғоғи совуқ тез тушадиган ҳудудларда пишмай қолиши мумкин. Вегетация даври узоқ – 8,5–9 ойни ташкил этади.

Бир сўз билан айтганда, юртдошларимиз ёнғоқзорлар барпо этишда пекан ёнғоғи кўчатларини экишга ҳам алоҳида эътибор қаратсалар, мўмай даромад манбаига эга бўладилар. Халқимиз бежиз “Бир туп ёнғоқ эксанг, ҳосилдан етти авлодинг баҳраманд бўлади”, деб айтмаган.

Н.АСТАНАҚУЛОВ, А.МИРЗАЕВ,

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Сурхондарё илмий-тажриба станцияси илмий ходимлари.



фатли, бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бера оладиган, самарадорлиги юқори турлари ажратиб олиниб, уларнинг кўчатлари тайёрланмоқда.

Пекан кўчатларини ўтқазиш ва парвариш қилиш усуллари ёнғоқникига ўхшаш. 6–8 йилда ҳосилга қиради. Апрель-май ойларида гуллайди. Чангланаши шамол ёрдамида амалга оширилади.

Меваси новдаларида 3–6 донагача ғужум бўлиб жойлашади. Бир дона меваси ўртача 15–40 г тош босади, мевасининг пишиш даври

МАШИНА ТЕРИМИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАСИ

Пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш йил бўйи қилинган меҳнат натижаларини баҳолайдиган, қанчалик қисқа давом этса, далалар ҳосилдан шунчалик тез бўшайдиган, кузги шудгор ёки буғдой экишнинг мақбул муддатларда амалга оширилишига шароит яратадиган яқуний тадбирдир.

Мазкур тадбирнинг иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлари пахта териш машиналарини самарали ишлатиш билан чамбарчас боғлиқ. Буни яхши билган, тушуниб етган Сирдарё туманидаги фермер хўжаликлари раҳбарлари, “Сирдарёагросервис” МТП муҳандис-техник ходимлари ва механизаторлари ҳар йили пахта териш машиналарини мавсумга сифатли тайёрлаш, уларни малакали механик-ҳайдовчилар қўлига топшириш ва юқори унум билан ишлатишга ҳаракат қиладилар.

Бу йилги натижалар ҳам мақтовли. Тумандаги “Омонбой ўғли Тугал”, “Тугмабой”, “Йўлчибой ота” каби ўнлаб фермер хўжаликлари йиллик пахта топшириш режаларини машина терими ҳисобига уддалади.

Биз - олимлар, муҳандислар мавсум давомида фермерлар ва механик-ҳайдовчилар билан биргаликда йиғим-терим ишларида қатнашиб, шунга амин бўлдики, пахта далалари теримга талаблар даражасида тайёрланса механик-ҳайдовчиларнинг малакаси, маҳорати ва масъулияти юқори бўлса; машиналарни ёнилғи ва трактор тиркамалари билан таъминлашдаги узилишларга йўл қўйилмаса; юзага келган носозликлар даланинг ўзида бартараф этилса ҳар бир машина билан бир кунда бемалол 10–12 тонна пахта териб олиш мумкин.

Энди Муҳаммадҷон Ходжаев раҳбарлик қилаётган “Йўлчибой ота” номи фермер хўжалиги мисолида пахта ҳосилини машиналар ёрдамида теришнинг самарасини ҳисоблаймиз:

1) 35 гектар пахта майдонидан 108,5 тонна хомашё териб олинди. Фермернинг ўғли — механик-ҳайдовчи Аъзамжон Ходжаев ўз машинасида шунча пахтани 18 кунда териб берди. Машинанинг кундалик иш унуми 6 тоннани ташкил этди;

2) фермер 108,5 тонна хомашёнинг ҳар тоннасини 1579 минг сўмга, яъни 2-сорт 2-синф баҳосида сотиб, 171321,5 минг сўм (108,5x1579) даромад олди;

3) фермер 108,5 тонна пахтани машинада териб бергани учун “Сирдарёагросервис” МТП ҳисоб - рақамига 28210 минг сўм маблағни ўтказди

(108,5x260; 260 минг 1 тонна пахтани машинада териш баҳоси);

4) машина 1 гектардаги пахтани дала бўйлаб бориб келишда териш учун 31 литр дизел ёнилғиси сарфлади. 1 литр ёнилғи 2700 сўм бўлганда, 31 литрнинг баҳоси: $31 \times 2700 = 83700$ сўм. 35 гектар учун сарфланган ёнилғи баҳоси: $35 \times 83,7 = 2929,5$ минг сўм;

5) 108,5 тонна пахтани машинада териш фермер учун 31139,5 минг сўмга (28210+2929,5) тушган;

6) машина терими эвазига фермер олган фойда:

- 35 гектар ҳисобига: $171321,5 - 31139,5 = 140182$ минг сўм;

- 1 гектар ҳисобига: 4005,2 минг сўм (140182:35).



108,5 тонна пахтани қўл кучи билан териб олишдаги харажатлар:

1) фермер қўл кучи ёрдамида териб олинган 108,5 тонна хомашёнинг ҳар тоннасини 1818 минг сўмга, яъни 1-сорт 2-синф баҳосида сотиб, 197253 минг сўм (108,5x1818) даромад олади;

2) фермер 1 кг қўл терими пахтаси учун 550 сўм тўлайди. 108,5 тонна ёки 108500 кг учун 54250000 сўм (108500x550) ёки 54250 минг сўм сарфлайди;

3) 54250 минг сўмдан 23% солиқ тўланади: $54250 \times 0,23 = 12477,5$ минг сўм;

4) пахтани қўлда терган ишчиларга сарфланган харажат: $54250 + 12477,5 = 66727,5$ минг сўм;

5) қўл терими эвазига фермер оладиган фойда:

- 35 гектар ҳисобига: $197253 - 66727,5 = 130526,5$ минг сўм;

- 1 гектар ҳисобига: 3729,3 минг сўм (130526,5:35).

Демак, 1 гектар майдондаги пахта-ни териб олишдан топиладиган фойда:
а) машина ёрдамида 4005,2 минг сўм;

б) қўл кучи ёрдамида 3729,3 минг сўм;
в) машина билан терилганда тежаб қолинадиган маблағ 275,9 минг сўм (4005,2 - 3729,3).

Қўл теримидаги бошқа харажатлар:
 1) бир кунда 6 тонна ёки 6000 кг пахтани териб олиш учун ҳар бири 60 кг терадиган 100 нафар теримчи зарур бўлади;

2) 100 нафар теримчини далага олиб келиш ва олиб кетиш учун энг камида 2 та автобус керак. 1 та автобусга ҳайдовчиси билан бир кунга 100 минг сўм кетади. 2 та автобусга 200 минг сўм харажат қилинади.

18 кунда 2 та автобусга 3600 минг сўм (18x200) пул тўлаш лозим бўлади;

3) қўл теримининг умумий харажати: $70327,5$ минг сўм ($66727,5 + 3600$);

4) қўл терими эвазига фермер олиши мумкин бўлган фойда:

- 35 гектар ҳисобига: $197253 - 70327,5 = 126925,5$ минг сўм;

- 1 гектар ҳисобига: 3626,4 минг сўм (126925,5:35).

Автобусларнинг харажатини ҳисобга олганда 1 гектар майдондан олиниши мумкин бўлган фойда:

а) машина ёрдамида 4005,2 минг сўм (автобусга хожат йўқ);

б) қўл кучи ёрдамида 3626,4 минг сўм;

в) машина қўлланилганда тежаб қолинадиган маблағ 378,8 минг сўм (4005,2 - 3626,4).

Пахта ҳосили қўлда терилганда қўшимча равишда қўйидаги харажатлар юзага келади:

1) теримчилар томонидан бир кунда териладиган 6 тонна пахтани фартуклардан бўшатиб олиш ва жойлаштириш учун 3 та трактор тиркамасини кун бўйи далага қўйиб қўйишга тўғри келади. Фермерда нари борса 1 та тиркама бор, 2 тасини ижарага олиш лозим бўлади;

2) тиркамага узатилган фартуклардаги пахталарни бўшатиб турадиган ишчига ва тарозибонга ҳам 18 кун давомида ҳақ тўлаш талаб этилади.

Шундай қилиб, етиштирган пахта-ни машиналар ёрдамида териб оладиган фермер бир гектар майдон ҳисобига энг камида 379 минг сўм маблағни тежаб қолади. Унинг изидан буғдой экиш ва ерларни шудгорлаш тадбирларини сифатли бажариб, қисқа вақт ичида яқунлайди.

М.ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д. (ҚХМЭИТИ).

КОЛЛЕКТОР-ЗОВУР СУВЛАРИ ВА БАЛЧИҚДАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Маълумки бугунги кунда мўл, сифатли ва арзон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш озик-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу ўз навбатида деҳқончилик юртиладиган жойнинг иқлими, деҳқончилик маданиятининг шаклланганлик даражаси ва бошқа қатор омилларга боғлиқ.

Ўзбекистоннинг чўл минтақасида жойлашган Бухоро вилоятининг айрим туманларида бугунги кунда сув танқислиги, минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материаллари нархининг юқорилиги, агротехника хизмат кўрсатишнинг етарли даражада такомиллашмаганлиги каби долзарб масалалар кўпгина хўжаликларнинг йиллик режаларини ўз вақтида бажармаслигига ва хўжаликнинг иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда тадқиқотнинг мақсади ғўза, кузги бугдой ва бошқа экинларни етиштиришда коллектор-зовурларга тушадиган қайтарма сувлардан фойдаланишга ва коллектор-зовур балчиғидан фойдаланиб ҳосилдорликни сақлаб қолиш ва оширишга қаратилган.

Балчиқ ёки сапропель қадимдан тиббиётда ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилади. Қадимда мисрликлар Нил дарёси остидаги лойқадан ерларни ўғитлашда фойдаланишган бўлса, ҳозирги вақтда Россия ва бошқа давлатларда қўлларда шаклланган балчиқдан аграр соҳада фойдаланиш йўлга қўйилган. Ўзбекистонда бу борада амалий ишлар бажарилмаган. Шу нуқтаи-назардан қараганда, бугунги кунда республикада кенг майдонни эгаллаган коллектор-зовурлар остидаги балчиқнинг фойдали хусусиятларини аниқлаш ва ундан амалиётда ерларни ўғитлашда фойдаланишни илмий асосда йўлга қўйиш долзарб масалалардан биридир.

Бизнинг мазкур йўналишдаги дастлабки кузатув ва тажрибаларимиз 2010 йилда Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида бошланган. Бу ҳудуд Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида чўл минтақасида жойлаш-

ганлиги, тупроқ структураси ва унумдорлигининг ўзига хослиги ва бошқа қатор хусусиятлари билан ажралиб туради. Коллектор-зовурлар ва қўллардаги сувлар ҳамда чўкма ҳолдаги балчиқлар жойнинг иқлим шароитига, тупроқ типларига, деҳқончилик юртиш услубига боғлиқ ҳолда, физикавий ва кимёвий жиҳатдан ўзига хос бўлади.

Вегетация давридаги сугоришда-



ҳамда шўр ювиш натижасида сугориладиган ерларда шаклланиб коллектор-зовурлар ва қўлларга тушадиган қайтарма сувлар таркибида азот ва фосфор ўғитларининг бўлиши, мазкур ҳавзаларда планктон ва бентос организмларнинг, сув ўтлари ва юксак ўсимликларнинг жадвал кўпайишига олиб келади. Балчиқ биоген келиб чиқишга эга бўлиб, асосан сув организмларининг нобуд бўлиши натижасида ҳосил бўлади. Коллектор-зовур ва қўлларнинг эвтроф хусусиятга эгаллиги, яъни азот ва фосфор ўғитларига, бошқа минераллар ҳамда органик моддаларга бойлигини ҳисобга олганда, келажакда бундай сув ҳавзаларидаги сув ва балчиқдан экинларни сугоришда ва ўғитлашда фойдаланиш мумкин.

Айрим фермер хўжаликларида сув танқис бўлган июнь-август ойларида ғўза ва бошқа экинлар бир

маротаба баъзан бир неча марта коллектор-зовур сувлари билан сугорилади. Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида олиб борилган ўрганишлар ва унинг таҳлили шундан далолат берадики, бундай далаларда нафақат ҳосил сақлаб қолинади, балки ҳосилдорлик маълум даражада ошади.

Яна бир муҳим ва кўпчиликни ўйлантирадиган ҳолат — тупроқ шўрланиши кузатилмайди. Мазкур ҳолат фойдаланилган сув таркибида туз миқдорининг камлиги ва қишки шўр ювиш даврида маълум даражада йиғилган тузларнинг ювилиб кетиши билан тушунтирилиши мумкин. Келгусида тегишли тажрибалар асосида мазкур усулнинг афзалликларини илмий асосда чуқур ўрганиш коллектор-зовур сувларидан сув танқис даврларда сугоришда фойдаланиш ҳамда ғўза ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини сақлаб қолиш ва ошириш мақсадида фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, коллектор-зовур сувларидан фойдаланиш ғўза ҳосилини сақлаб қолишга хизмат қилса, балчиқ ғўза ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади, минерал ўғитларга бўлган талабни пасайтириб, экологик тоза маҳсулот олишга замин яратади ва тупроқ унумдорлигини оширади.

Келгусида коллектор-зовур сувлари ва балчиқдан ғўза ҳамда бошқа экинларни сугориш ва ўғитлаш йўналишидаги тажрибаларни турли вариантларда давом эттириш режалаштирилди. Шу билан бир қаторда, коллектор-зовур сувлари ва балчиқнинг минерал ҳамда органик таркибини ўрганиш, ўсимликка таъсир этиш механизмларини аниқлаш ҳамда иқтисодий самарадорликни баҳолаш муҳим вазифалардан бири саналади.

Б.ХОЛБОЕВ,

Қорақўл қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси,

Ф.ХОЛБОЕВ,

Ўзбекистон Миллий университети доценти, б.ф.д.

КАНОПДАН МЎЛ ВА СИФАТЛИ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ

Каноп – қимматбаҳо толали экин. Каноп толаси ўзининг пишиқлиги, майинлиги ва яхши тўқилиши билан ажралиб туради. Канопдан қоп, ип, брезент, гилам учун асослар ва бошқа маҳсулотлар тайёрланади, шунингдек, кабель саноати, парашютсозлик каби соҳаларда кенг фойдаланилади. Каноп уруғидан озиқ-овқат учун ишлатиладиган қимматбаҳо пектин олинади, мойи оғир саноатда ва бўёқ олишда ишлатилади.

Каноп (*Hibiscus Canobinus*) – бир йиллик, иссиқсевар ўсимлик. Каноп асосан тропик ва субтропик иқлимли Хитой, Индонезия, Бирма, Эрон, Миср каби мамлакатларда экилади. Каноп ўсимлиги хўжалик мақсадларида Ўзбекистонда 1925 йилдан экила бошлаган. 80–90 йилларда 20–22 минг гектар майдонда етиштирилган. Афсуски, кейинги йилларда каноп етиштириш эътибордан четда қолдирилди.

Президентимиз жорий йилнинг 5 январь куни Тошкент вилоятига қилган ташрифи чоғида каноп экиладиган майдонларни кенгайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Кейинги йилларда селекционер олимларимиз томонидан канопнинг 9 та нави яратилиб, амалиётга жорий этилган. Канопнинг ўртапишар “Ўзбекистон–2115”, “Ўзбекистон–2225”, “Ўзбекистон–2205” навлари шулар жумласидан бўлиб, уларнинг вегетация даври 115–118 кун, каноп поя ҳосилдорлиги 170–180 ц/га, уруғ ҳосили 3–5 ц/га. ни ташкил этади.

Канопни бир майдонда икки йилдан ортиқ экиш мақсадга мувофиқ эмас. Олимларимиз тавсиясига кўра, далада беда-буғдой-пахта-каноп алмашиб экиш тизими, яъни 2 йил каноп, 3 йил беда ва 4 йил пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари жойлаштирилганда яхши ҳосилдорликка эришилади.

Каноп етиштиришда қўлланиладиган илгор агротехника тадбирлари: ерни шудгорлаш, экиш, минерал ўғитлар билан озиқлантириш, суғориш, турли касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш, уруғлик ҳамда каноп поясини қайта ишлашдан иборат.

Экин майдонини тайёрлаш. Кузда ерни 30 см чуқурликда шудгорлашдан олдин тупроққа фосфор ва калий ўғитларининг йиллик меъдорининг 50 фоизи (фосфор 75, калий 60 кг/га) солинади. Шу билан бирга гектарига 20–30 т гўнг солинса, тупроқ унумдорлиги яхшиланади ва канопдан юқори ҳосил олиш имконияти ортади.

Уруғ экиш. Тупроқ намлигини сақлаш учун дала эрта баҳорда 8–12 см чуқурликда боронланади. Шунда уруғларнинг бир текис униб чиқишига шароит яратилади.

Мўл ҳосил олишда сараланган уруғларни экиш катта аҳамиятга эга. Уруғнинг сифати унинг оғирлиги, хўжалик жиҳатидан яроқлилигига қараб белгиланади. Каноп икки мақсадда, яъни уруғлик ва кўк поя олиш учун экилади. Экиш муддатини тўғри белгилаш мўл ҳосил етиштиришнинг муҳим омилidir. Уруғ хўжалик техникасига қараб 60–90 см ораликда, асосан бир қатор қилиб экилади.

Тупроқнинг ҳарорати 16°C га етганда уруғ экишга киришилади. Бунда гектарига кўк поя учун 25 кг, уруғлик учун эса 12 кг уруғлик сарфланади. Шунда кўк поя учун ҳар гектаридан 300–400 минг туп кўчат бўлишга эришилади. Каноп уруғи нисбатан майда бўлганлиги учун СОН-3,6 русумли сеялқалар ёрдамида 3–4 см чуқурликда экилади. Экиш баробарида 30 кг. дан азот ва фосфор ўғитлари қўлланилади. Чунки ёш ниҳоллар дастлабки пайтларда озиқага ўта талабчан бўлади.

Парваришлар. Каноп ўсимлиги 35-40 кун давомида жуда секин ўсади. Бу вақтда асосан илдиз тизими яхши ривожланади. Шунинг учун культивацияни ўз вақтида сифатли қилиб ўтказиш, бегона ўтларнинг ўсишига йўл қўймаслик зарур.

Яганани ўтказиш муддати канопнинг ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлигига катта таъсир кўрсатади. Тажрибаларга кўра, бу тадбирни ўсимлик 2–3 чинбарг чиқарганида ва иккинчи маротаба шоналаганда ўтказиш мақбул ҳисобланади.

Биринчи культивацияда ишчи органлари ўсимликдан 8–10 см узокликда, ротацион мосламалар 5–6 см, пичоқлар – 6–8 см, ўткир учли ғоз панжалар 10–12 см чуқурликда юрадиган қилиб ўрнатиш керак. Иккинчи культивацияда ротацион мосламалардан фойдаланиш ҳимоя ҳудуди 7–9 см. ни таш-

кил этиб, наральниклар 8–10 см ва ғоз панжалар 12–14 см чуқурликда ўтказилади. Учинчи ва тўртинчи культивацияларда ҳимоя ҳудуди 6–8 см. ни ташкил этиб, наральниклар 8–10 см ва ғоз панжалар 14–18 см чуқурликка ишлов берадиган қилиб жойлаштирилиши лозим.

Ўғитлаш. Канопни ўз вақтида унинг талабига қараб озиқлантириш муҳим аҳамиятга эга. Канопни озиқлантиришда минерал ўғитларни қуйидаги меъёрларда қўллаш тавсия этилади: кўк поя учун экилганда – $N_{250}P_{150}K_{120}$, уруғлик каноп учун экилганда – $N_{200}P_{120}K_{100}$ кг/га. Фосфор ва калийнинг 50 фоизини кузда шудгорлаш пайтида, қолганини парваришда даврида бериш мақсадга мувофиқ.

Экиш билан бир вақтда гектарига 30 кг. дан азот ва фосфор ўғитлари берилди. Биринчи озиқлантиришда (шоналаш вақтида) азот ва фосфор, иккинчисидан эса (гуллаш вақтида) азот ва калий ўғити берилди.

Уруғлик учун экилган каноп парваришига алоҳида эътибор бериш керак. Уруғлик канопни биринчи озиқлантиришда калий ва азотни бирга берилди. Бунда улар ҳар гектари ҳисобига 40 кг. дан солинади. Фосфор ўғити иккинчи озиқлантиришда азот билан бирга бериш уруғликнинг пишиб етишини тезлаштиради.

Суғориш. Канопни қуйидаги тартибда суғориш тавсия этилди. Сизот сувлари 2–3 м чуқурликда жойлашган ўтлоқи тупроқ шароитида вегетация даврида 3–4 марта 4000–4500 м³ меъёрда сув сарфланиб, 1:2:1 нисбатда, яъни шоналашгача бир марта 1100 м³/га, гуллашгача – икки марта 1200 м³/га ва техник пишиш ҳолатигача бир марта 1000 м³/га меъёрда суғориш лозим. ЧДНС 70-70-70% бўлиши керак. Шоналашгача бўлган суғоришлар оралиғи 16–20, гуллашгача – 20–26, техник пишиш ҳолатигача 16–18 кунни ташкил этиши зарур.

Сизот сувлари 4–5 метр чуқурликдан паст бўлган майдонларда суғориш сонлари ошади.

Уруғ учун экилган канопни суғориш тартиби кўк поя учун экилган канопга нисбатан бирмунча фарқ қилади. Сизот сувлари 2–3 м чуқурликда жойлашган тупроқ шароитида сифатли уруғ олиш учун 2–3 марта қатор оралатиб суғориш ва мавсумий суғориш меъёри 2500–3500 м³/га. ни ташкил қилиши мақсадга му-

вофиқ. Суғориш схемаси 1:1:1, яъни шоналашгача бир марта суғорилиб, суғориш 1000–1100 м³/га, гуллашгача 1100–1400 м³/га ва биологик пишнинг бошланишида 900–1000 м³/га меъёра қатор оралатиб ўтказилади. Ҳар бир суғоришдан кейин албатта культивация қилиш керак.

Ҳосилни йиғиш. Канопчиликда ҳосил ўрим-йиғими энг сермеҳнат ва маъсулиятли жараён ҳисобланади. Канопнинг 50 фоизи техник жиҳатдан пишиб етилганда (поянинг учида ханжарсимон барг пайдо бўлганда) ўримга киришиш керак. Ўримни бошладан 6–8 кун олдин дала 600–650 м³/га меъёра суғорилса (кўк поя учун), каноп пўстлоғи ўзагидан тез, осон ва тоза ажралади.

Ўриш учун трактор рамасига КС-2,1 агрегатининг пичоқларини ердан 2–3 см баланд қилиб ўрнатиш тавсия қилинади. Ўрилган поялар йиғиштирилиб, дастлаб пўстлоқ ажратишгача поянинг туб қисми яхшилаб текисланиши ва қалинлиги 2–2,5 см бўлиши керак. Акс ҳолда пўстлоғининг сифати бузилади.

КУ-0,2 маркали комбайн бир йўла учта ишни бажаради: канопни ўради, пўстлоғини ўзақдан ажратади ва пўстлоқни ерга бир текисда йиғиб кетади.

Каноп уруғини олиш учун гуллашда ва ҳосилни йиғиштириб олиш олдида бегона нав ва касалланган тупларни юлиб ташлаш зарур. Каноп поясининг пастки қис-

мидаги 3–4 тадан кўсаги пишиб етилиши билан ўриб-йиғиб олиш ва қуритиш лозим.

Ўрилган поялар қуритиш учун далада қолдирилади, 15–16 см қалинликда боғ-боғ қилиб икки жойидан боғланади ва 2–3 кун қуритилади. Уруғлар тўла етилиши учун қуритилган поялар тикка ҳолда қилиб қўйилади. Қуриган поялар МКФ-6 русумли уруғажратгичдан ўтказилади. Уруғлар қопларга солиниб, шамоллатиб туриладиган омборхонада сақланади. Каноп поясидан уруғи ажратиб олингандан сўнг қуруқ поя заводга жўнатилади ва у ерда толаси ажратиб олинади.

Т.АЗИЗОВ,
қ.х.ф.д.

ҲАРАКАТДАГИ ОДАМ

Ҳар сафар бу одам ҳақида ўйласам, буюк алломаларимиздан бирининг қуйидаги сўзлари ёдимга тушаверади: "Кексалик аҳмоқ одам учун оғир юк, жоҳил учун қиш, илм аҳли учун айни ҳосил йиғиш даври!"

Анджонлик кекса қишлоқ хўжалик ходими Абдусалом Турсунов 76 ёшда. У киши 14 ёшида иш фаолиятини табелчиликдан бошлаб, кейинчалик Шаҳрихон пахта тайёрлаш корхонаси раҳбарлигига тайинланди. 1996 йилда Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтини тугатгач, илм билан шуғулланди, иқтисод фанлари номзоди бўлди. 1981 йилдан Ўзбекистон Республикаси Давлат режа қўмитасида бўлим бошлиғи, 1990–1991 йилларда Республика пахтасаноатсотиш уюшмаси раиси бўлди, муҳандислар академиясининг академиклигига сайланди.

— Тақдир менга ажойиб инсонлар билан учрашиш, ишлаш бахтини насиб этганидан толеъимдан минг бора розиман, — дейди отахон. — Шаҳрихон, Бўз, Қўқон пахта тозалаш корхоналарида ишлагач, Оққўрғон пахта тозалаш корхонасига раҳбар этиб тайинландим. У пайтлари корхона учта тумандан маҳсулот олар эди. Унинг очилиш маросимида халқимизнинг севимли фарзанди, давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов иштирок этди ва менга ишонч билан “Вазифанизи ҳалол бажаринг, сизга омад тилайман” — дея тилак билдирди. У пайтлардаги пахта қабул қилиш ва етиштириш билан боғлиқ азобларни ёши катта инсонлар яхши билишади.

1981 йилдан Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти, буюк ислоҳотчи, халқпарвар инсон Илом Каримов билан Давлат режа қўмитасида бирга ишладик. Вазифага сидқидилдан ёндашишни, режалаштириш тизимининг кўп жиҳатларини мен шу буюк инсондан ўрганганман. Шу икки буюк инсон билан учрашиш, эътиборига тушиш толеъимдаги буюк бахт, неъмат экан. Бунинг учун Оллоҳга беадад шукр”.

Абдусалом ака устози академик Станислав Сергеевич Шоталин раҳбарлигида “Ишлаб чиқариш корхоналарига янги технологияларни жорий этишнинг иқтисодий самарадорлиги” мавзусида илмий ишини ёқлагач, матбуотда жуда кўп йиллар фаол қатнашган. Олимнинг асосий тақлифлари қишлоқ хўжалигида иқтисо-

дий режалаштириш, мулкдорлик кайфиятини шакллантириш, бозор иқтисодийёти шароитида деҳқончилик, ишбилармонлик кайфиятини қўллаб-қувватлаш ва бошқа мавзуларни қамраб олган. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан шу кунга қадар олимнинг “Халқ сўзи”, “Маҳалла”, “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”, “Хлопковая промышленность” ва бошқа даврий нашрларда кўплаб мақолалари эълон қилинган. Олимнинг нарх ахборотларини автоматлаштириш, пахта таркибидаги тола миқдорини аниқлашнинг математик модели борасидаги мулоҳазалари, айниқса, долзарбдир.

Абдусалом Турсунов шу билан бирга 80 дан ортиқ илмий мақола, 10 дан зиёд ихтирочилик тақлифлари, 15 дан ортиқ рисола ва услубий қўлланмалар муаллифидир. Қолаверса, отахон шеърят шайдоси ҳамдир. “Севинч устига севинч”, “Пинҳон сақлаган севгим”, “Сабр”, “Сўнги зиёрат” каби ҳикоялари, бир қатор шеърӣ тўпламлари мухлислар қалбидан жой олган.

— Биз тенги авлод даврнинг азоб-укубатларини кўп тортдик— дейди Абдусалом Турсунов. — Бугунги ёш авлодга тилагим, улар доимо изланишсин. Ватанни севинг ва ардоқланг. Яқинда Олий Мажлис Сенатида мамлакатимиз Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини маҳсул байрам сифатида белгиланди. Буни эшитиб жуда қувондим. Қолаверса, соҳа ходимларига эътибор ҳам кун сайин ошиб бормоқда.

Абдусалом ака ўзи туғилиб ўсган Шаҳрихон тумани Шайдо қишлоғидаги 6-умумтаълим мактабига ўз ҳисобидан 5000 номдаги турли бадий ва илмий китобларни совға қилиш ниятида. Бу эзгу ишларида отахонга омад тилаймиз. Зеро, у ҳаётни, юртини ва одамларни севади. Бир шеърда ўзи ёзганидай:

*Одамлар кўзида бахтдан бир учқун
Чақнаганин, азизлар, бир бор кўрсайдим.
Шу бахтда ўлишим борлиги учун
Ўзимни улардан бахтли сезардим.*

Ў.ҚАРШИЕВ.

ЭКСПОРТГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

Мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларнинг жадал ривожланиши, уларнинг кучи билан импорт ўрнини босувчи, экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтириш учун имконият ва шарт-шароит кенгаймоқда. Табиийки, Ўзбекистон иқтисодиётида салмоқли ўрин тутувчи аграр соҳа ҳам бундан мустасно эмас. Яратилган қулайликлардан унумли фойдаланиб, ўзаро манфаатли шартномалар асосида серқуёш заминимизда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хориждаги ҳамкорларга етказиб бераётган, бу билан биринчи галда ўзининг иқтисодий ҳолатини яхшилаётган, қолаверса, давлатнинг валюта захирасини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшаётган тадбиркорлар сони ушбу соҳада кун сайин ошиб бораётир.

Жиззах вилоятида 2017 йилда жами 23 миллион 183 минг АҚШ доллари қийматидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинди. Бир қарашда бу унчалик катта ва мақтанишга арзи-майдиган кўрсаткич бўлиб тую-

лари орасида ўзининг ўрнини эгаллай билди.

– Ўтган йили асосан россияликлар билан ҳамкорлик қилдик, – дейди МЧЖ раҳбари Бекзод Мамадиев. – Москва, Иркутск, Новосибирск, Самара сингари



лиши мумкин. Бироқ ушбу кўрсаткич 2016 йилдагига нисбатан 140 фоиз юқори эканлигига эътибор қаратсак, воҳа аграр соҳа вакиллари 2017 йилда ўз маҳсулотларини чет элга сотиш йўлида дадил қадам босди, дейиш мумкин.

Ўтган йили вилоятнинг 25 дан ортиқ хўжалик субъектлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан дунё бозорига чиқди. Бу борада “Жиззах ниҳол инвест” масъулияти чекланган жамияти ўзи эришган натижалар билан ажралиб турди. Бундан атиги бир ярим йил аввал фаолият бошлаган жамият қисқа муддат ичида мамлакатимиз экспортчи-

шаҳарларга эрта баҳорда кулупнай ва карамдан тортиб, кеч кузда анор ҳамда қовунгача етказиб бердик. Шунингдек, АҚШга ҳам юртимизнинг 1 тоннадан кўпроқ тансиқ ноз-неъматларини жўнатишга муваффақ бўлдик.

Эътиборли томони шундаки, Жиззах воҳасидан чет элга жўнатилаётган маҳсулотлар тури ва ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ҳиндистонга мош, ловия, нўхат, Туркияга ковул, Россияга хўл ва қуруқ мева, Қозогистонга полиз ва сабзавот маҳсулотлари жўнатишмоқда.

– Афғонистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйдик, – дейди Фаллаорол туманидаги “Санзор парранда”

МЧЖ раҳбари Диёр Бозоров. – Ўтган йил мобайнида ушбу мамлакатга 1 миллион 630 минг долларлик тухум етказиб берилди.

“Ўзагроэкспорт” акционерлик жамиятининг Жиззах вилоятидаги ҳудудий вакили Одил Зариповнинг маълумот беришича, жорий йилнинг дастлабки кунлариданоқ Шароф Рашидов туманида лойиҳа қиймати 9 миллион АҚШ долларига тенг бўлган логистик марказ барпо қилиш ишлари бошланиб кетди. Ушбу марказда аграр соҳа маҳсулотларини жамлашдан тортиб, то истеъмолга тайёр кўринишга келтиришгача бўлган барча юмушларни амалга ошириш имконияти яратилади. 2 минг тонна сифимга эга бўлган совутгич, 7 минг тонналик оддий омбор, маҳсулотларни саралаш, тозалаш ва қадоқлаш цехлари, ушбу маҳсулотларни хориждаги ҳамкорларга етказиб беришни зиммасига оладиган автофургонларни ўзида жамлаган автотураргоҳ мавжуд бўлади. 40 киши доимий иш билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 25 декабрь куни мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмини йилга 10 миллиард долларга етказиш бўйича стратегия ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш зарурлиги таъкидлаб ўтиди.

Офаолияти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишга қаратилган тадбиркорлик жамоалари, улар билан яқиндан ҳамкорлик қилаётган ишбилармон деҳқон-фермерларнинг сафи кенгайиб бораётгани бу каби яхши ниятларнинг ушалишига умид ўйғотади...

Х.КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: “Санзор парранда” МЧЖ ишчилари Муҳаббат Эрбўтаева (чапда) ва Нилуфар Очиловалар хорижга жўнатилаётган маҳсулотни кўздан кечиришмоқда.

МУКОФОТ – МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

Тўрақўрғон Наманган вилоятида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тобора ривожланиб бораётган туманлардан. Замонавий уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари, маиший хизмат уйларидаги саранжом-саришталик, орасталик киши кўзини қувнатади. Бу ерда яшаб, меҳнат қилаётган инсонларнинг ўз бажараётган ишларидан кўнгли тўқ, келажакка ишончлари юксак.

Айниқса, қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотлар туфайли фермер хўжалиklarининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам, иқтисодий имкониятлари ҳам йил сайин ортиб бораётгани танланган йўлнинг бағоят тўғри эканлигини кўрсатмоқда. Таъкидлаш жоизки, туманда фаолият юри-



таётган фермерлар аҳолини ижтимоий ҳимоялашга ҳам катта хисса қўшиб келишмоқда. Хусусан, кам таъминланган оилалар, яқка-ёлғиз қариялар, етим-есирларнинг ҳолидан хабар олиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдек хайрли ишларда фаол иштирок этишяпти.

Туманда икки нафар Ўзбекистон Қаҳрамони ишқомат қилади. Уларнинг иккиси ҳам қишлоқ хўжалигидаги фидокорона меҳнатлари учун ушбу юксак унвонга сазовор бўлган. Яқинда нишонланган “Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни” муносабати билан Президентимиз томонидан шу туманлик яна бир фермер – “Турсунбой Комилов” фермер хўжалиги раҳбари Турсунбой Комилов “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланди. Биз фермерни табриклаш ҳамда хўжалик эришган муваффақиятлар билан танишиш мақсадида Тўрақўрғонга йўл олдик. Фермер билан экин майдонларини кўздан кечириб эканмиз, четдаги тутзорларнинг остига қадар ҳайдов қилинган эътиборимизни тортди.

– Фермер бир қарич ернинг ҳам қадрига етиши керак, – деб сўз бошлади Турсунбой ака. – Кўпинча, экин майдони четидаги 2–2,5 метрлик жой экилмасдан қолади. Натижада майдоннинг ҳажмига қараб 1 гектар ва ундан ортиқ ҳудуд қаровсиз қолади. Шунинг учун биз майдонларни тўлиқ ҳайдаб, текислаймиз ва қовоқ уруғи экамиз. Баҳонада тутзорларнинг ҳам ости юмшайди. Менинг асли кас-

бим муҳандис–механик. 1975 йили Тошкент политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)ни тамомлаб, собиқ “Наврўз” ширкат хўжалигида бош муҳандис бўлиб иш бошлаганман. 2000 йил 17 гектар ерда фермер хўжалиги ташкил этдик. 6 нафар доимий ишчимиз ва оила аъзоларимиз билан астойдил ишга киришдик.

Аввало экинларни агротехника талаблари асосида парваришлашга, алмашлаб экишга ҳамда органик ва минерал ўғитни ўз вақтида, керакли миқдорда беришга эътибор қаратдик. Айниқса, такрорий экин сифатида дуккакли ўсимликлар экишга алоҳида диққат қилдик. Ер эрозиясига йўл қўймадик. Натижада экин майдонларининг аста-секин ҳолати яхшиланиб, ҳосилдорлик орта борди. Ҳозирги кунда 74 гектар ерда пахта ва галла етиштиряпмиз. Ўтган йили галланинг ҳар гектаридан 80 центнердан, пахтадан 46 центнердан ҳосил кўтардик.

Жорий йилда бу кўрсаткичларни янада юқори кўтаришни мақсад қилганмиз. 42 гектар майдонга галланинг “Таня” навини экиб, зарур агротехника тадбирларини амалга оширдик. Пахта майдонлари ҳам баҳорги ишлов бериш учун ҳозирлаб қўйилди.

Ишчиларимизнинг кайфияти кўтаринки, чунки ҳар бир ишчимиз бажарган ишига қараб 1 миллион 200 минг сўм атрофида маош олишади. Меҳнат рағбати билан кўркам деб бежиз айтишмаган. 2017 йилда такрорий экинлар экиб, 30 тонна мош, 10 тонна ловия, 800 тонна қизилчани қўшни Қозоғистон ва Россия Федерациясига экспорт қилиб, 360 млн сўм даромад қилдик. Жорий йилда 500 млн сўмлик маҳсулот экспорт қилишни режалаштирганмиз.

Турсунбой Комилов раҳбарлик қилаётган хўжалик тумандаги 30 та фермер хўжалигига “Техник хизмат кўрсатиш” йўналишини ташкил этган. Бошқа фермер хўжаликлари экин майдонларига сифатли ишлов беришда хўжаликдаги “МАГНУМ” ҳайдов трактори, қатор орасига ишлов берувчи 5 та МТЗ–80 трактори ва имтиёзли кредит асосида яқиндагина харид қилинган 2 та “Беларус” русумли тракторидан унумли фойдаланиляпти. Хўжалик ўтган йили бошқа хўжаликларга хизмат кўрсатиш туфайли 260 млн сўм фойда кўрди.

– 2018 йил хўжалигимиз учун янада юксалиш йили бўлади – дейди Т.Комилов. – Турмуш ўртоғим Фотимахон ва ўғилларим Алишер, Валишер ҳамда Мухторжонлар билан биргалликда хўжалигимиз таркибида чорвачилик, асаларичилик йўналишлари ва озуқа-ем маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз.

Ҳаракатда – баракат, дейдилар. Турсунбой ака фарзандлари ва ишчилари билан келажак учун ҳозирдан замин ҳозирлаётганларидан қувониб, уларнинг бу эзгу режалари, албатта, амалга ошишини тилаб хайрлашдик.

К.ЭРГАШЕВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: фермер Турсунбой Комилов сувчи Улуғбек Қаҳҳоров билан.

КЎП ТАРМОҚЛИЛИК — ДАВР ТАҚОЗОСИ

– Ўтган йилнинг 9 декабрь куни юртимизда биринчи марта ба нишонланган Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилишда Президентимиз Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлаб, дала меҳнаткашларини “Миришкор деҳқон ва фермерлар, сувчи ва ирригаторлар, механизатор ва агрономлар, аграр тармоқ олимлари дунёдаги энг шарафли касб эгаларидир. Бу соҳанинг меҳнати қанчалик шарафли, нони эса, қанчалик тотли ва ширинлигини ҳамма яхши билади”, дея эътироф этганлари барча қатори мени ҳам руҳлантириб юборди, – дейди, бухоролик илғор фермер Иброҳим Тўқлиев.



– Айниқса, юртимизда жорий йилнинг “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоя ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб номланиши оламшумул аҳамиятга эга бўлди. Зеро, бугун ҳеч бир соҳа тараққиётини илм-фансиз тасаввур этиб бўлмайди.

Иброҳим Тўқлиев раҳбарлигидаги “Ўқтам Иброҳим Тўқли” фермер хўжалиги ташкил этилгандан буён қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштириб, эл-юрт тўкинлигига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Фермернинг фидокорона меҳнатлари юксак баҳоланиб, у “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланди. Бу эса хўжалик раҳбарининг ҳам, аҳил жамоанинг ҳам қувончига қувонч қўшиб, янги зафарларга ундамоқда.

– Падари бузрукворим Бадал ота умр бўйи механизаторлик қилиб, онам Хурсанд ая билан 5 ўғил, 2 қизни эл корига ярайдиган қилиб вояга етказдилар, – дейди фермер. – Меҳнатида фидойилик уфуриб турганлиги боис, уларга ҳар доим файз-баракани ҳамроҳ бўлган. Бугун биз ака-ука ва опа-сингиллар ота-онамизга муносиб фарзанд бўлиш учун астойдил меҳнат қилаяпмиз.

Иброҳим Тўқлиев ўрта мактабни аъло баҳоларга битиргач, Тошкент қишлоқ хўжалик институти (ҳозирги Тошкент давлат аграр университети) нинг агрономия факультетига ўқишга кир-

ди. Олий ўқув юртини тугатгандан буён далада. Касбини севгани сабабли ишида барака бор, доимо пешқадамлар сафиди.

Мамлакатимиз раҳбари ўтган йилнинг 10 март куни хўжалик далаларида бўлиб, фермерга тегишли кўрсатма ва тавсиялар берган эди. Шу тавсия ва кўрсатмалар асосида меҳнат қилган жамоа ўтган йили буғдойнинг “Қраснодарская–99” навидан гектар бошига 78 центнердан хирмон кўтариб, давлатга дон сотиш режасини 113,4 фоизга уддалади. Натижада ишчи-хизматчиларга 1–1,5 тоннадан буғдой тарқатилди. Қишлоқ ва маҳалладаги ногиронлар, кам таъминланган оилалар ҳам доимо фермер эътиборида.

– Иброҳим ака бағрикенг, саховатпеша инсон. Менинг оиламга доимо моддий ёрдам бериб, қўллаб-қувватлаб турадилар, – дейди дуога қўл очиб боқувчисини йўқотган аёл Робия Азимова. – Ҳосиллари бундан-да мўл бўлаверсин.

Хўжалик аъзолари ўтган йили пахтанинг “Бухоро–102” навини экиб, ҳар гектар ердан 43 центнердан, агроилм кенг жорий этилган 6 гектарлик контурдан эса 57 центнердан хирмон кўтардилар. Пилла тайёрлаш режаси 120 фоизга бажарилди. Четдан келтирилган зотли қорамоллар ҳисобига чорвачилик барқарор тармоққа айланди. Барча соҳалардаги эришилган ютуқлар

ҳисобига хўжалик ўтган қишлоқ хўжалик йилини 1 миллиард сўм фойда билан якунлади.

– Бу кўрсаткичлар биз учун ҳали чегара эмас, – дейди Иброҳим ака. – Хўжалигимиз ташкил этилган кундан бошлаб, бор эътиборимизни илмий асосларга таяниб деҳқончилик қилишга, агрокимёвий таҳлиллар асосида тупроқ унумдорлигини оширишга ҳаракат қиляпмиз. Даромадларимизни техника сотиб олишга сарфляяпмиз. Мўл ҳосил етиштиришнинг бош омили – деҳқончиликка илм-фан ютуқларини жорий этиш. Экиш режалаштирилаётган пайтда экин тури навини тўғри танлаш ҳам жуда муҳим. Бунинг учун ҳар бир фермер хўжалигида тажриба майдончаси бўлиши керак. Бундан ташқари, ўтказиладиган агротехник тадбирларнинг тафсилотини мунтазам ёзиб бориши лозим. Шундагина фермернинг салоҳияти юксалади. Келажақда хўжалигимиз қошида қишлоқ хўжалиги субъектларига хизмат кўрсатиш маркази ташкил этиш ниятида миз. Бу борада дастлабки қадамларни қўйдик.

Фермер қайта-қайта таъкидлаганидек, барча соҳалардаги каби қишлоқ хўжалигига ҳам илм-фани жорий этиш вақти келди. Зеро, бу давр тақозосидир.

Ф.МИРЗАЕВ.

ЯНГИ ҒОЯ, ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР САРИ

– Президентимизнинг “Фермерликни касб қилдингми, даромад олишинг шарт!” деган сўзларидан руҳланиб, ишимизни қайта кўриб чиқдик, янги режалар туздик. Яратилаётган шароит ва имкониятлар, албатта, улуг режаларни амалга ошириш учун йўналтирилиши шарт, – дейди Ёзёвон туманидаги “Хайрулла” фермер хўжалиги раҳбари, “Шухрат” медали соҳиби Абдурасул Тўраев.

Абдурасул ака дехқон оиласида катта бўлган эмасми, мактаб таҳсилдан сўнг Фарғона қишлоқ хўжалиги билимгоҳида таҳсил олди. Сўнг бир неча йил Ёзёвон давлат хўжалигида энтомолог-агроном вазифасида ишлади. Илмга чанқоқлиги туфайли 1985 йили Тошкент қишлоқ хўжалик институти (ҳозирги Тошкент давлат аграр университети)нинг Агрономия факультетининг сиртки бўлимига ўқишга кирди. 1990 йилда олийгоҳни тугатгач, бош агроном, бўлим бошқарувчиси вазифаларида ишлаб, тажриба орттирди.

Мамлакатимизда мустақиллик шабадаси эсиб, фермер хўжаликлари тузила бошлагач, ўз мулки, ўз ери бўлишини истаган, ўз имкониятлари сари катта ишонч билан қадам ташлаган Абдурасул ака ҳам 2000 йилда фермер хўжалиги тузди. У дастлаб 25 гектар ерда иш бошлаган эди. Бугунги кунда унинг ер майдони 90 гектарга етди.

Хўжалик аъзолари ғалла ва пахта сотиш бўйича ҳар йили давлат режаларини 120–125 фоизга уддалаб келмоқда. Таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун, аввало, дехқонга қанот бўлган техника керак. Шунда унинг имкони кенгайиб, мушкули осонлашади.

Буни ҳисобга олган агроном-фермер йиллик соф фойдалари эвазига техникани янгилашга катта эътиборни қаратди. 2016 йилда пахта ҳосили режаси 118 фоизга бажарилган бўлса, 2017 йилда 150 фоизга уддаланди. 2001 йилда ТТЗ–80 чоппик трактори, 2006 йилда ТТЗ–80 транспорт ва БТ–150 занжирли ҳайдов тракторлари, 2014 йилда юқори унумли “Клаас Орион” ҳайдов трактори, 2017 йилда “Клаас Доминатор” ғалла ўрим комбайнини лизинг ва кредит асосида сотиб олди. Бу техникалар билан ерга ишлов бериш натижасида унумдорлик ошди.

– Мамлакатимиз Президенти 2018 йилни “Ғаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”, деб бежизга номламадилар, – дейди фермер. – Ахир, шу пайтгача биз тушган даромадларимизга керакли техникалар сотиб олиб, 100 фоиз техникага эга бўлдик. Энди бу катта куч билан янги инновацион ғояларни жорий қилиб, тармоқларни кенгайтириш баробарида, озиқ-овқат саноатини ривожлантириш учун клас-



тер усулини татбиқ этишни мақсад қилганмиз. Тушунган одамга бу мамлакат ривожини ўйлидаги яна бир эзгу қадам бўлади. Юртбошимиз айтганларидек, ҳар бир ҳудудда тупроқ-иқлим шароитига мос экин навлари яратиш ва жойлаштириш қишлоқ хўжалигида янги йўналиш ва ривожланишга йўл очади.

48 нафар ишчи меҳнат қилаётган хўжаликнинг 100 ўринли дала шийпонида барча шароитлар етарли. Бу каби шароит ва эътибордан мамнун тракторчилар ўринбой Бердиев, Раҳматжон Мўминов, сувчилар Абдуманнаб ва Лочин Болқонов, Абдуҳалил Тўраев, ишчилар Насибахон Тўраева, Айша Болқонова, Дилфуза Эргашева каби жонкуяр фидойилар бор экан, хўжаликнинг режа ва топшириқлари доимо ошиғи билан бажарилаверади.

Дала шийпони ёнидаги кўрада 50 бошдан кўпроқ қўй-қўзи, 80 бошга яқин парранда, 2 бош сигир парваришланмоқда. Шийпондаги тандирдан иссиқ нон узиб дастурхонга қўяётган аёлнинг чехрасидаги илиқлик, ишчилар юзидаги хотиржамлик келгуси ишларнинг бароридан келишидан даракдай гўё.

Фермернинг икки ўғли – икки қаноти. Хайрулло хўжалик аъзоси, ҳар бир ишда етакчи, Воҳиджон Фарғона давлат университети-нинг Иқтисодиёт факультетини тугатган. Ҳозир хўжаликда ҳисоб-китоб ишлари билан шуғулланади. Қизлари Гулчехра ва Шоҳидахон ўқитувчилик касбини эъзозлаб, ёш авлодга сабоқ бермоқдалар. Бошқача айтганда, оилада доимо иноқлик, хотиржамлик ҳукмрон.

– Оилада аҳиллик, ишда унум, юртда тинчлик бўлса, фермер ер билан тиллашиб, ҳар бир агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказса, ҳалол меҳнат қилса юрт обод, халқ фаровон бўлади, – дейди Абдурасул Тўраев.

Ш. ЖАББАРОВА,
ўз мухбиримиз.

Суратда: фермер Абдурасул Тўраев.

ШУКРОНАЛИК ШУКУҲИ

Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида 3,6 миллион нафардан зиёд киши банд бўлиб, соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 17,2 фоизни ташкил этмоқда. Бу иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, айниқса, ҳозирги пайтда долзарб аҳамиятга эга бўлган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, юртимиз экспорт салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, яқин беш йилга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида ҳам қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланиб, аниқ мақсадли чора-тадбирлар назарда тутилганки, барчаси пировардида аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга, қишлоқ жойларга саноатнинг жадал кириб боришига ва янги иш ўринлари очилишига замин яратади.

Аграр соҳа, айниқса, фермерлик ҳаракати кенг ривожланди. Ҳозирги даврда бу соҳа вакиллари мева-сабзавотчилик, узумчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, пиллачилик каби қатор йўналишларда истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқармоқда. Эътиборлиси, улар қишлоқ хўжалиги хомашёсини етиштириш билан чекланиб қолмай, ички ва ташқи бозорга қайта ишланган маҳсулотлар етказишга интилоқда. Бутун дунёда сифатли, ишончли озиқ-овқат маҳсулотларига талаб кескин ортган айни шароитда фермерларимизнинг гўшт, сут ва мева-сабзавотларни қайта ишлаётгани эътирофга лойиқдир.

Бизнинг "Оққўрғон" фермер хўжалигимиз истиқлолнинг илк қалдирғочларидан саналади. Ўтган йиллар давомида соҳадаги илғор тажрибалардан кенг фойдаланганимиз, хориж ҳамда илғорлар иш услубини ўзимизда изчил жорий этганимиз боис, деҳқончилик хўжалигимизда барқарор тармоққа айланди. Биргина ғал-

ладан олинадиган ҳосилимиз икки бараварга ошиб, гектаридан 30 центнердан 60–65 центнерга етди.

Мамлакатимиз раҳбарининг "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг



ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида соҳада бозор муносабатларини жорий этиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш ҳамда уларнинг мустақиллигини таъминлаш бўйича босқичма-босқич ислохотларни амалга ошириш белгилаб берилди. Шу билан бирга, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни янада кенг қўллаб-қувватлаш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини

ошириш кўзга тутилган.

Бундан ташқари, юқоридаги ҳужжатда 2018–2021 йилларда фермер хўжаликлари ни босқичма-босқич кўп тармоқли фермер хўжаликлари га айлантириш, 2022 йилнинг 1 январидан бошлаб кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўймаган фермер хўжаликлари билан ер ижараси шартномаларини қонун ҳужжатларига мувофиқ бекор қилиш белгилаб қўйилганки, бу фермерларга яратилган имкониятлардан янада кўпроқ фойдаланиш масъулиятини юклайди.

Деҳқончилик маданиятини оширишда муносиб ҳисса қўшган ва ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришган фермер, деҳқон хўжаликлари раҳбарлари ва томорқа ер эгалари учун "Илғор фермер", "Меҳнатқаш деҳқон" ва "Намунали томорқачи" кўкрак нишонлари таъсис этилганлиги қувонарли ҳолдир. Томорқа ер эгаларининг Фермерлар кенгаши тизимига қўшилганлиги ҳам айни муддао бўлди. Зеро, барака, тўкинлик остонаси – томорқадан бошланади.

Айтиш жоизки, истиқлол йилларида деҳқонларимиз ҳаётининг маъно-мазмунини ва онгу шуури тубдан ўзгарди. Бугун улар яратувчанлик, бунёдкорлик, мамлакат равнақи га дахлдорлик ҳисси билан яшамоқда.

Жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳасида кузатилаётган ана шу ўсиш ва янгилинишлар "Ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун" тамойили шарофатидандир. Зеро, инсон улуғланган, унинг меҳнати қадрланган юртда тинчлик ва фаровонлик ҳукм сураверади.

Эштурап АБДУСАТТОВ,
Арносаи туманидаги "Оққўрғон"
фермер хўжалиги раҳбари, "Меҳнат
шуҳрати" ордени соҳиби.

ВАТАНГА МУНОСИБ ЯШАМОҚ КЕРАК

Фарғона вилоятининг Қўштепа тумани атласу адраслари билан етти иқлимга машхур кўҳна ва зебо Марғилон шахрининг ғарб томонида жойлашган. Туманга қилган сафаримизда касби ва эътиқодига фидойи, қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатиб элга танилган, кўксини “Дўстлик” ордени бегаб турган “Муҳаммадрасул Абдулла Файз” фермер хўжалиги раҳбари Абдулла Юлдашев билан учрашиб, отахон фермернинг амалга ошираётган ишлари, келгуси режалари билан қизиқдик.

— Марғилон шахрида туғилган бўлсак-да, болагимиздан ҳозирги “Ўқчи” ҚФЙга қарашли ерларда деҳқончилик қилган отамга дала ишларида қарашардик, — дейди у. — Оилада 7 нафар фарзанд оғир шароитда ўсиб улғайдик, вақтида ўқий олмадик. Қанийди бугун бола бўлиб қолсам. Замонавий мактаб, лицейлар, ўқув даргоҳларини кўриб невараларимга “Ўқинглар, бунақа

экилган пахтадан ҳам гектарига режадаги 33,9 центнер ўрнига 34,5 центнердан ҳосил етиштирилди.

2018 йилда хўжаликда 28,4 гектарга пахта, 31,6 гектарга бошоқли дон етиштириш мўлжалланган бўлиб, далаларда кузги-қишки ишлар ўз вақтида бажарилди. Бундан ташқари, хўжаликда 20 бош қорамол, 60 бош қўй-қўзи боқилмоқда, эчкилар ҳам талайгина. Бу йил уларнинг бош



шарт-шароитлар яратилган Ватанда фақат ўқиш, ўрганиш ва ҳаётга яхши амалларни татбиқ қилмоқ керак”, дейман. Айнан отам юрган далалар бугун фермер хўжалигимиз ерлари. Бу ҳам бир тақдир. Гоҳо сонин шабадалар эсаётган далалардан отамнинг нафаси келаётгандай бўлади.

Хўжалик 2005 йилда ташкил қилинган бўлиб, бугунги кунда 69 гектар ер майдонига эга. Раҳбарнинг жамоага эътибори ва деҳқончилик сирларини яхши билганлиги, майдонларга яхши қарови, ерни ўз вақтида озиклантириши, бошқача айтганда ер тилини яхши билиши ҳисобига йил-йилдан ҳосилдорлик ошиб, хўжаликнинг туман ва вилоятда танилишига сабаб бўлди.

2017 йилда 41,8 гектар майдонга бошоқли дон экилиб, давлат шартномаси 130,7 тоннага, яъни 100 фоизга уддаланди. 27,2 гектарга

сонини ҳам кўпайтиришни мўлжаллаётган хўжалик аъзолари тиним билмай меҳнат қилишмоқда.

Ўтган 2017 йилда 1 гектар боғдан 8 тонна узум, 10 тонна шафтоли етиштирилиб бозорларда сотилди ва 40 млн. сўм даромад олинди. Боғ қатор ораларига буғдой, саримсоқпиез, кашнич, укроп каби керакли маҳсулотлар экилди. Бу ҳам ўз самарасини берди.

Хўжаликда 60 нафар ишчи-хизматчи учун 60 ўринли дала шийпони бўлиб, атрофи боғ-роғ, ҳовузли баҳаво маскан. Иш қизиби, йигим-терим авжига чиққан кунлари доимо иссиқ овқат, тоза ичимлик суви бўлади. Аъзоларнинг тўй ҳашами, маъракаларида эса фермер отанинг ўзи бош-қош.

2017 йил хўжаликнинг умумий даромади 590 млн. сўмни ташкил қилди, соф фойда эса 260 млн. сўмга етди. Бу фойдага “Клаас До-

минатор” комбайни сотиб олишди. Лизинг асосида “Беларус” ҳайдов тракторига дастлабки тўловлар амалга оширилди. Бундан тракторчилар Хошимжон Мусоев, Халимжон Улуғовлар жуда хурсанд. Ахир, янги техника янги куч ва имконият эканлигини улар яхши билишади.

— Абдулла ҳожи отани жуда ҳурмат қиламиз, доимо сўзи билан иши бир, бизга ҳам маслаҳатлар бериб турадилар, — дейди Қўштепа тумани Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими мутахассиси Фарҳоджон Жамолов.

Ўғли Абдумуталлиб доимо отасининг ёнида. Яна бир ўғли Фуломжон — “Муҳаммадхонҳожи Юлдашев” фермер хўжалиги раҳбари. Санобархон ая ҳам хўжалик ишларига баҳоли қудрат қарашади, ҳар йилги ипак мавсумида ёрдамини, маслаҳатини аямайди.

Беш қизу уч нафар ўғилнинг ҳар қайсиси бир катта оилага бош. 30 нафар неварая 8 нафар чевараларни суйиб яна меҳнат жабҳасида саодатли ҳаёт имкониятларидан руҳланиб яшаётган Абдулла ҳожи ота келгусида хўжаликни янада ривожлантириш режаларини биз билан суҳбати давомида баён этар экан, бугунги кунга шукроналар айтиб шундай деди:

— Муҳтарам Президентимизнинг ҳар бир кун, дақиқа-ю соатлардан унумли фойдаланишга чорлаётганликлари бари давлатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, келгуси авлодаримизнинг бахтли яшашлари-ю, биздан обод ва ривожланган жамият қолиши учундир. Ахир биз ҳам оталаримиз изидан бораёпмиз, келажак бизнинг изимиздан бормоғи муқаррар.

Хўжаликда янги тармоқлар — балиқчилик ва товۇқчиликка имкон ҳозирлаётган, боғдорчиликда ҳам янги технологияларни жорий қилиб лимон етиштириш учун иссиқхона қурилишини режалаштираётган 74 ёшли ҳожи отанинг меҳнатга чанқоқ, дала шамолларида тобланган чехрасига қараб меҳр ва шижоат, ёшларга хос қатъиятни туйдик. Зеро, бугунги кун талаби — гўзал Ўзбекистонимиз ривожига ҳисса қўшимоқ, бу тинч ва осуда ҳаётимизни қўлимиздан келганича тўкинликка, зиёга буркашдан иборатдир.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: фермер Абдулла ҳожи ота ва Қўштепа тумани Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими мутахассиси Ф.Жамолов.

ФАЙРАТЖОННИНГ ҒАЙРАТИ БАЛАНД

“Ғайратжон Орипов” фермер хўжалиги Бешариқ туманида-гина эмас, балки Фарғона вилоятида ҳам тилга тушган. Хўжалик раҳбари Ғайратжон Орипов деҳқон фарзанди, далада катта бўлган. У деҳқончиликнинг қаттиқ, лекин ниҳоятда тотли нони не меҳнатлар билан қўлга киритилишини яхши билади. 1985 йили Марғилон қурилиш техникумини тамомлаб, қурилиш корхонасида пайвандчи бўлиб иш бошлади. 1998 йил аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида “Соҳибжон Орипов” номли кўптармоқли корхонасини ташкил этиб, халқ хизматида бўлди.

2005 йилга келиб ерга бўлган иштиёқ уни яна ўзига тортди ва 42 гектар экин майдонида “Ғайратжон Орипов” фермер хўжалигини тузиб, фаолиятини бошлади. Ширкат хўжалиги давридаги хўжасизликлар туфайли майдонлар қаровсизликдан ҳолдан тойган эди. Ер эгасиз қолган, ёввойи ўт-ўланлар босиб, ернинг шўри кучайиб бораётганди. Ғайратжон ака белни маҳкам боғлаб, ниятига етиш учун куч ғайратини аямайдиган, келажакка ишонган 12 нафар деҳқонни ёнига олиб ишга киришди.

Ишни ўт-ўланлардан ерни тозалаш ва ариқ-зорворларни шай ҳолга келтиришдан бошлашди. Икки-уч мартаба ернинг шўрини ювиб, маҳаллий ўғит билан озиклантиришди. Омилкорлик билан астойдил қилинган меҳнат бесамар кетмади. Деҳқончиликнинг биринчи йилиёқ мўл ҳосил олиниб, пахта ва ғалла етиштириш шартномавий режаси ошириб уддаланди.

Йиллар ўтгани сайин ҳосилдорлик ҳам орта борди. Ўтган 2017 йилга келиб, хўжалик экин майдонлари 90 гектарга етди. Бу янада кўп меҳнат талаб қилгани боис ишчиларнинг сони ҳам 58 тагача кўпайди.

Ўтган йили 48 гектарга ғалланинг “Аср” навини экиб, ҳар гектар майдондан режадаги 28 центнер ўрнига 60 центнердан ҳосил кўтаришди. Натижа-

да хўжалик омборларига, ишчилар ва Оқ товуқ қишлоғининг кам таъминланган оилалари хонадонларига дон кирди, барака кирди. 39,7 гектар майдонга экилган пахта ҳосили ҳам мўл бўлиб, ҳар гектар майдондан режадаги 30 цент-



нер ўрнига 36 центнердан “оқ олтин” йиғиб-териб олинди.

– Жорий йилда ҳам 44 гектар ерга ғалланинг “Аср” навини экканмиз, – дейди Ғайратжон Орипов. – Ҳозирги кунда барча агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширдик. Майсанинг ривожидан кўнглимиз тўқ. Юртимизда фермер хўжалиklarини ривожлантириш учун барча барча имкониятлар яратилган. Бундан хўжаликлар раҳбарлари унумли ва оқилона фойдаланишса бўлди. Фақат пахта ва ғалла билан чекланиб қолиш вақти ўтди. Кўптармоқлиликни йўлга қўйдик. Хўжалиқда қўшимча тармоқларнинг ташкил этилиши халқимиз дастурхонининг тўкинлигига, қишлоқ ёшларининг доимий иш билан таъминланишига ҳамда хўжаликнинг иқтисодий

бақувват бўлишига хизмат қилади.

2009 йили 60 бош маҳаллий қорамол олиб, чорвачиликни йўлга қўйганмиз. Ўтган йиллар давомида имкониятларимдан фойдаланиб, 40 бош гольштин ва симментал насли қорамоллар харид қилдим.

Хуллас, хўжалигимизда йилдан-йилга қорамоллар зоти яхшиланиб келяпти. Ҳозирда 119 бош насли қорамолларни парваришляяпмиз. Улардан кунига 500–600 литр сут соғиб олиб, туманимиздаги мактабгача таълим муассасаларига арзонлаштирилган нархларда етказиб беряпмиз. 2

гектар майдонда интенсив боғ барпо қилганмиз. У ердаги “Гольден” ва “Флорида” навли олмалардан 2017 йил 40 тонна ҳосил олиб, маҳаллий бозорларда аҳолига арзон нархларда сотдик.

Деҳқончилик ва чорвачилик билангина чекланиб қолмасдан, сутни қайта ишлаш цехи қуриш ишларини бошламоқчимиз. Бунинг учун бизда жой ҳам, ишчи кучи ва мутахассислар ҳам етарли.

Ҳа, бутун жамоа касбга содиқлик, танлаган йўлидан собитқадамлик билан борса, меҳнат ўз самарасини бериши аниқ. Умид қиламизки, “Ғайратжон Орипов” фермер хўжалиги аъзолари бу вазифанинг урдасидан, албатта, чиқишади. Бунинг яна бир сабаби, бор. Ғайратжон Орипов Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида мувофиқ “Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни” арафасида “Дўстлик” орденига сазовор бўлди. Бу жамоа аъзоларининг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: Ғайратжон Орипов қорамоллар ҳолидан хабар олмоқда.

ГУРУМСАРОЙЛИК ИЛҒОР ФЕРМЕР

Гурумсарой қишлоғи томон йўл олдик. Бу қишлоқ аҳолисининг азалдан омилкор деҳқон ва тадбиркор инсонлар эканлиги маълум ва машҳур. Гурумсарой кулолчилик мактаби устозларининг маҳорат қўли ила ясалган маҳсулотлари бутун дунё музейларининг кўрки бўлса, қишлоқ нонвойларининг патирлари республикамиз аҳолиси учун сеvimли.

Бу қишлоқдан кўплаб қишлоқ хўжалик ходимлари етишиб чиққан бўлиб, уларнинг деҳқончиликда орттирган тажрибаларидан ҳозирги кун мулк эгалари бўлмиш фермерлар унумли фойдаланишмоқда. Устоз Хомиджон Жўраев ҳам мана шундай деҳқончилик сир-синаотларини пухта эгаллаган, тажрибали деҳқон эдилар. Умрининг йигитлик палласидан нафақага чиққунга қадар бригада бошлиғи бўлиб ишлади. Шу давр мобайнида кўплаб шогирдлар етиштирди.

– Отамнинг ортидан далаларни кезиб юрарканмиз, у киши бизга қараб: “Ер – она, онани алдаб бўладими? Шунингдек, ерни ҳам алдаб бўлмайди, ерни алдасанг, ўзингни алдаган бўласан” деган сўзлари ҳамон кулоқларим остидан кетмайди, дейди устознинг ўғли, “Хомиджон Даврон” фермер хўжалиғи раҳбари Дилшоджон Жўраев. 1989 йил Гурумсарой қишлоқ хўжалик билим юртини тамомлаб “Гурумсарой” ширкат хўжалиғига ҳисобчи бўлиб ишга кирдим. Бир неча йилдан сўнг бригада бошлиғи этиб тайинландим. Ўша пайтда қанчалар суюнган эдим, чунки бизнинг ҳудудда ҳамма ҳам бу лавозимга лойиқ кўрилавермасди-да. Кўпни кўрган деҳқонлар қилаётган ишингизга зимдан эътибор бериб боришарди. 2005 йил юртимизда фермерлик ҳаракати авж ола бошлагач, 27 гектар экин майдонида фермер хўжалигимизни ташкил қилдик.

Ер ўзингни бўлгандан сўнг унга меҳринг ҳам бўлакча бўларкан. Ўзинг емасанг ҳам унга илинар экансан. Раҳматли отамнинг насихатларига амал қилиб кам бўлмадим. Аввало қишлоқ хўжалик техникаларимни бутлашга киришдик. Орттирган соф даромадим ҳисобидан 50 млн сўмга Германиянинг “Лимкен” компаниясининг омочини сотиб олганимда одамлар “Шунинг ўрнига машина олсанг бўлмайди” деб кулишди. Мен “Машинани нима қиламан, ерга ўз вақтида ишловни бера олсам, бунақа машиналарнинг кўпини оламан” дедим. Айтганим ҳақ бўлиб чиқди, даромад ортидан даромад кела бошлади. Ортидан “ОРИОН-630” ҳайдов трактори, сўнг “КЛААС ДОМИНАТОР” ғалла ўриш комбайни харид қилдим. Шу орада машинали ҳам бўлдим. Устимдан кулганлар энди олдимга келиб экин майдонларига ишлов беришимизни сўраб илтимос қилишяпти.

Ҳозирги кунга келиб 67,7 гектар экин майдонида 46 нафар доимий ишчиларимиз билан меҳнат қиляпмиз. Ўтган 2017 йил 33,7 гектар экин майдонида ғалланинг “Таня” навини эқдик. Агротехника тадбирларини ўз вақтида самарали амалга оши-



ришимиз натижасида ҳар гектаридан давлатга сотиш режаси бўлган 40 центнер ўрнига 65 центнердан ҳосил кўтардик.

Пахта ҳосилдорлигимиз ҳам юзимизни ёруғ қилди. 34 гектарга экилган “Анджон-35” навидан шартномавий режада белгиланган 34 центнер ўрнига 37 центнердан “оқ олтин” териб олишга муваффақ бўлдик.

Жорий 2018 йил ҳосили учун ғалланинг “Таня” навидан 34 гектар экиб, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириб келяпмиз, мақсадимиз ҳар гектар майдондан 70 центнердан ҳосил кўтариш. Бунинг учун экин майдонларини керакли микродорда маҳаллий ўғит билан озиклантириб, чилла сувини бердик. Кўчатлар ривожланиши кўнгилдагидай. Ушбу ишларни амалга оширишда малакали механизаторларимиз Азамат Деҳқонов, Аширли Пирназаровлар ҳамда сувчиларимиз Шухратжон Отажонов, Кабиржон Латипов ва Хусанбой Хусановларнинг тажрибалари қўл келмоқда.

“Хомиджон Даврон”чиларнинг келгуси режалари бундан-да улкан. Давлатимизнинг фермер хўжалиklarини янада ривожлантириш юзасидан чиқарган қарорларидан фойдаланиб, 100 млн. сўм имтиёзли кредит олишди. Мақсад хўжаликда қўйчилик тармоғини ташкил қилиш. 10 бош харид қилинган гольштин насли бузоқларини парваришлаб, қорамоллар бош сонини кўпайтириш ҳамда дала шийпонидан 3 сотихлик иссиқхона ташкил этиш ҳам жорий йил учун режалаштирилган.

Деҳқон ўғли, “Шухрат” медали соҳиби Дилшоджон Жўраевнинг олдида қўйган асосий мақсади юртимизнинг фаровон, халқимиз дастурхонининг янада тўкин бўлишига ҳисса қўшиш. Зеро, эзгу ниятлар, албатта, ижобат бўлгусидир.

К. ЭРГАШЕВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: фермер Дилшоджон Жўраев (чапда) механизатор Азаматжон Деҳқонов билан.

АСАЛАРИЧИ АЁЛ ҲУЗУРИДА

Фарғонага сафаримиз чоғида “Дўстлик” ордени соҳибаси, 2017 йил 1–10 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган асал байрами ва асал маҳсулотлари Республика кўргазмасида “Энг яхши аёл асаларичи” эътирофига сазовор бўлган Мўтабархон Хабибуллаева билан суҳбатлашдик.

– Аввало, сизга юксак мукофот муборак бўлсин. Суҳбатимизни ўзингиз, қилаётган ишларингиз ҳақидаги мулоҳазалар билан бошласак.

– Мен қишлоқ аёлиман. Болалигим, ёшлигим Фарғона вилоятининг сўлим Олмазор қишлоғида ўтди. Ёшлигимдан асалари боқиш сирасорларини кўриб, ўрганиб ўдим. Отам Абдуманноб ҳожи Умурзоқов элга танилган асаларичи эди. Ёдимда, шамоллаб қолсак онам Ҳикматхон Умурзоқова бизни асал билан даволардилар. Қуш уясида кўрганини қилади, деганларидай, шулар боис асаларичилик менинг ҳам сеvimли касбимга айланди.

дийгина қишлоқ аёлига берилган эътибордан мамнунман. Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан юксак мукофотга сазовор бўдим. Президентимизнинг бу ишончини албатта оқлайман. Тўғриси, бу мукофот билан тақдирланишим ҳаётимда кутилмаган воқеа бўлди. Бундан ташқари, бу йил Ўзбекистон асаларичилар уюшмаси томонидан ўтказилган танловда “Энг яхши аёл асаларичи” номинациясида 1-ўринни олиб, телевизор ҳамда сертификатга эга бўлдим. Бу ютуқларимдан ҳаммадан кўп отам ва онам, иниларим, фарзандларим, яқинларим

кўрдим. Кўпнинг ишида кўп янгилик, деганлари рост экан, тадбирдан катта таассуротлар олиб, янги дўстлар орттирдим. Бу каби кўргазмалар доимий ўтказилиб турилса, асаларичилик соҳаси янада ривож топади, деб ўйлайман.

– Энг яхши аёл асаларичининг ҳаёти, оиласи ҳақидаги маълумотлар ҳам ўқувчиларимизни қизиқтиради.

– Раҳматли турмуш ўртоғим Ёқубжон Хабибуллаев вилоят қишлоқ хўжалиги соҳасида таниқли, жуда билимдон, меҳнатсевар инсон эдилар. Қанийди, ҳозир ёнимда бўлсалар, бугунги ишларим, муваффақиятларимни кўриб, қувонган бўлардилар. У кишини йўқотганимда жуда қийналдим. Аллоҳнинг иродаси экан, ундан ёдгор бўлиб 5 нафар фарзанд қолди. Болаларимга отасининг йўқлигини билдирмаслик учун қўлимдан келган барча ишларни қилдим. Яратганга шукур, бугун 13 нафар шириндан-шакар невараларнинг сеvimли бувижонисиман.

– Энди келгуси режаларингиз, имкониятларингиз хусусида ҳам гапириб ўтсангиз.

– Сизга айтсам, асаларичиликдан тадбиркорликка ўтмоқчиман. Бунинг учун, аввало, мавжуд 500 асалари оилалари сонини 1 000 тага

етказишим керак. Соф ва фойдали асал ҳамда асалари маҳсулотларини қайта ишлаб ва чиройли идишларда қадоқлаб, халқимиз дастурхонига етказиб бермоқчиман. Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Биз иш олиб бораётган “Шамсидинов” фермер хўжалиги асосан боғдорчилик билан шуғулланади. Боғлар яшнайверади, гуллайверади, асалариларимиз сони эса яна кўпаяверади. Тўғриси айтсам, ҳаётим асаларилар билан боғлиқ ва улар билан мароқли. Келгусида юртимизда шу соҳа ривожига озгина бўлса-да ҳисса қўша олсам, ўзимни яна ҳам бахтиёр ҳис этардим.

Суҳбатдош:

Ш.СОДИҚОВА.

Суратда: асаларичи Мўтабархон Хабибуллаева.



1980 йили туманимиздаги касб-ҳунар билим юртининг асаларичилик бўлимини тугатдим. Кейин Тошкент қишлоқ хўжалик институти (ҳозирги Тошкент давлат аграр университети)нинг Фарғона филиалида таҳсил олдим. Аммо болалар тарбияси билан бўлиб, уч йил ўқидим, холос. Бундан ҳеч нолмайман, чунки менинг сеvimли ота касбим бор-да. Меҳнат фаолиятимни 1976 йилда Фарғона наслчилик-асаларичилик давлат хўжалигида бошлаганман. Умрим бўйи асалари билан ошноман. Буюк ҳақим Абу Али ибн Сино асални минг бир дардга даво, деган эканлар. Бугун ҳам асалнинг шифобахш маҳсулот эканлиги кенг тарғиб қилинмоқда.

Тақдир мени жуда сийлади. Од-

хурсанд бўлишди.

– Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон асаларичилари кўргазмасида иштирок этганингиздан хабаримиз бор. Шу кўргазма ҳақидаги таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз?

– Ўтган йилнинг 1–10 декабрь кунлари бўлиб ўтган бу кўргазмага барча вилоятлардан таниқли ва тажрибали асаларичилар ташриф буюришди. Айни дамда асаларичиликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон асаларичилар уюшмаси ташкил этилди ва унга 14 мингдан зиёд тадбиркор аъзо бўлди. Уюшманинг ишлари билан танишиб, янги технологиялар, илғор тажрибаларни кўриб, ўрганиб хулосалар чиқардим, соҳамиздаги ютуқ ва муаммоларни ўзимча таҳлил қилиб

ЯРИМ АСРЛИК ИССИҚХОНА

Қўлимизда бир пайтлар Москвада чоп этилган “Сельская жизнь” газетасининг бундан роппа-роса ярим аср аввал – 1968 йил 12 мартда чоп этилган сони турибди. Унда Н.Шомансурова имзоси билан чоп этилган “Овощи – круглый год” номли хабар этиборимизни ўзига тортди. Бу хабарда тилга олинган иссиқхона Зангиота туманида жойлашган бўлиб, бугунги кунда ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларини плёнка остида етиштиришга ихтисослашган йирик хўжаликлардан саналади.

Республикамиздаги илк иссиқхонанинг биринчи қозиги қоқилганига ҳам мана ярим аср бўлибди. Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, шу жумладан қишлоқ хўжалик соҳасида улкан ўзгаришлар рўй берди. Бир пайтлар амалга ошириб бўлмайдиган бўлиб кўринган ишлар бугунги кунда оддий ҳолатга айланди. 50 йил олдин қиш мавсумида бозор ёки дўконда сотилаётган помидор ёки бодрингни кўриб қолсанг, ҳайратдан кўзингни уза олмас эдинг. Бугунги кунда юртимизнинг барча бозорларида супермаркетлару дўконларида ҳам турли кўкатлардан тортиб қулупнайгача йил давомида харид қилиш мумкин. Бу албатта мустақиллигимиз шарофати, илму-фанимиз ютуғи, заҳматкаш деҳқонларимизнинг машаққатли меҳнати самарасидир.

Бундан 50 йил аввал “1-сонли “Қўйлик” иссиқхона комбинати” номи билан иш бошлаган, айна пайтда “Қўйлик” агрофирмаси деб аталмиш хўжалик директори Меҳриддин Аҳмедовнинг таъкидлашича юртимизда илк бор иссиқхона хўжалигини юритиш, аҳолини кеч куз, киш ва эрта баҳорда сабзаёт экинларига бўлган талабини қондириш мақсадида, 1966 йилда унинг қурилиши бўйича Ўзбекистон Вазирлар Кенгашининг қарори чиққан бўлиб ер ажратилган ва иссиқхона 1967 йилнинг бошида “1-сонли “Қўйлик” иссиқхона комбинати” номи билан ўз фаолиятини бошлаган. Дастлаб иссиқхона фаолиятини тўлақонли ишлашини таъминлаш мақсадида автосарой, марказий қозонхона, маданий-маиший иншоотлар бунёд этилиши билан бирга 3,5 гектарда иссиқхо-

на қуриб фойдаланишга топширилди. Орадан бир неча йил ўтиб 3,1 гектар майдонда гидропоника усулида сабзаёт етиштиришга

Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуглаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш – асосий вазифамиздир.

Ш.Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президентини

мўлжаллаган, 5,5 гектар ер майдонда болгар технологиясига асосланган, 1980–1984 йилларга келиб голландия технологияси асосида аввал 5,0 гектарлик кейин 7,0 гектардан иборат иссиқхона қурилиб фойдаланишга топширилди. Шун-



дай қилиб, ўша вақтларда диёри-мизда жами 26 гектар ерда иссиқхона маҳсулотлари етиштирила бошлаган.

Иссиқхона эгаллаган ернинг умумий майдони ҳозир 58 гектарни ташкил этади. Қарангки, иссиқхона ташкил этилган илк йилларда унда 700 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилган бўлса, бугунги кунда қўл меҳнатидан имкон қадар кам фойдаланилаётгани натижасида ишчилар сони атиги 100 кишини ташкил этади. Келгусида янги технологиялар ўзлаштирилиши, четдан инвестициялар киритилиши режалаштирилаяпти.

Режага асосан 2018–2019 йилларда 12 гектар ердаги иссиқхонани қайта жорий таъмирлаб, замон талабига жавоб берадиган, энг сўнгги илғор технологияларни қўллаш эвазига ҳосилдорликни сезиларли даражада ошириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада оширишга ҳисса қўшиш кўзда тутилган...

Иссиқхонага сафаримиз поёнига етай деб турган пайтда эшикдан нуроний отахон кириб келди. Суҳбатдошимнинг таништиришича, бу киши унинг отаси Мирза ота Аҳмедов экин.

Отахоннинг сўзларига қараганда, комбинатга дастлаб Абдулҳақ Тоиров раҳбарлик қилган.

– У киши катта ҳурмат-этиборга сазовор инсон бўлиб, вазифасига ҳалоллик, поклик ва виждонан ёндашар эди, – дея эслайди у. – “Сен шуни сира эсдан чиқармагинки, бугун раҳбарлик қилаётган бу даргоҳга эртага бошқа бир одам келиб, раҳбарлик қилиши мумкин!”, деган шиор унинг қалбидан жой олган эди.

Иссиқхона 1967 йилдан фаолият кўрсата бошлади. Соҳа кўпчилик учун янги, лекин иштиқболли эди. Абдулҳақ ака астойдил ишга киришди. Тартиб-интизомни йўлга қўйишда аввало ўзи ўрناق кўрсатди. Ҳар бир талбирни ақл-идрок, қалб амри, кўпчиликнинг маслаҳати билан амалга ошира бошлади. Натижада иссиқхона ишлари тезда юришиб кетди.

Мирза отанинг ҳикоясини тинглар эканман, устидаги камзулининг бир томонини деразадан кирган енгил шабада кўтариб юборди. Шунда унинг кўкрагида “Шухрат” ва “Эл-юрт ҳурмати” орденлари ялтираб кўзимга кўринди. Отахоннинг ўзгаларни мақтаб, ўзи ҳақида бир оғиз ҳам сўз айтмаган бу камтарин инсонга нисбатан юрагимда меҳр ва ҳурмат жўш уриб кетди.

С.ПУСТАМОВ,
ўз мухбиримиз.

Чиноз туманининг асосий кўчаларидан бири бўлган Порлоқ кўчасидан машинада борар эканмиз, мен тоқатсизлик билан Олмазор қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи биносини излар эдим. Буни сезгандек, ҳамроҳим Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Чиноз туман кенгаши раиси Файзулла ака Тожиқулов: – Яна озгинадан кейин кўчанинг юзида коллеж биноси кўринади, – деди. Ҳақиқатан ҳам ярим-бир чақирим йўл босар-босмасимиздан коллежнинг биноси кўринди. Дарвозанинг олдида бизни коллеж директори Иброҳим Юсупов кутиб олди.

– Кабинетга киришдан аввал сизларни коллеж билан таништирсам, – деди.

Биз бажонидил рози бўлдик. Коллеж ҳовлиси бўйлаб борар эканмиз ҳаммаёқ озода, саранжом-саришталигига эътибор бердик. Мезбон бизларни коллеж ётоқхонаси, спорт мажмуаси, янги қурилатган мўъжазгина иссиқхона билан таништирар экан:

– Бундан ташқари турли тадбирлар ўтказишга мўлжалланган катта мажлислар залимиз ҳам бор, – дея бизларни бионинг ичкарасига таклиф қилди. Йўл-йўлакай Ахборот-ресурс маркази, тикув цехи, компьютер хонасига ҳам кириб ўтдик. Коллеж билан танишиб бўлиб директор кабинетига кирар эканмиз, мен:

– Коллежни рисоладагидек ушлаб туриш осон бўлмаса керак? – дея уни суҳбатга тортдим.

ҲАЁТДА ЯХШИ ИЗ ҚОЛДИРСАМ ДЕЙМАН,

– дейди Чиноз туманидаги Олмазор қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи директори Иброҳим Юсупов

И.Юсуповнинг таъкидлашича, касб-хунар коллежида бугунги кунда бухгалтерия, автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларига хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш, ветеринария, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси каби йўналишлар бўйича 1253 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Уларга жами 54 нафар ўқитувчи, шу жумладан 31 нафар ишлаб чиқариш таълими усталари касб-хунар сирларини ўргатиб келишмоқда.

Жадал ривожланаётган мамлакатимизда яратилган имкониятлардан самарали фойдаланилган ҳолда, халқимизга нафи тегадиган мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Педагогларнинг ўқув-машғулотларни замонавий технологиялар асосида ташкил этаётганликлари, давлат ўқув дастурларида белгиланган машғулотлардан ташқари, фанлар бўйича тўғарақлар ташкил этилгани ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини оширишга хизмат қилмоқда. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинлари, профилактика инспекторлари, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи туман кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилаётган турли маънавий-маърифий тадбирлар ҳам ўз самарасини бермоқда.

Умуман олганда, коллежда нафақат таълим бериш, балки тарбиявий ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Коллеж ўзининг тажриба-синов участкасига эга бўлиб, унинг умумий майдони 18 гектарни ташкил этади. Ушбу майдонда турли қишлоқ хўжалик экинлари етиштирилади. Тажриба синов-участкасининг мавжудлиги коллеждаги машғулотларни амалий ишлар билан бирга олиб бориш учун катта имкониятдир. Жумладан, тажриба-синов участкасида ер ҳайдаш ва бошқа шу каби амалий машғулотлар ўтказилмоқда. Бу эса коллеж битирувчиларида деҳқончилик сир-асрорларини пухта эгаллашларига хизмат қилмоқда.

Коллеж томонидан Тошкент давлат аграр университети ва бошқа олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик шартномалари тузилган. Талабалар билан доимий равишда ўқув-амалий семинарлар, илмий конференциялар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Бундан ташқари, олий таълим муассасалари коллежнинг Ахборот-ресурс марказида етишмайдиган адабиётлар ва дарсликларнинг мультимедиа ишланмалари билан таъминлаб келмоқда. Шунингдек, ёшларни билимга ва соҳага қизиқишларини янада ошириш мақсадида олий таълим муассасаларига саёҳатлар ҳам уюштириб келинмоқда.

Ўқувчилар ўртасида ташкил этиладиган касб маҳорати кўрик-танловларида иқтидорли талабалар юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Бугунги кунда коллеж битирувчиларининг кўпчилиги нафақат мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари, балки бошқа, жум-

ладан Қозоғистон Республикаси, Россия Федерацияси, Хитой каби хорижий давлатлардаги олий таълим муассасаларига ўқишга кирмоқдалар.

Битирувчиларининг аксарияти тўрт томонлама тузиладиган шартномалар асосида ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштирилмоқда. Уларни иш билан таъминлаш борасида туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан мунтазам алоқа ўрнатилган.

Таълим муассасасининг Ахборот-ресурс маркази (АРМ)да барча фанлар ҳамда бадиий ва сиёсий адабиётларнинг электрон шакллари мавжуд. Компьютерлар Ziyu Net тармоғига уланганлиги сабабли АРМ ходимлари ишларни АРМАТ дастурида бажарадилар. Бу таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Компьютерларнинг интернет тармоғига уланганлиги ўқувчиларимизнинг ўз устида ишлашларига ёрдам бермоқда. АРМ кутубхонасида 26 мингдан ортиқ дарслик ва бошқа турдаги адабиётлар сақланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, коллеж моддий-техника базасининг мустаҳкамлиги, ўқув-тарбия ишларига жиддий эътибор берилаётганлиги бу ерда таҳсил олаётган ўқувчи-ёшларнинг ўзлари танлаган касбнинг сир-асрорларини пухта эгаллашлари, маънан баркамол ва жисмонан соғлом йигит-қизлар бўлиб вояга етишишларида муҳим омил бўлмоқда.

Маҳмуд ТОИРОВ

ТОМОРҚА – БАРАКА МАНБАИ

Президентимизнинг 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини жорий этиш бўйича босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилганлиги қайд этилиб, шу билан бирга, фермер, деҳқон хўжаликлари, хусусан, томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда ҳамда ер майдонларидан самарали фойдаланишда қатор муаммо ва камчиликлар кузатирилганлиги санаб ўтилган.

Аҳоли ихтиёридаги 480 минг гектардан ортиқ томорқа экин майдонларидан фойдаланиш самардорлиги паст даражада қолмоқда. Бинобарин, аҳолимиз шахсий томорқаларида эртаги, ўртаги ва тўқсонбости усулида ҳосил олишга эришса, қарийб 6,5 млн. тонна ҳосил пайдо бўлгани ҳолда 7 трлн. сўм қўшимча даромад олинади. Шу мақсадда туманлар ва қишлоқларда шахсий томорқаларни хатловдан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда. Маълумотларга кўра, 2017 йилда томорқаларда 2 млн. 700 минг тоннага яқин қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилган.

Юртбошимиз ўтган йилнинг баҳорида Навоий вилоятида бўлиб, Қизилтепа туманининг Малиқобод маҳалласида аҳолининг томорқалардан фойдаланиши билан танишганда “Одамларнинг қувончи, эртасига ишончи оиласидаги ҳаёт тарзи, турмуш даражасига боғлиқ. Бизга шу ҳам бўлаверади, деган қараш билан яшаш вақти аллақачон ўтди. Уйда даромад топган, фарзандларини ҳам шу руҳда ўстирган оила ўзининг фаровонлигига замин яратади. Давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотлардан мақсад одамларга елкадош бўлиш, фарзандларининг бахти-камолини кўриши учун барча имкониятларни яратишдир” – деган эдилар.



Асалчилик сирлари соҳиби Зиёдулла Азизов

– Президентимиз халқимиз билан мулоқот ўтказётган пайтда осмонда бир гала турналар пайдо бўлиб, овоз чиқариб айланиб турганлиги ҳайратомуз мўъжиза бўлди, – дейди фахр билан илғор фермер Раъно опа Валиева. – Бу яратганнинг инояти, бу барака, Юртбошимизнинг қутлуг қадами ифодаси.

– Президентимиз раҳбарининг маҳалламизга ташрифлари ишимизда кескин бурилиш ясади, томорқадан фойдаланиш самардорлиги ошди, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зиёдулла Азизов. – Маҳалладаги 445 та хонадонда 2201 нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. Аҳолининг экин экадиган томорқа майдони 49,47 гектар. Маҳалламизда 2017 йил 235 дона лимон, 152 туп унаби ва 724 туп ёнғоқ кўчати ўтқазилди, 70 та хонадонда иссиқхона ташкил этилди.

Маҳаллада томорқадан фойдаланишни кузатиш жараёнида бир кўчада чиройли шакл берилган дарахтлар экилган хонадонга дуч келдик.

Хонадонга кираверишда дарвозахонанинг икки томонидаги тувакларда хона гуллари яшнаб турибди. Ҳовлида мевали дарахтлар ва токнинг энг сара навлари экилган. 1,5 сотихли иссиқхона, товуқхона, молхона ҳам ихчам жойлашган. Супада эса 40 қути асалари уяси турибди. Маълум бўлишича, бу файзли, баракали хонадон соҳиби – ҳамроҳим, маҳалла раиси Зиёдулла ака экан.

– Берилган имконият ва имтиёзлар ҳисобига келгуси йилда етти хазинанинг бири бўлган асаларичиликни янада ривожлантириш баробарда асалари уялари сонини икки бараварига ошираман, – дейди томорқачи раис.



Иссиқхона билимдони Зумрадхон Жўраева.

Маҳалладаги яна бир хонадон эгаси Иззатилла акага соҳибкорлик отаси Аҳмад бободан мерос. 8 сотих томорқада ҳавас қилса арзигулик камёб навлардан мевали боғ ташкил қилинган. Эътиборли томони шундаки, меваларга дарахт устига чиқмасдан туриб терса бўладиган қилиб шакл берилган.

– Бунда меванинг сифати яхшиланиб, вазни бирхиллашади, зараркунандаларга қарши биологик кураш самардорлиги ортади, мевалар исроф қилинмасдан териб олинади, – дейди уста боғбон. – Анча вақтлардан бери 100 туп анордон юқори ҳосил олишга эришяпмиз. Ўтган йилда томорқамиздан 47 млн. сўм даромад қилдик. Ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Демакки, бу фойда биз учун юқори чегара эмас.

Ҳовли олдида ўтган катта ариқ устидан воиш ўтказилиб, унга 50 туп ток жойлаштирилган. Хуллас ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланилган.

Зумрад опа Жўраева хонадони томорқаси 15 сотихни ташкил этади. Ҳовлига қарашли кўча бўйи ва ҳовлида мева ҳамда токнинг 150 туп энг бозорбоп навлари парвариш қилинмоқда. 4 сотихли иссиқхонадаги помидор ҳосил бера бошлаган.



Уста соҳибкор-томорқачи Иззатилла Аҳмадов.

– Томорқадан самарали фойдаланиш рўзгорга барака келтиради. Ўтган йилги даромадимиз 60 млн. сўмдан ошди. Эндиликда асаларичиликни ҳам йўлга қўйиш ниятидамиз, – дейди Зумрад опа.

Юрт раҳбари ташрифи чоғида осмонда турналар учган маҳалланинг гуллаб яшнашига ишонамиз.

М.ФАЙЗУЛЛА,
ўз мухбиримиз.

ПАСТЕРНАК

Овқатга пастернакнинг янги ковланган, қуритилган ёки бир оз ёгда қовуриб олинган илдизмеvasи ишлатилади. Пастернак илдизи овқат ва қандолат маҳсулотлари тайёрлашда кўп қўлланилади. У зиравор сифатида сабзавотлардан тайёрланган салатларга ва турли суюқ овқатларга солинади. Пастернакдан тайёрланган пюре парҳез таом сифатида тавсия қилинган.

Пастернак илдизи таркибида кислоталар, эфир мойи, крахмал, қандлар, витамин С, В₁, В₂, РР, биотин, каротин, кўп микдорда калий тузи, пектин, оқсил ва бошқа моддалар бор.

меvasи нисбатан йирик, думалоқ-чўзиқ ёки чўзиқ конуссимон, ранги сариқ-оқ. Барги кесикли бўлинган тоқ патсимон. Уруғи эрта баҳорда 25 февраль–5 мартда очик ерга экилади. Ўсув даври ниҳоллар пайдо бўлгандан илдизмевалари етилгунча 100–125 кун давом этади. Барг бўлакчалари тухумсимон ёки чўзиқ тухумсимон, тишсимон қиррали ёки бўлакли. Сариқ рангли, 5 бўлакли гуллари поя ва шохлари учидаги мураккаб соябон гултўпламига жойлашган. Меvasи – қўшалок донча.

Иккинчи йили юқори қисмидан шохлайдиган, бўйи 1,0–1,3 м. га етадиган узун гул новдалар ҳосил қилади. Тўп гули мураккаб соябон. Гули майда, сариқ, икки жинсли бўлиб, четдан ҳашарот-

та ўсимликлари -8° С гача бўлган совуққа чидайди. Пастернак РН 6–7 нейтрал реакция бўлган унумдор тупроқларда юқори ҳосил беради. Сизот суви яқин бўлган ерларда ўсиши қийинлашади.

Ҳозирги кунда пастернакнинг Давлат реестрига киритилган нави йўқ. Лекин сабзавотчиликка оид бўлган китобларда унинг иккита нави қайд қилинган. Бу эртапишар (100–110 кун) эртаги “Думалоқ” нав ва ўртача (120–125 кун) кечпишар “Студент” нави. Бу навлар серҳосил, меvasи яхши сақланади. Ушбу навлар Россияда ҳам етиштирилади.

Пастернакни парваришlash технологияси сабзаникига ўхшаш. Уруғи одатда 2–2,5 см, энгил кумлоқ тупроқларда –3,5



Меvasи биологик фаол моддаларга бой ҳамда ёғ ва бошқа бирикмаларни сақлайди.

Халқ табобатида пастернак илдизининг қайнатмаси, барги ва меvasи истиско, буйрак-тош касалликларида сийдик ҳайдовчи, бронхит ва йўталда балғам кўчирувчи, иштаҳа очувчи, овқат ҳазм бўлишини яхшиловчи восита сифатида қўлланилган. Пастернакдан тайёрландиган бераксан препарати тери оқариши (ветилига) ва сочларнинг тўкилиши билан боғлиқ бўлган касалликни даволашда ишлатилади.

Пастернак соябонгулдошлар оиласига мансуб бўлган икки йиллик ўт ўсимлик. Ҳаётининг биринчи йили унда тупбарглр ва илдизмева шаклланади. Илдиз-

лар ёрдамида чангланади. Уруғи ясси-овал шаклда узунасига 5–8 мм, эни 4–6 ва қалинлиги 0,5–0,6 м, чети қанотсимон, қиррали, 1000 донга уруғининг оғирлиги 2,5–4,7 г. Унувчанлиги 70% бўлиб, 3–4 йилгача сақланади. Июнь-июль ойларда гуллайди, меvasи июль-августда пишиб етилади.

Уруғи униб чиқиши учун мақбул ҳарорат 20–22°С, лекин 2–3°С ҳарорат ҳам унга етарлидир. Уруғи секин, экилгандан 2 ҳафтадан кейин униб чиқади. Ўсимлик униб ривожланиши учун 18–20°С ҳарорат энг қулай ҳисобланади. Сельдерейсимон илдизмевалар оиласига кирувчи барча экинларга нисбатан пастернак энг совуққа чидамли ҳисобланади. Ниҳоллари -5–3° С ҳароратга, кат-

см. чуқурликка экилади. Уруғни экиш меъёри 10 м² ерга 5–6 г. бўлади. Сабзаникига нисбатан пастернак барглари йирик бўлганли сабабли 1 м² ерда ўсимликлар сони 40–50 донадан ошиши мумкин эмас. Яғана қилинганда ўсимликлар ораси 5–6 см қолдирилади. Шунда 1 м² дан 16–20 та илдизмева чиқиши таъминланади.

Пастернакнинг ҳосили бошқа илдизмевали сабзавотлардан кейин йиғиштирилади, аммо совуқ тушишига йўл қўйилмайди. Ўртача ҳосилдорлиги 1 м² ердан 1–1,5 кг ҳамда унумдор тупроқларда, юқори парваришlash технологиялари қўлланилганда 1 м² дан 3–3,5 кг ҳосил олинади.

Б.АЗИМОВ,
профессор.

ОРГАНИК ДЕҲҚОНЧИЛИК БИЗГА КЕРАК...МИ?

Кейинги пайтларда “органик деҳқончилик” атамаси қулоғимизга тез-тез чалинмоқда. Хўш, бу атаманинг асл мазмуни нимадан иборат?

Маълумки, органик қишлоқ хўжалиги — қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда атроф-муҳитга зарар келтирадиган кимёвий воситалардан фойдаланмасдан экологик соф маҳсулот ишлаб чиқариш тизими ҳисобланади. Айни вақтда ривожланган мамлакатларда импорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларига органик тизимларга мувофиқ сертификатлар талаб этилмоқда. Бу эса юртимизда органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, унинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланган қишлоқ хўжалик экинларининг турли касалликлари ва зараркундаларига қарши курашишнинг биологик усулларини ривожлантиришни талаб этмоқда.

Аслида органик қишлоқ хўжалиги ўзбек деҳқони учун янгилик эмас. Ота-боболаримиз агрокимёвий воситалар пайдо бўлишигача органик деҳқончилик билан кенг шуғулланганлар. Бунда улар қишлоқ хўжалик экинларидан кўзланган ҳосилни етиштиришларида маҳаллий гўнг, кул, эски девор кесаклари ва бошқа табиий чиқиндилардан кенг фойдаланганлар. Шунингдек, экинларни алмашлаб экишни қанда қилмаганлар, албатта.

Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда Ҳиндистон, Покистон, Хитой, Афғонистон каби мамлакатларда сидерат экинлардан ўғит сифатида фойдаланилиб, маъданли моддаларни қўлламадан деҳқончилик қилинадиган ерлар кўп. Қозоғистон Республикаси лалми ерларининг кўпчилиги қисмида экинлар, айниқса, буғдойга маъданли ўғитлар берилмайди.

Маълумки, ўсимлик уруғи тупроққа қадалгач, даставвал уруғдаги захирадан фойдаланиб униб чиқади. Илдиз уруғидан ажралиб чиқиши биланоқ тупроқдаги фосфорни ўзлаштириши аниқланган. Кейинчалик ўсимликнинг ўсиб-ривожланиши натижасида тупроқнинг ости ва устида кўк массалар ҳосил бўлади. Ўсимлик танасидаги устица (оғизчалар) нафас олиш ва ниҳоятда керак бўлган ҳодиса - фотосинтез жараёни рўй бериб, карбонат ангидридга қуёш нури ва иссиқлик таъсирида оддий қанд ҳосил бўлади.

Ўсимлик танасида ҳосил бўлган қанд унинг органик танасидаги суюқлик концентрациясини оширади ва осматик босим билан тупроқдаги сув ва унинг таркибида эриган макро- ва микроэлементларни ўсимлик органларининг юқорисига кўтарди. Бу аралашмадан ҳосил бўлган қанд билан бирикиб, биокимёвий жараёнлар натижасида эритмалар, улардан ауксин, ўсимликни ўстирувчи кислоталар, витаминлар, аминокислоталар, пептидлар, полипептидлар, оқсиллар ва бошқа моддалар ҳосил бўлади.

Шу ўринда яна бир ҳолатга тўхталмоқчи эдикки, наботот ва ҳайвонот дунёси бой бўлган ерларнинг унумдорлиги ҳам, микробиологик жараёнларнинг ривожини ҳам яхши кечганлиги учун бу тупроқларнинг унумдорлиги яхши бўлади.

Бу албатта об-ҳавога ҳам боғлиқ бўлиб, саҳро ҳудудида йиллик ёғин миқдори 80–100 мм. дан ошмайди. Шунинг учун бу ҳудуднинг ҳам наботот, ҳам ҳайвонот дунёси вертикал минтақага нисбатан камбағал бўлиб, табиий унумдорлиги паст бўлади.

Биринчи вертикал ҳудуд оч тусли бўз тупроқлардан бошланиб, бу ҳудудда йиллик ёғин миқдори ўртача 150–180 мм атрофида бўлиши мумкин. Ундан иккин-

чи вертикал ҳудуд - типик бўз ва юқорироқда тўқ тусли бўз тупроқлар ҳосил бўлиб, ёғин миқдори 250–350 мм. дан 400–450 мм. гача етади. Ёғиннинг кўп бўлиши эса наботот ва ҳайвонот дунёсининг кўпайишига олиб келади.

Бу жараёнлар ҳақида тўхталишимиздан мақсад шуки, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси вакиллари ортиши тупроқдаги гумуснинг ошиб боришига, тупроқнинг агрокимёвий, агрофизикавий, микробиологик ҳолатлари жадал кечиби, мақбуллашишини таъминлайди.

АҚШ олими Эдвард Фолкнер ўзининг “Шудгорчининг ақлсизлиги” (“Безумие пахаря” (1942 й.) номли монографиясида ёзишича, унумсиз ерда ўсган ўсимлик органик танасида ҳамма керакли моддалар бўлмай, уни истеъмол қилган паррандалар, чорванинг гўшти, гўнги ҳам унчалик сифатли бўлмай, бу ҳолатда ўша ерларда етиштирилган сабзавот, полиз, қовун-тарвуз, бошоқли ва дуккакли дон маҳсулотлари ҳам сифатсиз бўлар экан.

Ҳаттоки, бозорга харид учун борган харидор бу



маҳсулот қаерда етиштирилганини суриштириб, кейин маҳсулотни сотиб олар экан.

Республикамизнинг деҳқончилик қилинадиган асосий ерларида гумус миқдори жуда кам. Бундай шароитда, бизнинг фикримизча, органик деҳқончиликни Ўзбекистон шароитида кенг қўллашнинг имконияти жуда паст. Гумус кам, органик ўғитлар етишмайди. Фақат экинларни алмашлаб экиш, айниқса, беда экинни кўпайтириб, сидерат экинларни кўпроқ экиб, хазон, шох-шаббаларни тўплаб, эски коллектор-зо-вурлар атрофидаги тупроқлар, шаҳар чиқиндиларидан фойдаланиб био-гумус, гумафос, аммонийлашган кўмир (барибир оз бўлса-да азот керак), гўзапоя, бегона ўтларни майдалаб, органик ўғит сифатида қўллабгина республикамизда деҳқончилик қилинадиган ерларнинг 2–3 фоизидagina органик деҳқончиликни жорий қилиш мумкин.

Бутун дунёда бўлганидек республикамизда ҳам аҳоли сони муттасил кўпайиб бормоқда. Бундан кейин ҳам аҳоли сони тез ошиб бораверди. Шунинг учун деҳқончиликда агрокимёвий воситаларни кенг қўллабгина халқни озиқ-овқат, sanoатни хомашё билан етарлича таъминлаш мумкин.

Қ.МИРЗАЖОНОВ,
академик,

Р.РАХМОНОВ,
илмий ходим.

ҒАЛЛАЧИЛИКДА ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР САМАРАСИ

Республикаимиз мустақилликка эришгунга қадар фақат лалми ерлар учун буғдойнинг янги навларини яратиш бўйича селекция ишлари олиб борилар эди. Бунинг оқибатида истиқлолнинг дастлабки йилларида суғориладиган ерлар учун мос буғдой навларини асосан чет давлатлардан олиб келишга мажбур бўлинди.

Суғориладиган майдонларда кузги ғалла майдонларининг ортиши буғдойда учрайдиган касаллик ва зараркундаларнинг кўпайишига олиб келди. Оқибатда 1999 йилдан бошлаб суғориладиган майдонларда буғдойнинг занг касалликлари ва зараркундалари кенг ривожланиб, дон ҳосилдорлигига таъсир кўрсата бошлади.

Бунинг олдини олиш мақсадида Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан 2007 йилда буғдойнинг намуна, линия ва навлари экилган майдонларда сариқ ва қўнғир занг касаллигини сунъий равишда кўпайтирадиган махсус тажриба майдони ташкил этилди ва занг касалликларига чидамли нав яратиш бўйича тўлиқ тизимли селекция ишлари бошлаб юборилди.

Мамлакатимиз ҳудудлари тупроқ-иқлим шароитининг турлича эканлиги ҳисобга олиниб, 2008 йилдан буғдойнинг иссиқлик, қурғоқчилик, совуқ, шўр ва турли касалликларга чидамли навларини яратиш бўйича селекция ишлари Ўсимликшунослик, Қорақалпоғистон деҳқончилик, Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Қашқадарё ва Ғаллаорол филиалларида ягона “Мега” лойиҳа асосида олиб борилмоқда.

Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти нинг сунъий касаллантириш майдонида занг касалликларига чидамли нав, намуна ва линиялар танлаб олиниб, айнан шу линияларни иссиқлик ва қурғоқчиликка чидамлилиги Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Қашқадарё филиалида, лалми ерларда синов ишлари Ғаллаорол филиалида ва совуқ ва шўрға чидамлилиги Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институтида амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, ҳақиқатан ҳам тўртта илмий ташкилотнинг биргалликда, ягона “Мега” лойиҳа асосида изланишлар олиб бораётганлиги ўз самарасини бермоқда. Келгусида бу ҳамкорлик янада кучайтирилади.

2008—2017 йиллар давомида буғдойнинг 50 мингдан ортиқ намуна ва линиялари синовдан ўтказилиб, улар асосида юмшоқ буғдойнинг 24 та нави яра-

тилиб Давлат нав синаш комиссиясига топширилди ва бу навлардан 10 таси районлаштирилди. Кувонарлиси шундаки, районлашган “Хисорак”, “Бунёдкор”, “Ғозгон”, “Истиқлол-20” ва “Семурғ” навлари занг касалликларига чидамли бўлиб, таркибида сариқ занг касаллигига чидамли Yr5, Yr10 ва Yr15 генлари ҳамда қўнғир занг касаллигига чидамли Lr19, Lr20 ва Lr10+Lr27+Lr31 ген ва ген комбинациялари билан ҳимояланган ва бу эса камида 5—6 йил давомида бу навлардан фунгицид сепмасдан ҳосил олиш имкониятини беради. Биргина фунгицид қўлламаслик ҳисобига фермер хўжалиги ҳар гектар майдон 120—150 минг сўм ортиқча харажат қилишининг олди олинади.

Албатта, селекцияда бундай натижаларга эришишнинг ўзи бўлмайди.



Бунинг учун кўпгина илмий изланишлар халқаро илмий марказлар (ИКАРДА, СИММИТ) ва Австралиянинг Сидней, Германиянинг Бонн ва Американинг Канзас университетлари ҳамда Бутунроссия ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Халқаро марказлар ва университетлар билан ҳамкорликда амалий селекция билан биргалликда ғаллачилик фанининг назарий, жумладан, сариқ ва қўнғир занг касалликларининг эпидемиологияси, популяциялар вирулентлик таркиби ва патогенлик хусусиятлари, занг касалликларига чидамли генларни идентификация ва характеристикациялаш асосида янги навлар яратиш, изоген ва дифференциатор нав ва тизмаларни ўрганиш асосида генларнинг касалланиш динамикасини кузатиш ҳамда биотехнологиянинг маркерларга асосланган селекциясини қўллаш асосида селекция жараёнида нав яратиш муддатларини қисқартириш борасида чуқур фундаментал илмий изланишлар олиб борилмоқда.

ИКАРДА ва СИММИТ халқаро марказлари билан ҳамкорликда 8 нафар ёш мутахассислар чет эл университетларида узоқ ва ўрта муддатли малака ошириш курсларида бўлиб қайтишди.

Ушбу ўтказилган илмий изланиш-

лар асосида 2016—2017 йилларда 2 нафар фан доктори ва 4 нафар фалсафа докторлари тайёрланди. 2018 йилда яна 2 нафар фан доктори 15 нафар фалсафа докторлари диссертацияларини ҳимоя қилишади.

Фермер хўжаликлари билан интеграцияни янада кучайтириш мақсадида республикаимизда биринчи марта буғдойнинг рақобат ва ишлаб чиқариш нав синовлари ва бошланғич уруғчилик ишлари Қўрғонтепа туманидаги “Оқ-сув” илмий экспериментал фермер хўжалиги ва Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти ўртасида тузилган 2015—2020 йилга мўлжалланган илмий ҳамкорлик шартномасига асосан йўлга қўйилди.

Илмий тадқиқот ишларини олиб бориш натижасида занг касалликларга чидамли, юқори ҳосилли буғдой навлари яратилиб 2018 йилда буғдойнинг 1 та ва 2020 йилда яна 1 та янги нави Давлат нав синаш комиссиясига топширилади ва ушбу навларнинг бошланғич уруғчилик тизими йўлга қўйилади.

Бундан ташқари, Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида СИММИТ халқаро маркази ва АҚШнинг Канзас университети билан ҳамкорликда юмшоқ буғдойнинг кўп йиллик навларини яратиш бўйича ишлар олиб борилиб, 2017 йилда яратилган янги буғдой навларнинг синови бошланди. Кўп йиллик буғдой навлари 5—6 йил давомида узлуксиз ҳосил бериб, яна бир аҳамиятли жиҳати кўп йиллик буғдой илдизи массаси бир йиллик буғдойга нисбатан 45—60 мартага кўп бўлиб, деградацияга учраган тупроқлар структурасини яхшилаш, дон учун ўрилгандан сўнг кузгача қайта ўсиш ҳисобида 2—3 марта кўк массага ўриб олиш ёки яйлов сифатида фойдаланиш, тоғолди ҳамда тупроғи деградацияга учраган сувли ерларда чорва моллари учун яйлов сифатида қўллаш имконини беради. Шу билан биргалликда дон учун ҳам ишлатиш мумкин. Лекин ҳозирги пайтда дон ҳосилдорлиги паст бўлганлиги учун, шу йўналишдаги селекция ишлари давом эттирилмоқда.

Келгусида бу тизимдаги ишлар кўлами кенгайтирилиб, янада ҳамжиҳатликда ишлаш катта натижалар беради.

С.АЛИҚУЛОВ,

Ўсимликшунослик ИТИ,

Е.САДЫКОВ,

Қорақалпоғистон деҳқончилик ИТИ,

О.АМАНОВ,

Дон ва дуккакли экинлар ИТИ

Қашқадарё филиали,

Р.СИДДИҚОВ,

Дон ва дуккакли экинлар ИТИ

Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси.

ЁЎЗАНИНГ ЯРИМ ЁВВОЙИ *G.HIRSUTUM L.SSP. PUNCTATUM* НАМУНАЛАРИНИНГ УНИБ ЧИҚИШ ҚУВВАТИ ВА УНУВЧАНЛИГИ

*In articles the review for achievements results on germination and energy of germination of seeds of ruderal forms of upland cotton *G.hirsutum L. ssp.punctatum* is stated.*

Ҳар бир экин уруғлари унувчанлиги экишга яроқчилигини белгилайдиган энг муҳим хусусиятларидан биридир. Уруғларнинг унувчанлиги ўсув даврининг бориши ҳосилдорлик кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўратади. Ёўза селекцияси ва уруғчилигида чигитнинг униб чиқиш қуввати ва унувчанлигини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чатиштириш ишларига ёввойи ҳамда яримёввойи намуналар жалб қилинганда, уларнинг чигитидаги тошсимон қобиғининг авлодларда намоён бўлмаслиги ижобий натижа беради. Ёввойи ҳамда яримёввойи намуналарда ушбу белги миллионлаб йиллар давомида, табиий танланиш натижасида ҳозирги кундаги маданийлаштирилган шаклларда бу белги рецессив ҳолда сақланиб қолган. Лекин турлараро дурагайлардаги ажралиш жараёнида ана шундай тошқобиқли

индивидлар пайдо бўлади. Бу эса, ўз навбатида, чатиштиришга жалб этилган ашёларнинг геномида ушбу белгининг яшириниб ётганидан даллат беради [1].

Ёввойи тур ва рудераль шакллар иштирокида олинган дурагайларнинг геномида унувчанлик белгисининг қай тарзда шаклланишини бир қатор олимлар ўрганиб ўз изланишларида баён қилишган [2, 3].

Тажрибаларимизда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти қошидаги ёўзанинг жаҳон коллекциясида мавжуд бўлган, *G.hirsutum L.* турининг Мексикадан келтирилган 08848, 08933, 09136, 09223, 09225, 09235, 09240, 09249, 09250, 09269, 09271, 010796, 02672, 010316, 012254, 011718, 012265, 010131, 05934 каталог рақамли *ssp.punctatum* намуналари ва бир

қатор навларнинг лаборатория шароитида униб чиқиш қуввати (3-кун) ва унувчанлиги (5-кун) ўрганилди.

Изланишларимиз давомида униб чиқиш қуввати ва унувчанлиги бўйича ўрганилган ота-она намуналарининг кўрсаткичлари жадвалда келтирилиб ўтилган. Жумладан, 09249 (Мексика), 09136 (Бразилия), 09235 (Мексика), 010796 (Мексика), 02672 (Мексика) каталог рақамли яримёввойи намуналаримизнинг униб чиқиш қуввати ва унувчанлиги бўйича мос равишда 74,2, 84,6, 78,4, 76,4, 77,5 фоизга тенг бўлиб, бу яримёввойилик хусусиятига эга бўлган намуналар учун ижобий натижа ҳисобланади. Униб чиқиш қуввати ва унувчанлиги бўйича паст натижалар 08848 (Австралия) ва 09269 (Мексика) каталог рақамли намуналарда кузатилиб, кўрсаткич 67,9 ва 63,2 фоизга тенг бўлди. Тадқиқотларимизда иштирок этган навларнинг униб чиқиш ва унувчанлик бўйича кўрсаткичлари яримёввойи *punctatum* намуналарига нисбатан юқори бўлди. Энг юқори кўрсаткич 05934 каталог рақамли намунада кузатилиб, кўрсаткич 96,4 фоизга тенг бўлди. Энг паст кўрсаткич 84,7 фоизга тенг бўлиб, 010316 каталог рақамли намунада кузатилди.

Хулоса ўрнида шунни айтиб ўтишимиз керакки, яримёввойи *punctatum* намуналарининг унувчанлиги навларга нисбатан паст бўлиб, бу уларнинг фотопериодик хусусиятга эгаллиги ва кеч пишишидан далолат беради. Юқоридаги намуналарни иссиқхона шароитида парваришланиб ўрганиш ишлари давом эттирилмоқда.

Х.САЙДАЛИЕВ, М.ХАЛИКОВА, Т.СЕЙТНАЗАРОВА,

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари ИТИ

Намуналарнинг лаборатория шароитида униб чиқиш қуввати ва унувчанлиги

Т/р	Каталог рақами	Келиб чиқиши	Униб чиқиш қуввати, % M±m	Унувчанлиги, % M±m
1.	08848	Австралия	14,0±0,35	67,9±1,4
2.	08933	Мексика	17,0±0,10	74,1±1,1
3.	09136	Бразилия	20,0±0,36	84,6±0,9
4.	09223	Мексика	10,0±0,27	70,0±2,1
5.	09225	Мексика	16,5±0,33	69,4±1,1
6.	09235	Мексика	21,3±0,11	78,4±1,6
7.	09240	Мексика	15,4±0,20	68,4±1,3
8.	09249	Мексика	23,4±0,70	74,2±0,9
9.	09250	Мексика	18,8±0,11	69,1±0,86
10.	09269	Мексика	14,3±0,80	63,2±1,0
11.	09271	Мексика	17,6±0,33	67,4±1,1
12.	010796	Мексика	20,0±0,11	76,4±0,8
13.	02672	Мексика	20,0±0,13	77,5±1,0
14.	010316 (Омал)	Ўзбекистон	44,7±0,90	84,7±1,1
15.	012254 (С-8284)	Ўзбекистон	50,0±1,10	91,2±0,4
16.	011718 (Paymaster 404)	АҚШ	46,3±0,90	87,3±0,9
17.	012265 (С-01)	Ўзбекистон	45,7±1,30	88,7±1,0
18.	010131 (№ 937)	Мексика	51,4±0,93	94,5±1,3
19.	05934 (С-1895)	Ўзбекистон	51,1±0,80	96,4±1,4

АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев А.А., Омельченко М.В. *Формообразование при отдаленной гибридизации видов хлопчатника селекции *Magnibracteolata**. - Тошкент: Фан, 1966. 141-б.
2. Абдуллаев А.А. *Эволюция и систематика полиплоидных видов хлопчатника*. - Тошкент: 1974. -206 б.
3. Холмурадов А.И., Сайдалиев Х., Халикова М.Б., Мамарахимов Б.И. *Турлараро дурагайларнинг униб чиқиш қуввати ва унувчанлиги. Ёўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачилик масалалари тўплами*. - Тошкент, 2000. -№27. -120-124-б.

ЃЎЗА ЧИГИТИ УНИБ ЧИҚИШИГА СУВ ВА ОЗУҚА РЕЖИМИНИНГ ТАЪСИРИ

The emergence of cotton seedlings with the application of fertilizers $N_{200} P_{140} K_{100}$ kg / ha in irrigation mode 70-70-60% of PPV, air temperature 20–23 °C is 7–8 days after sowing, and at an air temperature of 15–17 °C 14–16 day after eating.

Пахтадан юқори ҳосил етиштиришда барча агротехника тадбирларни ўз муддатида ва сифатли ўтказиш муҳим ҳисобланади. Айниқса, чигит экиш ва униб чиққан ғўза ниҳолларига биринчи ишлов беришнинг ўрни беқиёсдир. Ушбу тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилмаса бир текис кўчат олинмайди, далалардаги нимжон ниҳоллар касаллик ва зараркунандалар билан зарарланиб, туп сони камайиб кетади.

Чигит экиш пайтида тупроқнинг ҳарорати ва экиш чуқурлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Уруғлик чигитнинг бир текис униб чиқиши минимал ва мақбул ҳароратга, тупроқнинг агрегат ҳолати ва ўғитлар билан таъминланганлик даражасига боғлиқ.

Деҳқончилик амалиётидан ва ўтказилган тажрибалардан маълум бўлишича, экинларнинг ҳар бир нави ўзига хос ташқи муҳит омилларини талаб қилади, жумладан, ғўза навлари ҳам ўзларининг физиологик, биологик хусусиятларига кўра суғориш ва озуқа режимига қараб ҳар хил миқдорда ҳосил беради.

Ушбу муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида ПСУЕАИТИ Самарқанд филиалининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг "Омад" нави чигитининг униб чиқишига сув ва озуқа режимининг таъсири аниқлаш мақсадида дала тажрибаларини ўтказдик.

Даланинг тупроғи механик таркибига кўра ўртача қумоқ, ер ости сувларининг сатҳи 7–8 метр, ўтмишдош экин ғўза бўлган агрофон шароитида ўтказилди. Тажриба даласида экишдан олдин тупроқнинг ҳажм оғирлиги 0–70 см қатламда 1,28, 0–100 см қатламда эса 1,30 г/см³ ни, тупроқнинг дала нам сифими 0–70

намлиги асосида 0,5–2% фарқи билан суғорилди.

ЧДНС га нисбатан 65-65-60% режимда суғорилганда суғориш оралиғи 17-24 кунни ташкил этди. Бу даврда бир оз намгарчиликнинг етишмаслиги кузатилди.

ЧДНС га нисбатан 70-70-60% режимда суғорилганда суғориш оралиғи 18–19 кунни ташкил этди. Бу даврда ғўза ниҳоллар нормал ўсиб-ривожланиш ҳолати аниқланди.

Ўғит билан таъминланиш даражасининг йиллик миқдори $N_{150} P_{100} K_{75}$ кг/га, $N_{200} P_{140} K_{100}$ кг/га. ни ташкил этди.

Ѓўза чигитларининг нишлаши учун 12°C ҳарорат етарли. Аммо, кўчатлар униб чиқиши учун кўшимча 3–5°C ҳарорат талаб қилинади.

Экиш муддати тўлиқ униб чиқиш муддати орасидаги вақт қанчалик қисқа бўлса, кўчатлар шунчалик соғлом бўлишини кузатдик. Ҳавонинг ҳарорати 20–23°C, тупроқнинг намлиги ва аэрацияси етарли бўлганда чигит экишдан униб чиқишига қадар бўлган давр 7–8 кунни, 15–17°C бўлганда эса 14–16 кунни ташкил этди.

Уруғларнинг униб чиқиши давридаги мураккаб физиологик ва биокимёвий жараёнлар содир бўлганлиги сабабли ниҳолларнинг фосфор моддасига бўлган талаби ортади. Шу сабабли уруғларни экиш даврида гектарига соф ҳолда 30 кг. дан фосфорли ўғитлар билан озиклантириш ниҳолларнинг соғлом ўсиб-ривожланишида катта аҳамиятга эга эканлиги исботланди.

Самарқанд вилоятининг ўтлоқ-бўз тупроқлари шароитида сув ва озуқа режимларини ғўзанинг навлари ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатига таъсири ўрганилганда навларнинг биологик, физиологик хусусиятларига

кўра ҳамда ўрганилган омилларнинг таъсирида вегетация даврида чигитнинг униб чиқиши, ўсиб-ривожланишида турлича натижалар олинди.

Тажрибаларимиздан олинган маълумотларга асосланиб, мамлакатимиз минтақаларининг турли тупроқлари таркибини физик-кимёвий хоссаларини

"Омад" ғўза навининг чигитларининг униб чиқиши (2п/м дона ҳисобида)

	Ѓўза нави	Минерал ўғитлар меъёри, кг/га	Суғориш Режими, %	19.05	22.05	26.05	29.05
1	Омад	-		5	14	28	41
2		N-150, P-100, K-75	65-65-60	7	16	31	44
3		N-200, P-140, K-100		8	17	33	43
4		-		9	15	30	46
5		N-150, P-100, K-75	70-70-60	7	14	32	42
6		N-200, P-140, K-100		7	16	31	40

см. да 19,6 %, 0–100 см қатламда эса 20,0 ни ташкил этди.

Вилоятнинг иқлими қуруқ, шу сабабли чигит униб чиқиши учун етарли нам тўплаш мақсадида 60 см. ли қилиб эгат олиниб 1500–1560 м³/га меъёрида экиш олди суви март ойининг биринчи-иккинчи ўн кунлигида берилди, ер етилиши билан тупроқ борона қилинди. Чигит 13 апрелда экилди, экиш вақтида ўғит меъёрига қараб 25–30 кг/га азот, 20–30 кг/га фосфор (соф ҳолда) берилди.

Яганалаш ғўза тўлиқ униб чиқиши билан бир метрда 10 донадан ўсимлик қолдириб ўтказилди. Суғориш олди

ҳисобга олган ҳолда бу минтақаларга мос истиқболли навларни яратиш ва шу навга хос суғориш режимлари ва агротехникасини ишлаб чиқиш юқоридаги муаммоларнинг ечими деб ҳисоблаймиз.

Юқори сифатли уруғларни мақбул муддатда ва фосфорли ўғитлар билан озиклантириб экиш уруғларнинг дала унвчанлигининг 80–85 фоиздан кам бўлмаслигини, соғлом ва тўлақонли кўчатлар ундириб олиш натижасида эртаги ва юқори ҳосил етиштиришни таъминлайди.

М.ЭШМУРОДОВА,
(СамҚХИ).

АДАБИЁТЛАР

1. Избасаров Э. С-6524 навини суғориш ва озиклантириш тартиби "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги" 1992 й.
2. Ковда В.А. Измерения плодородия почвы при неправильном использовании орошения. Изд. Наука .1969 г.
3. Комилов Б.С., Шононов С.Ж., Хасанов М.М. Томчилатиб суғоришда С-6524 ғўза навининг маҳсулдорлиги "Ѓўза ва йўлдош экинлар ўстириш техникаси" Т. 1994 й.

МАҲАЛЛИЙ ҚАТТИҚ БУҒДОЙ НАВЛАРИ БАҒЛАРИНИНГ СУВ САҚЛАШ ҚОБИЛИЯТИ

Кейинги йилларда республикамизда суғориладиган майдонларда бошоқли дон экинлари майдонлари кенгайтирилганлиги аҳолини дон маҳсулотлари билан тўла таъминланиш имконини бермоқда. Ҳалладан юқори ва сифатли ҳосил олишга эришишда минтақалар тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилаётганлиги уруғчиликка, агротехника тадбирларини ўз вақтида маромига етказиб ўтказишга, суғоришнинг замонавий технология ва усулларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилаётганлиги муҳим омил бўлмоқда.

Кузги буғдойнинг сув алмашинувини ўрганиш асосида нав намуналарининг қурғоқчиликка, иссиққа чидамли намуналарини ажратиш ҳамда уларни селекция учун дастлабки ашё сифатида тавсия этиш муҳим назарий ва

Шуларни ҳисобга олган ҳолда дала тажрибаси шароитида қаттиқ буғдойнинг учта – “Истиклол”, “Истиклол-25”, “Макуз-3” навларида, уларнинг вегетацияси давомида, ривожланиш фазалари бўйича ўсимликларнинг

ўринда “Истиклол”, учинчи ўринда эса “Макуз-3” нави жойлашди.

Бошоқлаш ва гуллаш фазаларида барча нав намуналарида сувни сақлаш қобилияти юқори бўлиб борди. Бу фазаларда ҳам энг яхши кўрсаткич “Истиклол-25” навида кузатилди. Сут пишиш фазасига келиб эса ҳамма навларда бошоқлаш ва гуллаш фазасига нисбатан ўсимликларда сувни сақлаш қобилияти пасайгани аниқланди.

“Истиклол-25” навининг бу фазада ҳам кўрсаткичи иккала навга нисбатан юқори бўлди.

Қаттиқ буғдой навларининг сув сақлаш қобилияти, % ҳисобида

№	Навлар	Ривожланиш фазалари				
		Найчалаш	Бошоқлаш	Гуллаш	Сут пишиш	Мум пишиш
Истиклол	1-қайтариқ	4,3±0,04	3,2±0,01	3,4±0,05	4,5±0,04	3,6±0,01
	2-қайтариқ	4,1±0,04	3,1±0,02	3,0±0,04	4,5±0,01	3,3±0,02
	3-қайтариқ	4,0±0,02	3,2±0,04	3,2±0,01	4,1±0,04	3,5±0,01
	Ўргача	4,15± 0,04	3,11±0,02	3,2±0,02	4,4±0,01	3,5±0,01
Истиклол -25	1-қайтариқ	3,3±0,03	2,7±0,02	2,6±0,04	3,5±0,02	3,5±0,03
	2-қайтариқ	3,2± 0,04	2,8±0,01	2,5±0,01	3,3±0,01	3,4±0,01
	3-қайтариқ	3,1± 0,02	2,6±0,04	2,3±0,02	3,1±0,04	3,4±0,01
	Ўргача	3,2±0,01	2,7±0,02	2,45±0,01	3,3±0,01	3,43±0,04
Макуз-3	1-қайтариқ	4,7±0,01	3,5±0,04	3,9±0,02	4,9±0,01	4,8±0,04
	2-қайтариқ	4,5±0,01	3,4±0,04	3,9±0,02	4,8±0,04	4,4±0,01
	3-қайтариқ	4,6±0,04	3,5±0,01	3,8±0,04	4,7±0,02	4,6±0,01
	Ўргача	4,6± 0,01	3,45±0,02	3,83±0,04	4,8±0,01	4,6±0,04

амалий аҳамиятга молик.

Баргининг сувни сақлаш даражаси ўсимликнинг ёши ва ўсиш фазалари, метеорологик шароит, агротехника, навнинг биологик хусусиятлари, тупроқ-иқлим шароити, давомли қурғоқчилик ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Кўпчилик олимлар ўсимлик барги сув сақлаш даражасини юқори бўлиши уларнинг қурғоқчилик ва иссиқликка чидамли эканлигининг белгиси деб ҳисоблайди.

ер устки қисмининг сув сақлаш қобилияти ўрганилди (Арланд усули ёрдамида).

Тажрибалардан олинган маълумотлар жадвалда келтирилган. Жадвалдаги илмий тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш шуларни кўрсатадики, учала навда ҳам ўсимликларнинг сув сақлаш қобилияти уч хил кўрсаткичга эга. Найчалаш фазасида сувни сақлаш қобилияти “Истиклол-25” навида бошқа навларга нисбатан юқори бўлди. Иккинчи

Шундай қилиб, бу жадвалдаги маълумотлар таҳлилининг кўрсатишича, ҳамма ривожланиш фазаларида “Истиклол-25” навининг кўрсаткичлари юқори бўлиб, навни қурғоқчилик ва иссиқликка чидамли дейишга имкон беради.

**Н.ХОДЖАЕВА,
Қ.ЖЎРАҚУЛОВ,
Т.САЙИДХОНОВ,
(СамҚХИ).**

НОҶСУВ ДАВРИДАГИ СУҒОРИШЛАРНИ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИШ МАҚСАДГА МУВОФИҚ?

Сув тақчиллиги кучли сезилаётган сўнгги вақтларда республика қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш, экинлардан мўл ва сифатли ҳосил олишнинг асосий омил бўлган сув ресурсларидан янада тежамли ва унумли фойдаланиш, экинларни суғоришга сувтежамкор технологияларни жорий этиш, суғоришни мезанизациялаштириш воситаларини қўллаш орқали суғориш сувидан фойдаланиш коэффициентини ошириш, сув бирлигига этиштириладиган ҳосил миқдорини орттириш, сув исрофгарчилигини мумкин қадар камайтириш, сув истеъмолчиларида сувга бўлган ижобий муносабатларни шакллантириш, ҳар қатра сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш соҳадаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолди.

Республикамизнинг қурғоқчил шароитида ноҳсув даврида қўйидаги суғоришлар кенг қўлланилиб келинмоқда: нам тўплаш мақсадида суғориш (захира суви, яхоб бериш), экишдан олдин суғориш, чигит суви бериш, шудгордан олдин суғориш ва бошқ.

Нам тўплаш мақсадида суғориш.

Республикамизнинг текислик минтақасида, айниқса, жанубий минтақаларида куз, қиш ва эрта баҳор ойларида ёгин сувларининг кам (120–200 мм/йил) тушиши ва буғланишнинг кўп бўлиши экиш даврига тупроқда намликнинг етарлича тўпланмаслигига ва бунинг оқибатида уруғнинг бир текисда тўлиқ униб чиқмаслигига сабаб бўлади. Бу ҳолат, айниқса, сизот сувлари чуқурда жойлашган ерларда кучли кузатилади. Ушбу ҳолатларда тупроқ намлигининг етарлича бўлишини таъминлаш учун нам тўплаш мақсадида суғориш (яхоб бериш) ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бундай суғориш натижасида тупроқнинг табиий намлиги ортади, экишдан сўнг қийғос кўчатлар олинади, мавсум давридаги биринчи суғоришни 5–6 кунга кечиктириб ўтказишга шароит яратилади, ўсув давридаги суғоришлар сони камайтирилади, пахта ҳосили

2–4 ц/га. га ортади. Кузги бугдойдан юқори ҳосил олишда бундай суғориш муҳим аҳамиятга эга. Боғ ва узумзорларни, беда ва бошқа кўп йиллик экинларни нам тўплаш мақсадида суғориш ҳам фойдали ҳисобланади. Нам тўплаш мақсадида суғоришларни сизот сувлари ер юзасига яқин (1–1,5 м) жойлашган ерларда ўтказиш тавсия этилмайди.

Нам тўплаш мақсадида суғоришнинг самараси уни ўтказиш муддати ва меъёрларига боғлиқ: жуда эрта ёки кеч муддатларда ўтказиш кутилган натижаларни бермайди.

Суғоришлар ўтказилган ерларда



бегона ўтлар жадал униб чиқади ва улар культивация ўтказилганда нобуд бўлиб, ўсув даврида уларнинг миқдори кескин камайиб кетади.

Қумоқ ва енгил қумоқ тупроқларда суғоришлар эрта баҳорда, экиш давригача ернинг етилишини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Бундай ерларда суғориш ерни ҳайдамасдан ҳам ўтказилиши мумкин. Оғир механик таркибли тупроқларда эса бундай суғориш ер ҳайдалгандан кейин ўтказилади.

Нам тўплаш учун суғоришнинг қулай муддатлари бўлиб февраль ва март ойининг бошлари ҳисобланади. Суғориш маҳсус олинган эгатлар орқали ёки пол олиб ёппасига бостириб ўтказилади, мевали боғларда эса эски эгатлар ёки поллар орқали амалга оширилади.

Енгил механик таркибли тупроқларда 1,5–2 м. ли қатламни намиқтириш учун суғориш меъёри

1000–1200 м³/га, ўртача 1200–1600 ва оғир тупроқларда 1800–2000 м³/га атрофида белгиланади.

Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятида кеч қиш ва эрта баҳор ойларида ўтказилган шўр ювиш нам тўплаш мақсадида ўтказилган суғоришнинг ўрнини босади, яъни шўр ювиш экиш даврида тупроқ намлигининг етарли даражада бўлишини таъминлайди.

Суғориш ўтказилган ерлар етилиши билан сувнинг буғланишга сарфини камайтириш мақсадида далаларга ёппасига борона ёки диск босилади.

Экишдан олдин суғориш. Республикаимизнинг куз, қиш ва эрта баҳор ойларида ёгингарчилик кам (80–120 мм) бўладиган, айниқса, жанубий ҳудудларида тупроқда етарлича нам тўпланмайди. Шунингдек, ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши буғланишга сув сарфининг кўпайишига олиб келади. Бунинг оқибатида экиш даврига келиб тупроқ намлиги мўътадил даражада бўлмайди ва экилган уруғлар қийғос ҳамда бир текисда униб чиқмайди.

Жанубий иқлим минтақасидаги пахта етиштириладиган ерларда тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 50–56 фоизгача камайиб кетади. Чигит экилгандан кейин уруғ суви бериб, уларни ундириб олиш қатор камчиликларга эга: уни ўтказиш жуда мураккаб ва сермеҳнат; суғориш натижасида тупроқ устида пайдо бўлган қатқалоқни юмшатишда ўсимликларнинг бир қисми зарарланиб, нобуд бўлади; суғоришда сувчининг иш унумдорлиги жуда кам (сменада 0,5 гектаргача) ва бошқалар. Шу сабабдан бундай ерларда экинни экишдан олдин суғориш муҳим аҳамиятга эга. Экишдан олдин суғоришдан асосий мақсад - бу экиш даври учун тупроқнинг зарурий намлигини таъминлаш ҳамда уруғни бир текисда ва қийғос ундириб олиш учун қулай шароит яратишдир.

Сурхондарё вилоятида олиб бо-

рилган тадқиқот натижалари кўрса-тадики, экишдан олдин суғориш ўтказилмаган тупроқнинг намлиги чигит экиш арафасида унинг ЧДНСга нисбатан 50–57% бўлган ва чигитни ундириб олиш учун уруғ суви берилган. Экишдан олдин суғорилган тупроқнинг намлиги эса 75,4–80,2 фоизни ташкил этган. Суғориш таъсирида бегона ўт уруғлари эртароқ униб чиққан ва далани экишдан олдин ёппасига ишлаш орқали улар қириб ташланган, яъни экишдан олдинги суғориш провакацион суғориш вазифасини ҳам ўтаган. Бундай суғориш биринчи суғоришни кечроқ муддатларда ўтказишга имконият яратган. Ўсимликнинг ўсиб-ривожланиши яшиланиб, ҳосилдорлик 38 ц/га. ни ташкил этган. Экишдан олдин суғорилмаган ерларда эса гектаридан 27 ц. дан пахта ҳосили олинган.

Андижон вилоятида экишдан олдин суғоришларнинг бегона ўтларни йўқотишдаги аҳамиятини ўрганиш жараёнида қуйидаги маълумотлар олинган: нам тўплаш мақсадида қишда суғорилган ерларнинг 1 м² да 20 майда 27,6 дона бегона ўт бўлса, экишдан олдин суғорилган ерларда 22,4 ва чигит суви берилган ерларда эса 51,4 донани ташкил этган, яъни бегона ўтлар сони чигит суви берилгандагига нисбатан 2 марта кам бўлган. Бу эса ўсимликнинг ўсув даврида бегона ўтларга қарши кураш (чопик) харажатларининг камайишига ва пахта ҳосилдорлигининг 6–7 ц/га ортишига олиб келган.

Ишлаб чиқариш амалиётида суғоришлар экишдан 10–12 кун олдин оралиғи 60 ёки 90 см бўлган 16–18 см чуқурликда олинган эгатлар орқали ёки пол олиб ёппасига бостириб ўтказилади.

Республикамызнинг жанубий ҳудудларида олиб борилган тадқиқотлар кўрсатадики, экишдан олдин суғоришнинг қулай муддати 25 март–5 апрель ҳисобланади. Суғориш меъёри тупроқнинг механик таркиби ва намлигига боғлиқ ҳолда 0,7–1,0 м қатламни намиқтириш учун қумли, энгил қумоқ ва ўртача қумоқ тупроқларда 1000–1200 м³/га, оғир механик таркибли бўз тупроқларда 1500–1600 м³/га. ни ташкил этади. Суғориш ўтказилган далалар етилиши билан ерни экишга тайёрлаш борона босиб юмшатишдан иборат.

Чигит суви бериш. Шўри ювилган, нам тўплаш учун ёки экишдан олдин суғорилган ҳамда бундай суғоришлар ўтказилмаган ер-

ларда намликни сақлаб қолиш (буғланишга бўладиган сув исрофгарчилигини камайтириш) мақсадида тупроққа экин эккунга қадар доимий равишда ишлов бериб турилади. Баҳорда далани экишга тайёрлаш ва экиш жараёнида тупроқ устки қатламининг қайта-қайта ағдарилиши, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши ва шамол таъсирида чигит экиладиган қатлам ҳаддан зиёд қуриб кетиши мумкин. Агар чигит намлиги етарлича бўлмаган тупроққа тушса, у униб чиқмайди. Шу сабабдан бундай ерларда экиш тугалланиши билан чигит суви берилади. Бунинг учун чигитни экиш билан бир вақтда 10–12 см чуқурликда эгат олиб кетилади, сўнгра муваққат ариқлар олиниб, суғориш ўтказилади. Енгил механик таркибли тупроқларда суғориш ҳар бир эгат орқали, оғир тупроқларда эса эгат оралатиб ўтказилиши мумкин.

Чигит суви бериш ўта масъулиятли тадбир бўлиб, уни ўтказиш учун тажрибали сувчилар ажратилади. Эгатлардан сувнинг жилдираб оқиши, бир эгатдан бошқа эгатга ўтиб кетиши ва қўллашига, пуштани сув босишига йўл қўймаслик лозим. Акс ҳолда пуштада қатқалоқ пайдо бўлиб, ўсимликларнинг нобуд бўлишига сабаб бўлади. Тупроқни ортиқча намлаш гўзада илдиз чириш касаллигини келтириб чиқаради. Шу сабабдан чигит суви нисбатан кичик меъёрларда, яъни тупроқнинг устки 0–50 см қатламини намиқтириш ҳисобидан ўтказилади. Суғориш меъёри енгил механик таркибли тупроқларда 600–700 ва оғир тупроқларда эса 700–800 м³/га бўлиши лозим.

Чигит суви берилган далалар етилиши билан қатор ораларига ишлов беришга киришилади, қатқалоқ пайдо бўлса ротация мотигалар ёрдамида юмшатилади.

Провакацион суғориш. Бегона ўтлар кўп тарқалган ерларда экиш давригача бегона ўтларнинг униб чиқишини тезлатиш мақсадида далалар энгил-елпи суғорилади ва ўтлар униб чиққандан сўнг ёппасига культивация қилиш ёки дискли борона босиш йўли билан улар қириб ташланади. Бундай суғоришлар провакацион суғоришлар деб юритилади. Айрим ерларда суғоришлар экинлар ҳосили йигиб олингандан сўнг ўтказилади. Суғориш меъёри тупроқнинг устки 25–30 см. ли қатламини намиқтириш ҳисобидан танлаб олинади.

Совуқ уришига қарши суғориш. Эрта баҳорда сабзавот экинлари

кўчатлари экилгандан сўнг ёки мевали дарахтлар кўкара бошлаганда ҳаво ҳароратининг тўсатдан пасайиб кетиши уларни совуқ уришига сабаб бўлади. Бундай шароитда унга қарши суғориш муҳим аҳамиятга эга: суғориш сувининг ҳарорати юқори бўлганлиги туфайли ҳавонинг ерга яқин қатламининг ҳарорати 2–3 °С га ортади. Аэрозоль ёки ёмғирлатиб суғоришлар ҳаво ҳароратини “юмшатишда” бошқа усулларга қараганда афзал ҳисобланади.

Шудгордан олдин суғориш. Ўзбекистоннинг текислик минтақаларидаги сизот сувлари чуқур жойлашган ерларда экинларнинг ўсув даврида суғоришлар тугалланиб, ҳосил йигиб олингандан сўнг ёгининг деярли тушмаслиги оқибатида тупроқнинг устки қатламида, айниқса, анғиз, ёзда ҳайдаб бузиладиган бедапоя ва бошқа кўп йиллик ўтлардан бўшаган далалар тупроғида нам миқдори кескин камайиб кетади. Бу ҳол ерга асосий ишлов беришни қийинлаштиради: ер белгиланган чуқурликда ҳайдалмайди, палахса кесақлар кўчиб, майин шудгорлашга эришилмайди. Пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги кузги шудгорнинг қай даражада ўтказилганлигига боғлиқ.

Ерни сифатли ҳайдаш учун тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–75 фоиздан кам бўлмаслиги (тўлиқ нам сифмига нисбатан 40–60%) лозим. Бунинг учун ёз ойларида шудгорлашдан 7–10 кун, кузги шудгорлашдан 10–12 кун олдин эски муваққат суғориш тармоқлари, йўлак ва чеклар орқали суғориш ўтказилади. Суғориш меъёрлари ҳайдов қатламини намиқтириш ҳисобидан белгиланади: энгил тупроқларда 700–800, ўртача 900–1000 ва оғир тупроқларда 1000–1200 м³/га сув берилади.

Пахтазорларда тупроқ етилиши билан гўзапоя майдаланади, ўқариқлар текисланиб, ерни ҳайдашга киришилади. Бедапояларда ернинг устки қисми 5–6 см чуқурликда ағдаргичи олинган плуг билан асосий ҳайдашдан 5–7 кун олдин ҳайдалади. Бунда беданинг илдизи кесилиб, унувчанлиги йўқолади. Бегона ўтлар кўп тарқалган ерларда анғиз шудгордан олдин лушчильник билан 10–12 см чуқурликда юмшатилади. Кузги экинларни экишдан 15–20 кун олдин ҳайдаш самарали эканлиги боис анғизни суғориш муддати мувофиқлаштирилиши лозим.

3. АРТУКМЕТОВ,
қ.х.ф.н., ТошДАУ.

ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ ПЛОЩАДИ ЛИСТЬЕВ СОИ В ЗАВИСИМОСТИ ОТ СРОКОВ ПОСЕВА

Field experiments were held in the experimental plot of Karakalpak scientific-experimental station of scientific-research institute of grain and grain culture, with the aim of elaboration optimal sowing terms to ensure receiving high and steady yield of soybean in the conditions of Karakalpakstan.

В условиях Каракалпакии почвы характеризуются различной степенью засоления, подъемом уровня грунтовых минерализованных вод на всей орошаемой территории. По этой причине наблюдается снижение урожайности зернобобовых и других культур. Поэтому важное значение имеет подбор и внедрение в производство новых устойчивых к засолению, наиболее продуктивных и ценных по качеству сортов зернобобовых культур и на этой основе разработка комплексных агротехнических приемов их возделывания. Особенно большое значение имеет правильный выбор сроков посева, предшественников, доз вносимых удобрений и внедрение соответствующих севооборотов.

С целью разработки оптимальных сроков посева, обеспечивающих получение высоких и устойчивых урожаев сои в условиях Каракалпакии на опытном участке Каракалпакской научно-экспериментальной станции научно-исследовательского института зерна и зернобобовых культур были проведены полевые опыты. Почва опытного участка орошаемая луговая, средnezасоленная, среднесуглинистая. Опыты закладывались по методу математического планирования. Изучались два сорта сои "Орзу" и "Нафис". Опыт многофакторный. Посев производили с нормами высева 50-60-70 кг на 1 га, в трех сроках посева: 1-ю, 2-ю и 3-ю декады апреля.

Полученные результаты показали преимущество первого срока посева с нормами высева 60 кг/га, получение более ранних и дружных всходов, интенсивно зеленую окраску растений и более высокие показатели фотосинтеза и накопления сухого вещества. Высота растений сои в этом варианте достигала 90–92 см, в то время как в контроле она составляла 60 см. Оптимальные сроки посева стимулировали развитие листовой поверхности. Максимальные площади листьев наблюдались в фазе образования бобов. Некоторое уменьшение показателей площади листьев отмечали в фазе налива зерна.

На величину площади листьев влияют условия выращивания

сортов сои. Поэтому при определении площади питания одного растения в зависимости от плотности стояния необходимо заботиться о создании оптимальной площади листовой поверхности на гектаре посева.

Площадь листьев одного растения "Нафис" в фазу бутонизации при посеве 10 апреля в первом варианте составила 258 см², во-втором варианте – 276 см², что выше первого варианта на 18 см²; в-третьем варианте было 249 см², что ниже первого варианта на 93 см². При севе 20 апреля площадь листьев одного растения в первом варианте составила 256 см², во-втором варианте – 254 см², что ниже первого варианта на 2 см; в-третьем варианте площадь листьев одного растения составила 237 см², что ниже первого варианта на 19 см и при севе 30 апреля в первом варианте показатель составил 229 см², во-втором варианте – 225 см², что ниже первого варианта на 4 см; в третьем варианте площадь листьев одного растения составила 215 см², что ниже первого варианта на 14 см. Как видно из этих данных при поздних посевах площадь листьев снижается на 18-19-14 см².

На величину площади листьев оказала влияние и густота стояния растений. В фазу цветения площадь листьев одного растения значительно увеличивается.

При посеве 10 апреля показатель составил 1418–1390 см², при севе через 10 дней – 1264–1243 см² и при севе через 20 дней – 1250–1154 см². За счет поздних сроков сева площадь листьев уменьшилась на 154-170-147 см² при севе 10 апреля и на 14-61-89 см² при севе 20 июля по сравнению с посевом 30 апреля

Загущение посевов вызывает уменьшение площади листьев одного растения. Так, площадь листьев одного растения сорта "Нафис" уменьшилась при севе 10 апреля на 18–27 см², при севе 20 апреля – на 2–19 см², при посеве 30 апреля – на 4–14 см²

Площадь листьев одного растения достигает максимума в фазу формирования бобов. Наибольшая площадь листьев наблюдается при севе 10 апреля. При этом площадь

листьев одного растения составила 1462–1390 см² при севе 10 апреля. При севе 20 апреля площадь листьев составила 1292–1243 см², при этом наблюдается уменьшение показателя на 28–49 см за счет уплотнения. При последнем сроке сева площадь листьев одного растения составила 1250–1154 см². В этом варианте также наблюдается снижение площади листьев одного растения на 19–96 см за счет уплотнения посевов.

Наблюдается снижение площади листьев одного растения сорта "Нафис" при увеличении густоты стояния растений. Уменьшение площади листьев происходит за счет изменения микроклимата поля при разной густоте стояния. При уплотнении посевов снижается освещенность, что отрицательно сказывается на формировании листьев и площади их поверхности.

Наибольший урожай зерна отмечали в 1-варианте (при посеве в 1-й декаде апреля) – 40 ц/га. В ходе наблюдения мы определили, что у сои сортов "Нафис" и "Орзу", с опозданием сроков посева в стадии молочно-восковой спелости у растения увеличивается содержание вегетативных органов: больше высота стебля, масса растения, бобы и площади листьев. Наибольшее накопление зерен в бобах наблюдалось при сроке посева в первую декаду апреля. Анализ структуры растений показал, что этот срок посева положительно влияет на длину боба, выход зерна и массу семян. Более ранние или поздние посевы приводят к заметному снижению этих показателей. В полной спелости сбор зерна составлял в контроле 2 т/га; на варианте, где проведен посев в первую декаду мая – 4,0 т/га.

Таким образом, при возделывании сои сорта "Нафис" в условиях Приаралья на засоленных почвах, для получения наибольших урожаев зерна следует провести посев в первую декаду апреля.

Т. ОСЕРБАЕВА,
доцент,

Д. УТАМБЕТОВ, Р. ЕСБОГАНОВ,
ассистент, Нукусского филиала
ТГАУ, КК НЭС НИИЗиЗБК.

ҚОРАҚҮЛ ҚҰЙЛАРИНИНГ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИПИ ЛИНИЯЛАРИ

Perfection of karakul sheep of the karakalpak pedigree phylum

Республикаимизда қоракўлчилик тизимида ҳар хил рангдаги териларга, айниқса, сур рангли қоракўл териларига талаб ортиб бормоқда. Шу боис, қоракўлчиларнинг асосий вазифаси сур зот типидagi қўйлар сонини кўпайтириш ҳамда қимматбаҳо ва камёб рангли қоракўлнинг барқарор етиштирилишини таъминловчи юқори маҳсулдор ихтисослаштирилган ҳайвонлар подасини яратишдан иборат. Бунда генофондни сақлаш, селекция усуллари такомиллаштириш ва янги турдаги, экспортга йўналтирилган маҳсулотни етиштирувчи ранг-баранг ва нақшли жингалак гулли қоракўл қўйларини яратиш борасида илмий тадқиқотлар долзарб бўлиб ҳисобланади.


олинган. Уларнинг териси юпқалиги, зичлиги билан ажралиб туради; Тери гуллари узун, 2/3 қисмига ўралган; сурлик даражаси 25,0–30,0%, гуллари ўртача қаттиқликда, жун толаси қоплами кучли ипакли ва ўта ялтироқ.

Ўрик гул ранг-баранг қўйларнинг асосчиси – “Янбош-1610”, ушбу линияга мансуб қўйларнинг наслига яхши ифодаланган ўрик гул ранг-баранг авлодлар хосдир, барра гуллари йирик, ўрамлари узунлигига кўра, асосан, ўртача ва эгилиши 1/3–2/3 ни ташкил этади. Узунлигига кўра жун толасининг ранги - асосида (узунлигининг 1/2 қисми) тўқ жигарранг, ўртаси (узунлигининг 2/5 қисми) жигарранг ва учлари (узунлигининг 1/10 қисми) оч-тўқ сариқ рангли, териси ўртача

элита синфли қўчқор танланди.

Линияли наслдор қўчқорларнинг маҳсулдорлик хусусиятларини ўрганиш асосида аниқландики, қўчқорларнинг яратилган тўртта линияси асосий маҳсулдорлик кўрсаткичлари бўйича барқарор ҳисобланади. Улар ўзига хос белгиларга эга бўлиб, барқарор равишда авлодига ўтказиши ва сур қоракўл зот типли қўйларнинг янги, юқори маҳсулдор подаларини яратишда ҳамда мавжуд турларини такомиллаштиришда улардан дифференцияланган ҳолда фойдаланиш лозим.

Қимматбаҳо ранг-барангли сур қоракўл қўйларининг ихтисослаштирилган подаларини яратишда, биринчи галда, хўжаликнинг қоракўл сур типли



Линияли урчитиш подани муайян сифат - фарқли бирликларга бўлиш ва бу орқали соф зотли ҳайвонларни урчитишда завод типидagi сур ранг-баранглигини сақлаш имконини беради. Биринчилар қаторида жакетбоп типдаги наслдор қўчқор – “Антик-1420” танланган бўлиб, у бир текис, яққол ифодаланган пўлати сур ранг-барангликка эга бўлган. Бу линияга мансуб авлодга яққол ифодаланган пўлати сур ранг-барангликка хос бўлиб, 75–77 фоизгача I синф ва сара насл

қалинликда, жун толаси қоплами ипакли ва ялтироқ.

Шамчироқ гул қўйлари линиясининг асосчиси – “Аразгелди-1263” наслдор қўчқор ҳисобланади. Наслдор қўчқорлар ўзининг ранг-баранглигини наслига барқарор ўтказиб келади. Жун толасининг асоси тим қора бўлиб, учи – оқ рангли.

Линия асосчиси сифатида узун, ярим доира шаклидаги барра типли, мустаҳкам конституция типига эга, олалик белгилари йўқ “Қизил камар-1281”

қўйларини унинг бутун совлиқларида ихтисослаштирилган ранг-баранг қўчқорлардан фойдаланган ҳолда кўпайтиришга ихтисослашувини (гетероген танлов) аниқлаш керак. Қимматбаҳо ранг-баранг совлиқлар етарли бўлса, ихтисослаштирилган ранг-баранглар бўйича гомоген танловларни амалга ошириш зарур.

Р.ТУРГАНБАЕВ,

қ.х.ф.д.,

ТошДАУ Нукус филиали.

АДАБИЁТЛАР

1. Турганбаев Р.У. Каракалпакский породный тип каракульских овец окраска сур. //Монография. Тошкент, 2012, 164-б.
2. Turganbaev R.U. Length of hair of Astrakhan of Karakalpakstan. //Academia An International Multidisciplinary Research. Journal. India. Kurukshetra. (ISSN: 2249-7137). Vol.7. Issue 9. September 2017. P. 65-71 (Impact Factor: SJIF=5.099).
3. Турганбаев Р.У. Особенности наследования расцветок каракуля сур Каракалпакского породного типа. Международная научно-практическая конференция. Чехия, Прага., 2012. С. 66-68.

УЗУМ ЕТИШТИРУВЧИ ВА ҚАЙТА ИШЛОВЧИ КОРХОНАЛАР ҲАМКАМЛИК ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

The results of studying of theoretical positions and trends, cross-sectoral organizational and economic relations in the growing and processing of grapes. Practical recommendations on the formation of interdisciplinary organizational and economic relations in the growing and processing of grapes.

Мустақилликнинг илк йилларидан миллий иқтисодий тармоқ таркибини такомиллаштиришга ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда.

Бунда хомашё етиштиришга ихтисослашган иқтисодийнинг бир томонламалигини бартараф этиш, унинг таркибида иқтисодий таркибида қўшилган қиймат даражаси юқори товарлар ишлаб чиқариш улушини ошириш энг долзарб муаммолар сифатида қабул қилиниши мамлакатимизнинг миллий иқтисодий шакллантиришдаги муҳим қадамлардан бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан фермер хўжаликлари ва хусусий узумчилик хўжаликлари ихтиёрий равишда агрофирмаларга бирлашиши, улар ёрдамида маҳсулот етиштиришнинг замонавий маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, етиштириш ва сотиш тизимини ташкил этишда ҳамкорликда фаолият юритиши белгилаб қўйилди.

Умуман олганда, узумчилик соҳасида бозор муносабатларининг қарор топишида юқорида тилга олинган босқичлар босиб ўтилгани ҳолда узумчилик қўйи мажмуида қўйидаги субъектлар фаолиятини ривожлантиришга аҳамият қаратилиб, бугунги кунда улар орасидаги муносабатлар мажмуи қўйидаги кўринишни ифода этмоқда (расм).



Расм. Маҳсулот етиштирувчи ва қайта ишловчи (тайёрловчи) корхоналар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларнинг амал қилишига тўқсинлик қилувчи ҳолатлар

Узум маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар ва уларнинг фаолиятини бозор муносабатларига мослаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортиши ҳамда иқтисодий муносабатларни модернизация қилиш мақсадида бир нечта ислохотлар амалга оширилиб, тизим такомиллаштирилди.

Аммо, узумчилик соҳасида тайёрловчи фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар фаолияти, уларнинг вазифалари ва функциялари қайта ишловчи корхоналар билан ўзаро уйғунлашиб кетган ва фарқлаш мураккаблик касб этади.

Истеъмолчига етказиб берувчи бўғинда маҳсулот етиштирувчи, тайёрловчи ва қайта ишловчи корхоналар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар натижаси ўз аксини топиб, маҳсулот нархи, сифати ва ҳажмида намоён бўлади. Пировардида маҳсулотга бўлган талаб тақлиф муносабатларида тебранишлар кузатилиб, бу маҳсулот етиштирувчи, тайёрловчи ва қайта ишловчи корхоналар фаолиятига акс таъсирини кўрсатади.

Таъкидлаш лозимки, узумчилик қўйи бўғини субъектлари ўртасидаги муносабатлар қўзаро боғлиқ ва бир бутунлик характерга эга. Бир бўғинда мавжуд бўлган тебраниш бошқа бўғин фаолиятида бевосита таъсир даражасига эга. Бундай шароитда узумчилик қўйи мажмуи субъектлари вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги ҳолатларнинг мавжуд бўлиши маҳсулот етиштирувчи, қайта ишловчи ва тайёрловчи корхоналар манфаатдорлиги доирасида истеъмолчи томон ўзлари интилишларига сабаб бўлмоқда. Яъни маҳсулот етиштирувчи қайта ишлаш корхонасига ёки тайёрловчи корхонасига маҳсулот етказиб беришдан кўра деҳқон бозорлари томон ҳаракат қилса, қайта ишловчи эса деҳқон ёки тайёрловчидан кўра воситачи сотувчилардан харид қилишни маъқул деб ҳисоблайди. Фикримизча, бозор муносабатлари шароитида капиталнинг бундай юқори қайтим берувчи муҳит томон оқиб бориши бу табиий ҳолат. Аммо иқтисодий тармоқларида қўшимча қиймат яратилишини ривожлантириш, уларни иқтисодий муносабатларини кафолатли ташкил этиш мақсадида ҳар бир бўғин ўз функцияси доирасида ишлашини рағбатлантириш мақсадга мувофиқ.

**Б.ШАФКАРОВ, А.ДУРМАНОВ,
Ф.ШАФКАРОВ,
ТИҚХММИ.**

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 13 мартдаги “2013–2015 йиллар даврида республикада узумчиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 19 сентябрдаги “Мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
3. Бекмуратов А.Ш., Гафуров У.В. “Иқтисодий тармоқларда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришлари” / Т–2005.

СУВ РЕСУРСЛАРИ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА МИНТАҚА ЁШЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ АСОСЛАРИ

The article gives a brief overview of how to create a youth social organization Eco 5, which is now a key issue for the effective use of ecology and water resources in the region.

Сўнгги йилларда Орол ҳавзасида кучайиб бораётган муаммоларга назар ташлайдиган бўлсак:

- бугунги кунда 40 дан ортиқ мамлакатдаги 2 миллиарддан ортиқ одам сув танқислигини сезмокда. Жумладан, Марказий Осиё ҳам;

- минтақа сув ресурсларининг 80 фоиздан ортиги Қирғизистон ва Тожикистондаги абадий музликлар ва қорлар ҳисобига шаклланади;

- дарёларнинг ўрта ва қуйи оқимидаги истеъмолчилар, айниқса, Амударё қуйи оқимида, истеъмол қилинаётган сувнинг сифати нисбатан паст (баъзи ойларда дарё сувидаги қаттиқ чўкиндилар 1,6 г/л. дан 2,3 г/л. гача);

- ирригация тизими ҳолатининг ёмонлашиши, самарасиз бошқарув ва инфратузилмани таъминлаш харажатларининг кескин ўсиши;

- сувни нотўғри ва номутаносиб тақсимлаш, оқибатда сувни исроф қилиш ва сув танқислигининг пайдо бўлиши;

ри (кейинги ўринларда, 5 Республика деб юригилади.) ёшлари иштирокида бирон семинар ва тадбирлар мажмуасининг тизимли тарзда ташкил этилмаганини кўришимиз мумкин. Қолаверса, 5 Республика ёшлари иштирокида бирон минтақавий тадбирларнинг ўтмагани фикримизга яққол мисолдир, ўтганлари ҳам кутилган натижани бермаган деб айтишимиз мумкин. 5 Республика аҳолиси 61 млн. ни ташкил этмокда, бу сон 2025 йилга бориб 72 млн. га ўзгариши башорат қилинган. Аҳолининг этник таркибида ёшлар (14–29 ёш) улуши юқори бўлиб бунда ёшлар ўртача 26% (Қозоғистон – 25%, Қирғизистон – 27% , Тожикистон – 27%, Туркменистон – 27% , Ўзбекистон – 26%)ни ташкил қилмокда, яъни 15,86 млн киши. Шу туфайли муаммоларни ҳал қилишда ёшларнинг ҳаракати жуда муҳим ўрин тутди. Ҳозирги кунда сув ресурслари ва экологик ҳолатнинг ёмонлашиб боришида Ёшларнинг бефарқ

қараб яшашига, келажакдаги бўлиши мумкин бўлган муаммоларнинг шаклланишига қўйиб бериши, ҳеч бир инсофга тўғри келмайди. Шунинг учун ҳам, умумий фикрга эга, халқаро миқёсдаги глобал ёшлар ҳаракатини яратиш муҳим вазифа ҳисобланади. Ҳозирда, 5 Республикада ҳам ёшлар ташкилотлари мавжуд бўлиб, бу ташкилотларнинг олдида қўйган вазифалари орасида Экология ва атроф-муҳит масаласига эътибор қаратилган. Демакки, ушбу қарашларнинг умумий жамламасини тизимли ва мақсадли тарзда олиб бориш асосий вазифамиз ҳисобланади.

«Eco5YO» ЭКОЛОГИК БЕШЛИК ЁШЛАР ТАШКИЛОТИ Давлатларо бошқарувнинг тузилмаси



расм. Ёшлар ташкилоти бошқарув тузилмаси

- дарёларнинг юқори ва қуйи оқимларида жойлашган ҳудудлар ўртасида зиддиятнинг кескинлашиши, тармоқларо, асосан, гидроэнергетика ва суғориладиган деҳқончилик ўртасида баҳсларнинг кўпайиши, миллий иқтисодийнинг ривожига салбий таъсир қилиши мумкин.

Бу муаммолар ҳозирда минтақа давлатлари орасида келишилиб, бир тўхтамга келинмокда десак асло муболаға бўлмайди. Юртбошимиз, Шавкат Мирзиёев БМТнинг 72-сессиясида минтақадаги вазиятга тўхталиб, Орол ҳавзасида 2 концепция, яъни Амударё ва Сирдарё ҳавзалари концепцияси ҳақида гапириб ўтди.

Бугунги кунда Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон Республикала-

Шу ўринда “Eco5YO” - Экологик Бешлик Ёшлар Ташкилоти деб номланган халқаро ташкилот яратиш лойиҳасини илгари сурмокдамиз. Бундай ташкилотлар жаҳон тажрибаларида кўрилган бўлиб, бир қанча ташкилотлар ичида энг йирикларидан бўлмиш “Гренпис (Greenpeace) - яшил тинчлик” халқаро талабалар ҳаракатини мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

“Eco5YO” лойиҳасининг мақсади ва вазифаси қуйидагилардан иборат:

- лойиҳанинг вазифаларини амалга оширишда 5 та Республика ёшларини жалб қилиш;

- минтақавий ва мамлакат миқёсидаги экологик муаммоларни ҳал қилишда ёш авлод онгида сув ресурсларининг аҳамиятини тўла тушинадиган

экологик ёндашувли дунёқарашни ҳамда минтақавий позицияни шакллантириш;

- ёш авлоднинг келажакда техник янгиликларни амалга оширишда экология ва сув ресурсларини ҳисобга олиш тизимини шакллантириш, минтақада экология ва сув ресурсларига оид терминларни қабул қилиш ва ёшлар онгига сингдириш;

- минтақада инсон ва табиатни биринчи ўринга қўйиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга йўнатирилган ислохотларни мукамал амалга оширишда самарали ёндашув, яъни ёш авлоднинг интеллектуал, ижодий, илмий салоҳияти ва профессионал қобилиятларидан фойдаланиш.

Юқоридаги мақсадларни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш даркор:

- минтақавий хавфсизлик ва ўзаро дўстлик ришталарини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар;

- маданий ва маънавий қадриятлар, табиатимиздан эҳтиёткорлик билан оқилона фойдаланиш каби минтақавий анъаналарини қайта тиклаш ва сақлаб қолишга кўмак бериш;

- ёшлар соғлом турмуш тарзига кенг миқёсда эътибор қаратиш, уларни ичкиликбозлик, кашандалик, гиёҳвандлик каби иллатларига муносабабтада ўз позициямиз асосида тарбиялаш;

- ёшларда минтақа миқёсидаги келишув ва конвенцияларлар, табиатни асрашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамияти борасида экологик-ҳуқуқий билимларни доимий ошириб бориш;

- минтақадаги олий ўқув юртлари ва бошқа таълим муассасалари, шунингдек, Республикалардаги ёшлар оммавий ташкилотлар (“Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи”, “Насли Чавони Тожикистон”, “Молодежной организации имени Махтумкули и Фонда мира Туркменистана”, “МувГрин” - молодежной экологической организацией в Кыргызстане ва бошқалар) билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

- 5 Республика ўқув муассасалари ва ёшлар оммавий ташкилотлари билан ҳамкорликда табиатни асраш ва ёшларнинг экологик маданиятини оширишга қаратилган тадбирлар ўтказиш;

- минтақавий ва маҳаллий экологик муаммолар ҳамда аҳоли саломатлиги масалаларини ечишда ёшларни ихтиёрийлик асосида жалб қилиш;

- минтақада Ёшлар экологик туризмини ривожлантириш.

Юқоридаги вазифалар асосида Экологик Бешлик Ёшлар Ташкилоти (“Еко5ҲО”) ҳамкорлик ташкилотлари мақоми остида мустақил равишда ўз фаолиятини амалга оширади. Бошқарув 5 Республика вакилларининг келишуви билан бир йил муддатда бир Республика ташкилотга раҳбарлик қилади. Раҳбарлик қилган Республика йилнинг июнь ойининг 2-душанбасидан бошлаб 10 кун давомида

“Еко5ҲО” бошқаруви фаолиятини амалга оширади. Ташкилотнинг мақсад ва вазифалари асосида, “Еко5ҲО” йўналишлари бўйича 5 Республика делегатлари (ҳар бир Республикадан 100 нафар делегат) иштирокида, ҳар бир Республика делегатлари Республикада амалга оширилаётган экологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган 1 йиллик ишлар бўйича чиқишлар қилади ва келажак режаларини делегатлар томонидан муҳокама асосида тасдиқлайди. “Еко5ҲО” Ижроия қўмитасини доимий раис бошқаради ва бунда раис раҳбар республиканинг вакили ҳисобланиши лозим. Мамлакатлараро экологик мувофиқлаштирувчи комиссияси давлатлараро Экология ва сув ресурсларини бошқариш, экологик вазиятни юмшатиш, экологик мониторинг, экологик экспертиза, экология ва сув ресурслари билан боғлиқ ёшларга оид тадбирларни давлатлар даражасида қўллаб-қувватлаш учун масъул маслаҳат органидир. Унинг фаолияти беш аъзо давлат томонидан келишилган қарорларни қабул қилиш, қарама-қаршиликлар эҳтимолини камайтиришга ёрдам беради. Барқарор ривожланиш бўйича комиссия эса барқарор ривожланишга эришишга қаратилган экология ва табиатни муҳофаза қилишда ёшлар ҳаракатини сиёсатини мувофиқлаштиради, табиатдан барқарор фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган вазифаларни бажариш учун миллий стратегия ҳамда дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун масъул.

Илмий таҳлил маркази, илмий-ахборот марказлари тегишли тузилмаларга илмий-ахборот, таҳлилий ва экологик масалаларда ёрдам беради, айниқса ёш олимларнинг минтақавий илмий ишлар олиб боришга тегишли ёрдамларини бериб боради, барча манфаатдор томонлар имкониятини ва хабардорлигини ошириш, улар ўртасида ахборот алмашишга кўмаклашади. Экологик Бешлик Ёшлар Ташкилотининг тузилмасини шакллантириш тасарруфидаги ташкилотлар юридик шахслар ҳисобланиши, халқаро ташкилотлар мақомига эга бўлишида ижобий роль ўйнайди.

Хулоса қилиб айтганда, “Еко5ҲО” лойиҳаси 5 Республика ёшларини жалб қилиб, минтақавий ва мамлакат миқёсидаги экологик муаммоларни ҳал қилишда ёш авлод онгида сув ресурсларининг аҳамиятини тўла тушунтириб, минтақада инсон ва табиатни ёшларимиз биринчи ўринга қўйиб, миллионлаб ёшларнинг ҳаёти ва келажакига бевосита дахлдор бўлган экологик ўзгаришларни чуқур ўйлаб иш тутиши, уларнинг бошини бир ерга бириктириш асосий вазифа ҳисобланиб, шу нуқтаи назардан ишни янги минтақавий ёшлар ташкилотини тузишга қаратиш даркор.

Ж.МИРЗАҚОБУЛОВ,

А.ГУЛОМОВА,
ТИҚХММИ.

АДАБИЁТЛАР

1. “Сув Ўзбекистон келажак учун муҳим ҳаётий ресурс”. Мингйиллик ривожланиш мақсадларини қўллаб-қувватлаш. UNDP Ўзбекистон, Тошкент. 2007 й. 9–88-бет.
2. “Экологик барқарорликни таъминлаш”, 7-жилд, UNDP, Ўзбекистон, 2007 й.
3. Т. Исоқова, Х. Хўжақулов “Демография статистикаси”, Тошкент, 2004 й.
4. Валиев Х.И. “Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уни ҳимоя қилиш” Маърузалар тўплами. Тошкент, ТИМИ, 2000 й. 56–96-бет.

МАККАЖЎХОРИ ПАРВОНАСИГА ҚАРШИ CORAL ПРЕПАРАТИНИ ҚЎЛЛАШ МУДДАТЛАРИ

Ўзбекистонда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатнинг хомашёга ва чорва ҳайвонларининг эса озуқа экинларига бўлган талабини қондириш ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги олдида турган энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, Республикаимиз Биринчи Президенти халқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишни давлат ички сиёсатининг бош мезони қилиб қўйди. “Қишлоқ хўжалигини замонавий технология, техника ва ускуналар билан таъминлаш ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш имконияти ва сифати деҳқонларни қониқтирадиган даражада бўлиши керак” — деган эди Ислоҳ Каримов.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида чорва озиқа базасини бойитиш мақсадида донли экинлар

дан ортиқ ўсимликларда ривожланади ва зарар келтиради. Бу зараркунанда Фарғона водийсининг кўпчилик туманларида тарқалган бўлиб, гўза, маккажўхори, помидор, ошқовоқ ва бошқа экинлар ҳосилига катта зарар етказди (Хўжаев Ш., 2008).

Ўзбекистон шароитида маккажўхори парвонасининг зарарлилик иқтисодий чегараси ўртача 100 ўсимликда 8–12 дона личинкаси бўлганда ҳисобланади. Кўпчилик олимларимизнинг фикрига кўра, маккажўхори парвонасининг бир дона қурти ўзининг ривожланиш даврида ўсимлиكنинг 20 дан ортиқ ҳосил органларини зарарлайди.

Шуни инобатга олган ҳолда Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Маккажўхори селекцияси ва уруғчилиги илмий-тажри-

нинг биологик самарадорлиги зараркунандаларнинг, яъни маккажўхори парвонасига қарши қўлланилишидан олдинги ва кейинги сонига қараб, назорат вариантга солиштириб Гендирсан, Тилтон формуласи асосида аниқланди. Яъни:

$$M\% = \left(\frac{T_a \times C_b}{C_a \times T_b} \right) \times 100 \%$$

Бунда: M% - биологик самарадорлик;

T_a - тажриба майдонида ишлов берилгандан кейин зараркунандалар сони;

T_b - тажриба майдонида ишлов берилгандан олдинги зараркунандалар сони;

C_a - назорат майдонида ишлов берилгандан кейинги зараркунандалар сони;

C_b - назорат майдонида ишлов берилишидан олдинги зараркунандалар сони.

Қўлланилган агротехник ва кимёвий воситаларнинг иқтисодий самарадорлиги эса олинган қўшимча ҳосил ҳисобига аниқланди.

Тажриба натижаларининг математик таҳлили Б.А.Доспехов (1985 й) услуби бўйича аниқланди.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, маккажўхори парвонасига қарши кимёвий кураш чорасининг биологик самарадорлигига кўра олиб борилган тажрибамизда ишлов берилгандан кейинги зараркунандалар сони назоратга нисбатан 3 кундан сўнг 2,1 тага, 7 кундан сўнг 1,1 тага, 14 кундан сўнг 0,5 тага камайганлигини, шу билан биргаликда биологик самарадорлик назоратга нисбатан 3 кундан сўнг 78 фоизга, 7 кундан сўнг 88 фоизга, 14 кундан сўнг 95 фоизга ошганлигини ҳамда ҳосилдорлик кўрсаткичи эса назорат вариантыда 28,1 ц/га бўлган бўлса, тажриба вариантыда 39,0 ц/га. ни, қўшимча ҳосилдорлик 10,9 ц/га. ни ташкил этганлигини кузатишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганимизда, Фарғона водийси тупроқ-иқлим шароитида маккажўхори парвонасига қарши 10 фоизли CORAL препарати 0,5–0,8 л/га меъёрга қўллаганилганда 10,9 центнер қўшимча ҳосилдорликка эришилди.

**Н.КАРИМОВ, Ф.УЗАҚОВ,
Б.ШЕРМАТОВ, М.ДЖЎРАЕВ,**
Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти илмий ходимлари.

Маккажўхори парвонасига қарши кимёвий кураш чорасининг биологик самарадорлиги

Вариантлар	Препарат сарфи, л/га	Ишлов берилгандан олдинги зараркунандалар сони	Ишлов берилгандан кейинги зараркунандалар сони			Биологик самарадорлик, %			Ҳосилдорлик, ц/га	Қўшимча ҳосилдорлик, ц/га
			3	7	14	3	7	14		
Назорат	-	8,2	11,3	12,2	13,5	-	-	-	28,1	
CORAL 10% в.р.	0,5-0,8	8,4	2,1	1,1	0,5	78	88	95,0	39,0	10,9

гуруҳига мансуб бўлган маккажўхори етиштириш технологиясини янада тақомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бунда маккажўхорини эрта баҳорда экиб етиштиришда унинг ҳар бир нав ва дурагайлариининг экиш муддатлари ва меъёрларини аниқлаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистонда маккажўхори экини майдони йил сайин кенгаймоқда. Унинг майдони 2016 йил 114 минг гектар бўлиб, дон ҳосилдорлиги 37–39 ц/га, ялпи дон маҳсулоти 453600 тоннани ташкил қилган. Маданий маккажўхори битта Zea mays турига мансуб бўлиб, морфологик белгиларига кўра ҳар хил бўлган шакллари мавжуд. Шу билан бирга ушбу экинга зарар келтирувчи зараркунандалардан маккажўхори парвонаси ҳамда гўза тунламлари катта зарар етказмоқда, натижада деҳқонларимиз кўзланган дон ҳосилининг 25–35 фоизини йўқотмоқдалар.

Айтиш жоизки, Ўрта Осиё шароитида маккажўхори парвонасининг уч тури маълум (*Ostrinia nubilalis* Hb.O. *Narynensis* Mutuura et Munroe, *O.Kasmirica* Moore), гўза тунлами (*Heliethes ormirahb*) маккажўхорининг энг муҳим асосий зараркунандаларидан бири ҳисобланади. Улар 120

ба станциясида яратилган “Қорасув–350” АМВ маккажўхори дурагайини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Маккажўхорининг “Қорасув–350” АМВ дурагайи экиш мосламаси ёрдамида 60x15x1 схемада, гектарига 22,5 кг меъёрида экилиб, қуйидаги тажриба тизими бўйича тадқиқот олиб борилди.

Тажриба 2 вариант, 4 қайтариқдан иборат бўлди. Тажриба делянкаларининг узунлиги 20 метр, эни 4,8 метрни ташкил этиб, делянкаларнинг умумий майдони 96 м² ни ташкил қилди.

I вариант – назорат. Маккажўхори парвонасига қарши ишлар ўтказилмади.

II вариант – тажриба. Маккажўхори парвонасига қарши 10 фоизли CORAL препарати 0,5–0,8 л/га меъёрга қўлланилди.

Ҳар бир вариантда ҳисоблаш учун 2017 йил 25 апрелда 100 тадан ўсимлик танлаб олинди ва шу ўсимликларда ҳар 10 кунда фенологик кузатишлар олиб борилди.

Тажриба агротехник ва кимёвий кураш чораларида олинган маълумотлар асосида олиб борилди. Қўлланилган агротехник ва кимёвий воситалар-

ФОСФОР САҚЛОВЧИ ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ШИРИН ҚАЛАМПИР ҲОСИЛДОРЛИГИГА БОҒЛИҚЛИГИ

The article gives data on the effect of phosphorus-containing fertilizers on the sweetening of sweet pepper.

Сабзавот экинлари ичида қалампир таркибида витамин С (аскорбин кислота) сақлаши бўйича биринчи ўринда туради. Ширин қалампирлар мевасининг биокимёвий таркиби қуйидагича: қуруқ модда – 14,5%, оқсил – 1,5%, шакар – 5,4%, мой – 0,95%, клетчатка – 1,8%, кул – 0,69%.

Ширин қалампир меваси йирик, этли, таркибида капсиацин моддаси-

пишган мевасида эса 368–535 мг витамин С бўлади.

Сабзавот ва картошка алмашлаб экиш тизимида ширин қалампирнинг ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатиغا фосфор сақловчи ўғитларнинг таъсирини ўрганиш, мақбул ўғит тури, меъёри ва муддатларини ўрганиш долзарб масалалардан биридир.

Тажриба 8 вариант 4 такрорликда олиб борилди. Даланинг узунлиги 20 м, эни 2,8 м, битта пайкалнинг майдони 56 м², пайкаллар тўрт ярус қилиб жойлаштирилди.


Тадқиқот объекти сифатида фосфор сақловчи ўғитлардан аммофос (Рам) 11–12% N, 46% – P₂O₅, НКФУ (РНКФУ) 6–8% N, 16% P₂O₅, Ps-агро (PPs-агро) 4–6% N, 41–44%, P₂O₅, 5–7% SO₃ сақлайди, ширин қалампирнинг “Дар Ташкента” нави олинди.

Типик бўз тупроқлар шароитида ширин қалампирнинг “Дар Ташкента” нави ҳосилдорлигига Қизилқум фосфоритлари асосида олинган фосфор сақловчи ўғитларнинг йиллик меъёрлари ошириб борилган, ҳамда турли шаклда қўлланилганда таъсири турлича бўлганлиги аниқланди. Жумладан, ўғитсиз - назорат вариантыда ширин қалампир ҳосилдорлиги гектарига 145,5 ц/га ташкил этгани ҳолда, азот (N) 200 ва калий (K) 90 кг қўлланилган вариантда назоратга нисбатан қўшимча ҳосил 112,9 ц/га бўлди. НКФУ ўғити меъёрини гектарига 60 кг. дан 180 кг/га. гача ошириш назорат вариантыга нисбатан 163,0–180,1 ц/га қўшимча ҳосил олиш имконини берди. Энг кўп ҳосилдорлик НКФУ 180 кг/га қўлланилган вариантда кузатилгани ҳолда, ишонарли қўшимча ҳосил НКФУ 100 кг/га қўлланилган вариантыда олинди (1-расм).


Сабзавот экинлари, жумладан, ширин қалампирнинг ҳосили шаклланишида қўлланилган ўғитлар меъёрлари ўғит турига боғлиқ экан. Ширин қалампир ҳосилдорлиги ва ўғит меъёри орасидаги боғлиқлик чизиқли характер ($y=ax+b$ тенгламаси) га эга бўлиб, унинг тифизлиги $r=0,99$ га тенг бўлиши аниқланди (2-расм).

Хулоса қилиб айтганда Зарафшон водийси карбонатли тупроқлар шароитида ширин қалампирдан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда Қизилқум фосфоритлари асосида олинган фосфор сақловчи ўғитларни N₂₀₀ K₉₀ фониди 100 кг/га қўллаш тавсия этилади. Ўғит меъёрларининг ошиши билан ҳосилдорлик ҳам ошиб боради, улар орасидаги боғлиқлик $y=0,14x+300,5$ регрессия тенгламасига бўйсуниб, корреляция коэффиценти тифиз, яъни $r=0,99$ га тенглиги аниқланди.

М.ХАЙИТОВ, М.МАШРАБОВ, М.ДАВИРОВА,
(СамҚХИ)



1- расм. Фосфор сақловчи ўғитлар қўллашнинг ширин қалампир ҳосилдорлигига таъсири



2-расм. Фосфор сақловчи ўғит меъёрларининг ширин қалампир ҳосилдорлигига боғлиқлиги

ни жуда кам (0,015% гача) сақлайди. У овқатга янгилигича, бундан ташқари турли хил консервалар тайёрлашда ишлатилади.

Ўзбекистонда етиштирилган ширин қалампир техник пишган меваси 54–118 мг, қизарган, яъни физиологик

Қизилқум фосфоритлари асосида олинган фосфор сақловчи ўғитларнинг сабзавот алмашлаб экиш тизими экинлари учун рационал ўғитлаш меъёрларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар Зарафшон воҳаси карбонатли типик бўз тупроқлар шароитида ўтказилди.

ДЕҲҚОНЧИЛИКДА ГУМУС ВА АЗОТ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ

Деҳқончиликда гумус ва азот масаласи юқори ва сифатли ҳосил олишда ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Тупроқда гумус ва азот миқдорини мақбуллаштириш ҳамда уларнинг камайиб кетишини бартараф этиш тупроқ унумдорлиги, хосса ва хусусиятларини пасайиб кетишининг олдини олади. Лекин интенсив деҳқончиликка ўтилиши билан тупроқ унумдорлигининг пасайиши кузатишда. Бу ҳолат тупроқда гумус ва ялли азот миқдорининг камайиши, тупроқ агрофизик, агрохимёвий ва микробиологик хоссалари ҳамда иссиқлик, сув, ҳаво ва озик режимларининг ёмонлашишида намоён бўлмоқда.

Бу масалаларнинг ечими тупроқнинг гумус ҳолатини яхшилаш билан боғлиқ. Тупроқнинг гумус ҳолати яхшиланиши тупроқнинг барча хосса-хусусиятлари ва режимларига бирдай ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун деҳқончиликда гумус муаммоси энг асосий ҳисобланади. Тупроқ гумус ҳолати азот режимига ҳам таъсир кўрсатади. Тупроқда азотнинг умумий миқдорининг ортинги ёки камайиши гумус билан боғлиқ. Чунки, азотнинг жуда катта қисми (98–99%) органик модда таркибда бўлади, яъни азот тупроқда фақат органик модда сифатида тўпланади. Минерал шаклдаги азот тупроқда кўп миқдорда тўпланиш хусусиятига эга эмас. У ювилиш ва денитрификацияга учрашга ўта мойил. Тупроқдаги микроорганизмлар минерал азот бирикмаларини тупроқ учун зарarli модда сифатида йўқотиб, унинг ортиб кетишига йўл қўймайди. Бу ҳолат тупроқда узоқ йиллик эволюция натижасида шаклланган. Демак, минерал азот тупроқда тўпланиш имконига эга эмас. Лекин минерал азот ўсимликларнинг озикланишида асосий ролни бажаради. Чунки азот тупроқда минимал даражада турган омил сифатида деҳқончилик қонунларига биноан ҳал қилувчи кучга эга. Шунинг учун ҳам азотли ўғитлар бошқа ўғит турларига нисбатан экинлар ҳосилдорлигини анча кўпроққа оширади. Аммо азотли ўғитларнинг тупроқ унумдорлиги, гумус ва ялли азот миқдори, тупроқ микроорганизмлари, маҳсулот сифати, атроф-муҳит экологиясига салбий таъсири кучли бўлади. Азот муаммосининг ҳал бўлиши гумус муаммоси ҳал қилиниши билан чамбарчас боғлиқ.

Тупроққа ишлов бериш, аэрациянинг кучайиши, қатор орасига ишлов бериладиган экинларнинг кўп экилиши, алмашлаб экишнинг йўқлиги, органик ўғитларнинг қўлланилмаслиги, азотли ўғитларнинг бир томонлама юқори нормада қўлланилиши охириқабат тупроқда гумуснинг, у сабабли ялли азотнинг камайишига, унумдорлигининг пасайиб, тупроқнинг барча хосса-хусусиятлари ва режимларининг ёмонлашишига олиб келади. Азотли ўғитларни юқори меъёрда қўллаш тупроқда углеводнинг азотга (C:N) нисбатини қисқартириб, орга-

ник модданинг парчаланишини тезлаштиради. Органик моддаларнинг гумусга айланишини камайтиради, уларнинг охиригача парчаланишига олиб келади. Бу эса гумус ва ялли азот миқдорининг камайишига сабабчи бўлади. Тупроқ азот режимини оптималлаштиришда органик ўғит ва биологик азотдан фойдаланишни кучайтириб, азотли ўғитлар меъёрини камайитириш керак. Бу эса гумус парчаланишини камайитириб, унинг тўпланишига имконият беради. Азотнинг бир қисмининг органик ўғитлар шаклида қўллаш азотли ўғитларнинг тупроққа, маҳсулот



сифати ва атроф-муҳитга салбий таъсирини камайитириб, тупроқ унумдорлигини, гумус ва ялли азот миқдорини оширади ҳамда мўл ва сифатли маҳсулот етиштиришга замин яратади.

Кўпчилик олимларнинг таъкидлашича, Ўзбекистон тупроқларида дефицитсиз гумус балансига эришиш учун 17–18 т/га органик ўғит қўллаш керак. Дефицитсиз гумус баланси дефицитсиз азот балансини келтириб чиқаради. Бунда органик ўғитларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса чорвачиликни ривожлантиришнинг талаб этади. Умуман олганда, чорвачиликни ривожлантирмасдан анъанавий деҳқончиликни ривожлантириш имконияти йўқ. Чунки республикада тупроқларида гумус ва ялли азот миқдори жуда паст ва бу борада тупроқ унумдорлиги юқори эмас. Бунинг учун экин структурасида ем-хашак экинлари майдонини кўпайтириш керак.

Ем-хашак экинлари ичида беда ўзига хос ўринга эга. Беда чорвачиликни ривожлантириш билан бирга тупроқнинг гумус ва азот ҳолатини яхшилайти, тупроққа ишлов берилмаслиги сабабли тупроқ структураси тикланади, органик моддаларнинг

парчаланиши секинлашиб, улардан гумус ҳосил бўлиши жадаллашади, ялли азот миқдори ортади, органик ва азотли ўғитларга бўлган талаб ва эҳтиёжни камайтиради, деҳқончиликда биологик азот улушини кўпайтиради. Бу эса деҳқончилик тизимини кескин яхшилайти.

Бедадан кейинги йиллар органик ўғитларга эҳтиёж камайтириб, азотли ўғитлар меъёрини 20–40 фоизга камайитириш имконияти юзага келади. Бу эса азотли ўғитларга кетадиган харажатни ҳамда уларнинг тупроқ унумдорлиги, гумус ва ялли азот миқдори, маҳсулот сифати ва атроф-муҳитга салбий таъсирини камайитиради. Деҳқончиликда азот муаммосини нафақат азотли ўғитлар, балки азотли ўғитлар билан бирга органик ўғитлар, биологик азот (дуккакли экинлар) ҳисобига ҳал қилиш тупроқ унумдорлиги, гумус ва азот, экологик, ҳосилдорлик ва маҳсулот сифати муаммоларининг ечимини топишда алмаштириб бўлмас омил ҳисобланади. Бу борада гўзапоё ва кузги буғдой сомонидан компост тайёрлаб, органик ўғитлар чиқилиши кўпайтириш органик ўғит муаммосини ҳал қилишда муҳим ўринга эга. Гўзапоё ва сомонда углеводнинг азотга (C:N) нисбати жуда юқори бўлиб, улар тупроқда иммобилизацияланиш жараёнларини кучайтиради. Бундай шароитда гумус ҳосил бўлиши ортади. Ушбу ўсимлик қолдиқларининг гўнг ва бошқа ўсимлик қолдиқларига нисбатан гумификацияланиш коэффициенти анча юқори. Бунинг натижасида тупроқда ялли азот миқдори ҳам ортади. Азотга бўлган эҳтиёжнинг бир қисмининг органик ўғит ва биологик азот ҳисобига қондирилиши азотли ўғитларнинг ўзлаштирилиш коэффициенти оширади ва уларнинг тупроқнинг гумус ва азот ҳолатига, маҳсулот сифати, атроф-муҳит экологиясига салбий таъсирини камайитиради.

Шундай қилиб, гумус ва азот тупроқда бир хилда бошқарилади ва улар бир-бири билан жуда яқин боғланган, бирини иккинчисидан ажратиб алоҳида ҳал этиб бўлмайди. Улар биргаликда ҳал қилинадиган муаммолар қаторига киради. Шу билан бирга, гумус ва азот муаммоси деҳқончиликда ҳал қилувчи кучга эга, улар тупроқ унумдорлиги, экинлар ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифатини белгилувчи омил ҳисобланади. Шунинг учун деҳқончилик тизими ва маданиятини кўтаришда айнан ушбу муаммолар биринчи бўлиб ҳал қилиниши ва ўз ечимини топиши керак. Бу муаммоларни ҳал қилмасдан туриб деҳқончиликда юқори самарага эришиб бўлмайди.

Т.ОРТИҚОВ,
(СамҚХИ)

АГРООЛАМ АЖОЙИБОТЛАРИ

ЧИГИРКАЛИ НОНГА ТОБИНГИЗ ҚАЛАЙ?

Финляндиянинг “Фазер” компанияси 2018 йилдан бошлаб ун, дон ва ҳашаротлардан тайёрланган нонни сотувга чиқармоқчи.

Ушбу ажойиб рецептли нонга ишлаб чиқарувчилар “оқсил манбаи” деб ном қўйишди. Мамлакат оммавий ахборот воситаларидаги маълумотга кўра, 250 граммли “чигиркали нон” ун ва 70 грамм кури-тилган чигиртка қўшиб тайёрланади. “Фазер” компанияси бўлим бош-



лиги Маркус Хелстрёмнинг сўзларига қараганда, ҳашаротлар миқдори умумий маҳсулот оғирлигининг 30 фоизини ташкил қилади.

Бундай ноннинг нархи оддий нонга қараганда анча қимматроқ. Оддий нон 2 евро турса, “чигиркали нон” финляндияликларга 3,99 еврога тушади.

Ишлаб чиқарувчиларнинг фикрича, бу мазали ва фойдали маҳсулотга талаб катта.

– Ҳар куни дунёда 2 миллиард киши ҳашарот ейди. Биз ҳашаротлар финляндияликлар кундалик турмушининг ҳам ажралмас бир қисмига айланишидан умидвормиз, – дейди Маркус Хелстрём.

Сал аввалроқ БМТ қошидаги айрим халқаро ташкилотлар одамларни “озиқ-овқатларнинг аввалги манбалари ва уларни ишлаб чиқариш усулларини қайта кўриш чигиртка”, шунингдек, ҳашаротхўр бўлиш учун тайёрланишга чақирганди.

АНОР БИЛАН БОҚИЛГАН БУЗОҚЛАР

Исроиллик олимлар ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, анор шарбатини ишлаб чиқариш жараёнида ундан қоладиган чиқиндилар

йирик шохли моллар учун ажойиб қўшимча емиш бўлиши мумкин экан. Бу ҳақда ScienceDaily.com. хабар тарқатди. Анор пўстлоғи йирик шохли моллар организмда юқори миқдорда антиоксидантларнинг йиғилишига ва тез семиришига ёрдам бераркан.

Саккиз ҳафта мобайнида анор пўстлоғи билан озиқланган бузоқлар организмни таркибида алфа-токоферолнинг миқдори анча юқори эканлиги аниқланган.

Алфа-токоферол гўшт маҳсулотларининг сақлаш муддатини узайтиради ва сақланиш жараёнида ундаги фойдали моддаларни парчаланиб кетмаслигининг олдини олади.



БИЗДА ҚИШ, СИЗДА-ЧИ?

Биз қишнинг аёзли кунларини бошдан кечираётган бир вақтда Марокаш аҳолиси қурғоқчиликдан азият чекмоқда.

Айниқса, ҳукумат ва фермер хўжаликлари бундан қаттиқ ташвишда. Марокаш аҳолисининг 40 фоизи қишлоқ хўжалигида банд эканлиги ҳамда бу кўрсаткич мамлакат ЯИМнинг 15 фоизини ташкил этишини ҳисобга олсак, муаммонинг нақадар кенг кўламли эканлигини англаб етамиз.

Қурғоқчилик мавсумда дон маҳсулотларини етиштиришни хавф остига қўйди, бунинг натижасида 35 миллион нафар аҳолига эга мамлакат донни импорт қилишга мажбур бўлмоқда.

Ёзнинг бошларидан буюн Марокаш аҳолиси ёғингарчилик кутмоқда. Мамлакатдаги Марокаш миллий университети мутахассисларининг айтишича, 1960 йилдан бери ҳаво ҳарорати 4 даражага ортган, ёғингарчилик миқдори йилдан йилга камаймоқда.

“Сув борган сари камайиб бор-

моқда ва биз уни топиш учун ерни янада чуқурроқ қазишимизга тўғри келмоқда”, – дейди фермер Ҳусайн Адердур.

Қурғоқчилик сабаб, ернинг нам сақлайдиган қатлами зарар кўрмоқда. “Агар яна бирор ой ёғингарчилик бўлмаса, аҳвол мушкуллашадими”, – дейди қишлоқ хўжалиги вазирлиги ходими.

СУВ ЎРНИГА КАЛАМУШ

Британиялик биологлар Филип-пинда йиртқиш ўсимликларнинг янги турини – бугунги кундаги энг каттасини аниқлашга муваффақ бўлишди. У нафақат ҳашаротларни, балки унча катта бўлмаган кала-



мушларни ҳам худди сув ютгандек, ютиб юбора олади.

Бу ўсимликни илк бор 2000 йилда христиан миссионерлари топишган эди. Улар ўз ватанларига қайтишгач, антиқа ўсимлик ҳақида оммага эълон қилишади. Бу ҳикоя олим Стюарт Макферсон, мустақил тадқиқотчи биолог Элистер Робинсон ва филиппинлик мутахассис Фолкнер Хайнрихни ҳам қизиқтириб қўяди.

Бир неча йилдан сўнггина учала олим Викториа чўққисига экспедиция уюштиришади ва ўрмондан аввал бизга маълум бўлмаган, миссионерлар айтган Непентхес аттенбороугҳии ўсимлигини топишга эришишади. Шу билан бирга, олимлар ҳали биология соҳасига номаълум бўлган пушти қирққулоқ ва кўк кўзиқоринларни ҳам топишди.

ГУЛЛАР ҲАЁТИМИЗ ПОСБОНИ

Олимларнинг фикрича, тувакдаги гулларнинг фойдаси фақатгина уйга кўрк бағишлаш ёки муаттар ҳид тарқатиш билан чекланмайди. Янги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, манзарали ўсимликлар руҳий зўриқишни камайтириши ва одам кайфиятини кўтариши ҳам мумкин экан. Шунингдек, ҳавони ифлослан-

тирувчи моддаларни ютиш ҳисоби-га, уй эгасининг ишлаш қобилия-тини оширар экан. Тадқиқотчилар ҳар бир хонадонда бўлиши керак бўлган бешта ўсимлик турини аниқлашди.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш таш-килоти маълумотларига қараган-да, ифлосланган ҳаво туфайли ҳар йили 1,6 млн киши ҳаётдан кўз юмади. Хонадаги ҳаво кўчадагига нисбатан 12 баробар ифлос бўлиб, лак, бўёқ, кийимлар,



қурилиш моллари ва сув қувури-даги сувнинг парланиши бунинг сабабчисидир.

Экспертлар 28 турдаги уй ўсим-лигининг ифлос ҳавони ютиш ху-сусиятини текширишди. Улардан энг яхши кўрсаткични Ҳемиграп-хис ната, Ҳедера ҳелих, мум печак (Ҳоя карноса) ва Аспарагус ден-сифлорус ўсимликлари кўрсатди. Шунингдек, тажрибанинг мутлақ голиби деб тўрт турдаги ифлослан-тирувчи моддани ютиш хусусияти-га эга Традессантиа паллида ўсим-лиги тан олинди.

Баҳорги тадбирлар

ИНСОН ЕРНИ ОБОД ЭТУВЧИ ҚИЛИБ ЯРАТИЛГАН

Қиш кунлари орта қолиб, янги-ланиш фасли бўлган баҳор кириб кел-ди. Қуёш зиёси ўзининг ҳарорати би-лан борлиқни қиш уйқусидан уйғот-моқда, тоғ ва даштлар, шаҳар ва қиш-лоқлар ўзига хос чирой билан буркан-моқда. Бу паллада осмондан барокот ёмғирлари ёғди. Баҳор инсонни мав-сумий меҳнатга чорлайди.

Азалдан кўклам юмушларига Наврўз нафаси кеза бошлаган дамлар-дан киришилади. Маҳалла-қўйда ерлар-ни юмшатиш, дарахтларни оқлаш ва буташ, янги кўчат ва гулларни экиш ишлари бошланади. Бу борада умумий ҳашарлар ташкил қилиниб, эзгу ни-ятлар билан кўчат ўтқазиш, ҳовли ва маҳалласини ҳамжиҳатликда ободон-лаштириш халқимизга хос олийжаноб фазилатлардандир.

Яратувчи Зот инсонни ер жинси-дан пайдо қилганлиги, сўнгра ерни обод этувчи қилиб яратганлиги бежиз эмас. Инсондан ерни обод этиш талаб қилинади. Қаровсиз жойларни обод этиш, кўчат экиш ва парваришlash, боғлар барпо қилиш инсон ҳаётининг заруратидир. Ер тирик бўлмаса, унда-ги жонзотлар, жумладан, инсоният ҳам тирик бўлмайди.

Муқаддас динимиз деҳқончилик ва боғдорчилик ишларига катта эътибор беради ва тарғиб қилади. Бу ҳақда Пай-гамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан жуда кўплаб ҳадислар ворид бўлган.

Анас розияллоҳу анҳудан қуйидаги ривоятлар қилинади: Расулulloҳ сол-лаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Бир мусул-мон бир дарахт ўтқазса ёки бир экин экса ва унинг меваси ва ҳосилдан ин-сон ё қуш ёки ҳайвон тановул қилса, унга садақанинг савоби бордир”**, дедилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Сизлардан бирингизнинг кўлида кўчат бўлган ҳолда қиёмат қоим бўлса, кўлидаги кўчатни экишга қодир**

бўлса, турмасдан кўчатни эксин”, де-дилар.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Албатта, Расулulloҳ соллал-лоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким Аллоҳга ишониб ва савоб умид қилиб қаровсиз ерни обод қилса, Аллоҳ унинг ишига ёрдам ва барака беради”**, дедилар.



Баҳор янги меҳнат мавсуми. Бир йиллик экинларнинг кўпи баҳор фас-лида экилади.

Деҳқон ўз ишида ихлос билан, чиқ-қан ҳосилдан улушни беришни қасд қилиб, Аллоҳ таолодан баракани сўраб ҳаракат қилса, Аллоҳ таоло барака бе-ради.

Саҳобалардан бир қанчалари деҳ-қончилик билан машғул бўлдилар. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу саҳобалар ичиди зоҳидлардан бири бўлган эса-да деҳқончилик қилар эди. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу деҳқончилик-дан мўл ҳосил олиш учун ўз ерига ўғитлар (ҳайвонларнинг тезаги) билан ишлов берад эди. Экинларга имкони бўлиб, вақтида сув бермаслик макруҳ бўлади.

Рифоъа ибн Рофиъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллал-лоҳу алайҳи ва салламдан, **“Қайси касб афзал”**лиги ҳақида сўралди: Шунда У зот: **“Кишининг ўз кўли билан қилган иши**

ва ҳар бир ҳалол саводир”, дедилар.

Ушбу ҳадисда кўл меҳнати тижор-ратдан олдин зикр қилингани учун у энг афзал ишдир. Ушбу ҳадиснинг шарҳида уламолар турли фикрларни билдиришган:

Ал-Мовардий: “Касбларнинг энг афзали деҳқончилик, тижорат ва са-ноатдир”, деганлар.

Имом Нававий: “Касбларнинг энг яхшиси кўл меҳнати билан қилинган иш бўлса, деҳқончилик энг яхшиси-дир, чунки унда кўл меҳнати ҳам бор, Аллоҳга таваккал қилишлик бор ва инсон ва ҳайвонларга ҳам манфаат ет-казишлик бор”, деганлар.

Демакки, юртнинг ободлиги тўқин ва фаровонлигида инсоннинг шу азиз заминга меҳр қўйиб, уни янада кўркамлашиб, тараққий топтиришда-ги ўрни бекиёс.

Она диёримизнинг бепоён ҳудуд-ларида, айниқса, қишлоқ минтақала-рида яшовчи ҳар бир инсонга моддий фаровонликнинг асосларидан бири деҳқончилик ва зироат экани яхши маълум. Қолаверса, халқимизнинг ризқу рўзи, насибаси аввало, заҳмат-каш деҳқонлар томонидан далалари-мизда етиштирилажак маҳсулотлар, озиқ-овқат ва нозу неъматлар билан ўлчанади.

Ўзбекистон шундай фазилатли ди-ёрки, халқни чин меҳнаткаш, тупроғи тирик жондек – бағрида ҳамма нарса униб-ўсади, об-ҳавоси ҳам мўътадил, оқар сувлари бор. Демак, Аллоҳ таоло бизга шундай шароитни бериб қўйган экан, биз бу неъматлардан унумли фойдаланишимиз лозим. Деҳқончилик касбига фақат бойлик орттириш учун эмас, балки охиратимиз учун, савоб-лар ҳосил қилишимиз учун имконият эканлигини ҳис қилган ҳолда ёндашу-вимиз даркор.

Жалолиддин ХОЛМЎМИНОВ,
исломшунос.

СЕРҚИРРА ОЛИМ

Баъзан биз ҳаётда арзимаган нарса деб ҳисоблайдиган воқеа – Яратган тақдиримизга ёзган йўналишга бурилиш ва кейинги тақдиримизнинг шаклланишига туртки бўладиган инсонлар билан танишишимизга сабаб бўлар экан.



Мақтабда ўқиб юрган пайтларимда детектив асарлар ва фильмларга қизиқишим, она тарафдан судья бўлиб ишлаётган қариндошимизнинг (жойлари жаннатдан бўлсин) одоби, инсонийлиги ҳамда меҳрибонлиги менда дастлаб юрист бўлиш орзусининг шаклланиши сабаб бўлган.

Мақтабни битиришимиз арафасида раҳматли отам ёнларига чорлаб, келажагим тўғрисида суҳбатлашиб, босиқлик билан юрист, агроном, ветеринар, зоотехник, муҳандис каби касблар, уларнинг ўзига хос жиҳатлари билан мени таништирди. Суҳбат якунида бухгалтерлик энг ажойиб касб эканлигини, унинг нозик қирраларини тушунтириб, бухгалтерлик касбини танлашни маслаҳат берди.

Ҳар бир ўсмир каби мен ўjarлик билан юрист бўлишим керак деб эътироз билдирдим. Лекин вақт ўтиши билан бухгалтер ва юрист касбларини тез-тез таққослаб, қайси касб мақбул деган саволга жавоб қидирадиган бўлдим. Охир оқибат отамнинг фикри мақбул эканлигини тан олиб, Самарқанд кооператив (ҳозирги Самарқанд иқтисодиёт ва сервис) институтининг бухгалтерия ҳисоби йўналишига ҳужжат топширдим ва талабалик йилларим давомида бугун муборак ёшларини нишонлаётган устозим Мамаюнус ҳожи Пардаев билан танишиб, шогирд тушдим.

Устоз Мамаюнус Қаршибоевич билан танишиш, устознинг тўғри маслаҳатлари ва кўмаклари ёрдамида ҳаётда, илмий йўналишда маълум бир муваффақиятларга эришишга раҳматли падари бузрукворим сабабчи бўлганлиги ва отанинг фикрига қулоқ солиш инсонни камолати учун хизмат қилишига ҳам бугун яна бир бор амин бўлиб турибман.

Ҳаётгий тажрибалар менда инсонлар Яратган томонидан берилган

ўзига хос хислати билан бошқалардан ажралиб турар экан деган хулосани шакллантирди. Устознинг ўзига хос хислати самимийликда ва меҳнатда бўлса керак деб ўйлайман.

Тинимсиз меҳнат домлани ХХ асрнинг 70 йилларидаёқ собиқ иттифоқ миқёсида эътироф этилган ва иқтисодий таҳлил йўналиши бўйича ўтадиган анжуманларда илмий маъруза, мунозараларда номи тез-тез зикр этиладиган олим даражасига кўтарди. Ўтган асрнинг 80-йилларидан то ҳозиргача иқтисодий таҳлил мавзусидаги анжуманлардаги илмий мунозараларга якуний хулоса устоз Мамаюнус Қаршибоевич томонидан берилиши барча дўстлари ва шогирдлари учун фахр бўлса, домла учун машаққатли меҳнат натижасидир.

Шу ўринда домла аъзо бўлган илмий Кенгаш йиғилишида кўпчилик гувоҳ бўлган бир воқеани эслаб ўтишни жоиз, деб ўйлайман. Диссертация ҳимояси бўлиб ўтаётган Кенгаш йиғилишида диссертант маърузасидан сўнг савол-жавоб бошланди ва диссертантга савол бериш учун навбат устоз Мамаюнус Қаршибоевичга берилди. Барча саволларга бурро-бурро жавоб бериб келаётган диссертант устознинг саволларидан сўнг ҳаяжонданми ёки устоз салобатиданми эсанкираб қолади ва барчани ҳайратда қолдириб, илмий жамоатчилик ҳамда залдагилар кўз ўнгида ҳушидан кетиб минбардан йиқилиб тушади. Йиғилишда танаффус эълон қилинади ва танаффусдан сўнг устоз норасмий оппонент сифатида диссертантни ёқлаб сўзлайди ва юзага келган ноқулай вазиятдан барчани олиб чиқади.

1967 йилдан буён курсдош, касбдош ва дўст сифатида домла билан ёнма-ён ишлаб келаётган ҳурматли домлашим Мурод Муҳамедов дўстига шундай баҳо беради: “Мамаюнус Пардаев тўртта йўналиш-

да ижод қилади. Асарларининг биринчи йўналиши иқтисодий таҳлилга оид, иккинчи йўналиши мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар ва Ўзбекистон тараққиёт йўлининг ўзига хос хусусиятлари, учинчи йўналиш оила иқтисодиёти ва тўртинчи йўналиш бадиий-публицистик асарлар ва ҳикматлардан иборатдир.

Агар у кишининг ижод намуналарини ўқисангиз, иқтисодчи, психолог, журналист, ҳаваскор шоир, ёзувчи, нотик, деб ўйлашингиз мумкин. Аслида у киши маълумоти нуқтаи назаридан, бор-йўғи иқтисодчи-бухгалтер”.

Дўстининг эътирофига устоз “Биз ижод қилишни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисод фанлари доктори, профессор Ёрқин Абдуллаевдан ўрганишимиз керак. Ёрқин ака 70 ёшдан бошлаб 100 томлик асар ёзишни бошлади ва қарийб унинг барчасини тугатди”, деб жавоб берадилар.

Устоз юбилеи арафасида илмий жамоатчилик ва китобхонларга туҳфа сифатида домланинг бадиий-публицистик ишлари ҳамда ҳикматлари тўплами нашрдан чиқди. Асарнинг нашр этилиши китобхонликни юксалтиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётган, Юртбошимиз томонидан қўйилаётган вазифалар ижросини таъминлашдаги устознинг муносиби ҳиссасидир.

Ушбу қутлуғ кунларда биз – шогирдлари устозга сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва сермахсул ижод тилаб қоламиз.

Боходир ИСРОИЛОВ,
и.ф.д., профессор.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХО‘ЖАЛИГИ

(«Сельское хозяйство
Узбекистана»)
Аграр-иқтисодий,
илмий-оммабоп журнал

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги

Бош муҳаррир:

Тоҳир
ДОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Зойир МИРЗАЕВ
Аброр ВАХАБОВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Шухрат ТЕШАЕВ
Баҳром НОРҚОБИЛОВ
Низомиддин БАКИРОВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Баҳодир ЮСУПОВ
Абдушуккур АБДУЛЛАЕВ
Сурат ҲАЙДАРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Тоштемир ОСТОНАҚУЛОВ
Шермат НУРМАТОВ
Ўктам УМУРЗОҚОВ
Норкул ХУШМАТОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Ражаббой ДЎСТМУРОДОВ
Муҳаммаджон ИБРАГИМОВ

2018 йил,
№2. Февраль

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:
якка обуначилар учун – 894
ташкilotлар учун – 895

МУНДАРИЖА

Т.ДОЛИЕВ. Эзгу мақсадлар, улкан режалар	1
Ш.ХАМРАЕВ. Соҳада ривожланишга эришиш	2
Р.СИДДИҚОВ. Қиш ўз оти билан қиш	4
Р.СИДДИҚОВ, М.ЖЎРАЕВ, Х.ҚАРШИБОВ, Н.ЮСУПОВ, Б.ҲАЙДАРОВ. Лалмикор майдонларнинг баҳорги экинлари	5
К.ИСАКОВ, А.УМУРЗАКОВ, Ж.НАХАЛБОВ. Нўхат – лалми ерларда соф даромад манбаи	6
Р.НАЗАРОВ, Ф.ТЕШАЕВ. Шароитга мос, мақбул ғўза навларини жойлаштириш	7
Ерни экишга тайёрлаш	8
А.ҚОРАХОНОВ, А.ИБРАГИМОВ, А.ТОЛЫБАЕВ. Чигит экиш сеялкаларини мавсум созлаш	9
Р.АБДУЛЛАЕВ, Х.АБДУЛЛАЕВА. Дарахтлар барвақт куртакламаслиги учун нима қилиш керак?	10
Н.АСТАНАҚУЛОВ, А.МИРЗАЕВ. Ёнғоқзорлар барпо этиш	12
М.ТОШБОЛТАЕВ. Машина теримининг иқтисодий самараси	13
Б.ХОЛБОВ, Ф.ХОЛБОВ. Коллектор-зовур сувлари ва балчикдан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш истиқболлари	14
Т.АЗИЗОВ. Канопдан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш	15
У.ҚАРШИЕВ. Ҳаракатдаги одам	16
Х.КАРИМОВ. Экспортга алоҳида эътибор	17
К.ЭРГАШЕВ. Мукофот – масъулият юклайди	18
Ф.МИРЗАЕВ. Кўп тармоқлилик – давр тақозоси	19
Ш.ЖАББАРОВА. Янги ғоя, янги имкониятлар сари	20
Э.АБДУСАТТОРОВ. Шукроналик шуқуҳи	21
К.ЭРГАШЕВ. Фурумсаройлик илғор фермер	24
Ш.СОДИҚОВА. Асаларичи аёл ҳузурида	25
С.РУСТАМОВ. Ярим асрилик иссиқхона	26
М.ТОИРОВ. Ҳаётда яхши из қолдирсам дейман	27
М.ФАЙЗУЛЛА. Томорқа – барака манбаи	28
Б.АЗИМОВ. Пастернак	29
Қ.МИРЗАЖОНОВ, Р.РАХМОНОВ. Органик деҳқончилик бизга керак...ми?	30
С.АЛИҚУЛОВ, Е.САДЫКОВ, О.АМАНОВ, Р.СИДДИҚОВ. Фаллачиликда янги лойиҳалар самараси	31
Х.САЙДАЛИЕВ, М.ХАЛИКОВА, Т.СЕЙТНАЗАРОВА. Ўзанинг ярим ёввойи G.HIRSUTUM L.SSP. PUNCTATUM намуналарининг униб чиқиш куввати ва унвчанлиги	32
М.ЭШМУРОДОВА. Ўза чигити униб чиқишига сув ва озуқа режимининг таъсири	33
Н.ХОДЖАЕВА, Қ.ЖЎРАҚУЛОВ, Т.САЙИДХОНОВ. Маҳаллий қаттиқ бугдой навлари баргларининг сув сақлаш қобилияти	34
З.АРУТКУМЕТОВ. Ноўсув давридаги суғоришларни қандай амалга ошириш мақсадга мувофиқ?	35
Т.ОСЕРБАЕВА, Д.УТАМБЕТОВ, Р.ЕСБОГАНОВ. Особенности формирования площади листьев сои в зависимости от сроков посева	37
Р.ТУРГАНБАЕВ. Қорақўл кўйларининг қорақалпоқ типли линиялари ..	38
Б.ШАФКАРОВ, А.ДУРМАНОВ, Ф.ШАФКАРОВ. Узум етиштирувчи ва қайта ишловчи корхоналар ўртасидаги ташкилий-иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш масалалари	39
Ж.МИРЗАҚОБУЛОВ, А.ГУЛОМОВА. Сув ресурслари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда минтақа ёшлари ҳамкорлигини такомиллаштиришнинг ижтимоий асослари	40
Н.КАРИМОВ, Ф.УЗАКОВ, Б.ШЕРМАТОВ, М.ДЖЎРАЕВ. Маккажўхори парвонасига қарши Coral препаратини қўллаш муддатлари ..	42
У.ҚАРШИЕВ. Фосфор сақловчи ўғит меъёрларининг ширин қалампир ҳосилдорлигига боғлиқлиги	43
Т.ОРТИКОВ. Деҳқончиликда гумус ва азот муаммолари ва уларнинг ечими ..	44
Агроолам ажойиботлари	45
Ж.ХОЛМУМИНОВ. Инсон ерни обод этувчи қилиб яратилган	46
Б.ИСРОИЛОВ. Серқирра олим	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот
ва ахборот агентлигида 2007 йил
11 январда 0158-рақам билан
рўйхатга олинган.

Манзилмиз: 100004, Тошкент
Шайхонтохур тумани,
А. Навоий кўчаси, 44-уй.
Тел: +998 71 242 13 54,
+998 71 242 13 24.

www.qxjournal.uz

E-mail: qxjournal@agro.uz,
uzqx_jurnal@mail.ru

© «Ўзбекистон қишлоқ хо‘жалиги»

Босмахонага топширилди: 2018 йил
29 январь. Босишга рухсат этилди:
2018 йил 30 январь. Қоғоз бичими
60x84 1/8. Офсет усулида офсет
қоғозига чоп этилди. Шартли босма
табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табағи 5,0.
Буюртма №24 Нусхаси 4200 дона.

«PRINT LINE GROUP» ХК
босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.

Навбатчи муҳаррир: Б.ЭСОНОВ
Дизайнер: Н.БОЛТАЕВА